

# МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№1/2025





***Бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда,  
қудратимиз – Ватанга меҳр ва садоқатда,  
ютуғимиз – ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!***

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти***


*(Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)*

# МУНДАРИЖА

24



38



60



32



74

4



## 4. БОБОЛАР ИЗИДАН

Қоратош-Дехли ҳодисаси

## 14. МЕН МАЪНАВИЯТЧИ БЎЛСАМ...

Фурур кибр эмас...

## 18. ТАВСИЯ

Эшиклар очиқ, аммо...

## 20. ОНА ЗАМИН ВА ОДАМЛАР

Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврӯз!

## 24. ШАРҚДАН НУР

Навоий ва Чўлпон: Кўк – Ер концепти

## 32. БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Юрак қаримайди...

## 38. НАФИС МАЖЛИСЛАР

Мезбон битта: у бизни кузатади ва кутади

## 50. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ

Аросатдаги фаросат



14



104



106



### 60. КИТОБНИНГ КУЧИ

Мангуликка ўтган кунлар

### 66. МУТОЛАА ВАҚТИ

Жума куни *(ҳикоя)*

### 74. БОНГ

Лойқаланаётган осмон,  
кирланаётган замин

### 80. МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ

Ширдоғ нима?

### 88. ДАРСХОНА

Бедовлар юролмас  
йўлдан айрилса

### 90. ОТАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Оддийлардан оддийроқ

### 98. ИЛДИЗ

Сопол қушлар ва смслар

### 104. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ

# ҚОРАТОШ-ДЕХЎЛИ ҲОДИСАСИ



**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,**  
ЎзФА Абу Райҳон Беруний  
номидаги Шарқшунослик  
институти катта илмий ходими

## Илҳом қўри

*Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур,  
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.*

Мирзо Бобур бу сатрларда тафти ҳамиша бизнинг совқотган руҳимизни иситадиган кўрнинг энг катта чўғи тасвирини берган. Тафт томирларга ўтгач, туйғулар жонланади, сўзлар уйғонади, ҳаёт бошланади. Бу чўғ атрофида ҳамиша бир ажойиб суҳбат содир бўлади. Бу сатрлар ярим минг йил илгари Ҳиндистонда ёзилган. Аммо у шунча вақтдан бери Туронда тинимсиз янграйди. Бобур ҳеч қаерга кетмаган ё қайтиб келгандай...

Бисотимда яна бир шундай ҳодиса бор. Ҳиндистон, бобурийлар сулоласи кечмишлари саҳифалари очилиши билан у ҳам ярқ этиб кўзга ташланаверади. У воқеа ҳам бобурийлар саройидан бошланади. Бу тарихнинг бир учи Тошкентнинг Қоратош маҳалласига келиб тақалади. Қизиги, у ҳозир ҳам давом этмоқда.

Нақшбандий-муҷаддий Аҳмад маҳдум Қоратоший муҳр силсиласининг саккизинчи қаторидаги учинчи катакда «Ҳазрат Мирзо Жони Жонон қуддисаллоҳу сирриҳу» деб ёзилган. Муҳрда исми нақш этилган бу азизга манбаларда анча илгарироқ, илк марта дуч келганимдаёқ ифорта тўла илҳом эпкинини ҳис қилдим. Ҳали у тўғрида билгиларим жуда кам эди. Дунёга келиши биланоқ бошига ошиқ туғроси тож қилиб кийдирилган, ҳаёт бозорида ишқ савдоси аҳли сафидан жой берилган бу инсон ким бўлди экан?

У турли қўлэзма манбаларда Мирзо Мазҳар, Жони Жонон, Шамсиддин Ҳабибуллоҳ номлари билан кўп учрарди. Бу исмларда йўғрилган-жам бўлган улуг мартабани ҳазрат Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий сингари ваҳдат дунёсини кезган кўплаб сиддиқлар алқаган.

Ниҳоят, фурсат етиб унга тааллуқли сатрларни йиғиб, тартибга солишни бошладим. Йиғилганларнинг ҳаммасини бу мақолага жойлашни уddалай олмаслигимни ҳам билиб турибман. Ифорли илҳом эпкини эсганда ҳатто қалблар ҳам ўзида содир бўлаётган воқеаларни эплай олмай қолади. Ҳеч қурса, ушоққинадек бир иш бўлар...

## Исмини подшоҳ қўйган гўдак

Бобурийлар хонадонидан бошланган ўша ҳикояга кирамиз энди. Аслида қаҳрамонимизнинг отасининг исми Мирзажон Жонон эди. У Мирзо Жони Жонон номи билан машҳур бўлишига ҳам отасининг шу исми сабаб бўлганди. Айрим бирламчи манбаларда у 28 насаб билан Муҳаммад Ҳанафий ибн ҳазрат Али ибн Абу Толиб хонадонига туташини таъкидланади.

Ривоят қилинишича, XV аср бошларида катта боболаридан бири Амир Камолиддин Тоиф шаҳридан Туркистонга кўчиб келади ва бу ерда давлат бошқарувидаги мансаблардан бирида хизмат қилади. Бобурий Ҳумоюн подшоҳ (1507-1556) ҳукмронлиги даврида Амир Камолиддин авлодларидан Амир Мажнун ва Амир Бобо Туркистондан Ҳиндистонга бориб, сарой аъёнлари қаторидан жой олади.

Отаси Мирзажон Жонон бобурий ҳукмдор Аврангзеб Оламгир (1657-1706) саройида нуфузли ходим эди. Кунларнинг бирида Мирзажон лавозим ва мартабадан воз кечиб, фақирлар йўлини танлаб, тариқат аҳли даврасига қўшилади. Бойлигини ҳақиру мискинларга тарқатади. У мамлакатда саховати, гўзал ахлоқи ва фазилатлари билан танилган эди. Айтишларича, қизининг никоҳи учун йиғиб

қўйган йигирма беш минг рупия маблағини қашшоқликда қийналган бир дўстига ҳадя қилиб юборади.

Мирзо Мазҳарнинг бобоси – онасининг отаси Амир Абду-султон ҳам сулук аҳлидан эди. Чиштия тариқатининг етук вакили бўлган. У вазир Асадхон қизининг ўғли эди.

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ – Мирзо Жони Жонон ҳижрий 1111 йили (1699/1700) Малва музофотига қарашли Галабоғ мавзесида дунёга келади. Баъзи адабиётларда ҳазратнинг таваллуди ҳижрий 1113 йил (1701/1702) деб кўрсатилади.

Бу воқеадан замона ҳукмдори Аврангзеб ҳам хабардор бўлади. У «Ўғил отанинг жонидир, гўдакка Жони Жонон деб исм қўйинг» деб тайинлаб юборади. Кейинчалик уни барча Жони Жонон деб атай бошлайди ва бу исм унга қисмат бўлади. Тариқат аҳлининг барчаси бир умр «Жонон»ни ахтарган, унинг висолига талпинган ошиқлар эди. Шундай «Жонон»нинг жони Ҳинд Акбарободида яшаб, улғаяди. У болалигидаёқ Аврангзеб подшоҳдан ошиқ «ёрлиғи»ни олган дарвеш эди.

УболалигидаотасиваҲофиз Абдурасул Деҳлавийдан илм ўрганади. Аграда Абдуқодир Мисрий унга Қуръон илми ва форс тилидан таълим беради. Ўн олти-ўн саккиз ёшларида бир муддат давлат ишларида хизмат қилади. Тез орада уни тарк этиб, сулук аҳли қурига қўшилади.

## Қутлуғ умр ибтидосидаги воқеалар

У дерди: «Болалигимда Иброҳим алайҳиссаломни тушимда кўриб, илтифот ва эҳсонларига кўп-кўп сазовор бўлдим. Ўша пайтлар ҳазрат Абу Бақрни ёдга олсам, муборак сурати кўз олдимда пайдо бўларди. Руҳониятини кўзим билан кўрардим. Менга илтифоти чексиз эди».

### Тарбия баракати

Яна дерди: «Муҳтарам отамнинг баракатли тарбияси ила менда бир ҳол пайдо бўлди. Бир қарашда инсонларнинг қалбидагиларни англадим. Турган йўлим нури билан инсонларнинг саодат ва ёки шаковат аҳли эканини пешоналаридан билардим».

### Ҳикмат йўли

Ёшлигимда бир куни биров отам билан гаплашаётганди. Ҳазрат имом Раббоний ҳақида сўз борди. Шу пайт имом Раббоний руҳонияти ботинимда намоён бўлди. Ўрнимдан туришга ишора қилди. Бу ҳолни отамга айтгандим, «Англашимча, ундан сенга насиба етади» деди. Аллоҳ таоло қалбимга суннатга бўйсунуш ва амал қилиш хислатини ўрнаштирди.

Мақсадимга етиш учун Саййид Нур Муҳаммад Бадауний ҳузурига бордим. Муборак юзини кўриб, маърифат соҳиби эканини туйдим. У амали суннат билан зийнатланган, дин амрларига тобе, гўзал ахлоқли мўмин эди. Сўхбати қалбларга ҳузур берарди. Даргоҳида сулук аҳли мақсадларига эришар, ўлган қалблар тирилиб, иймонга келарди. Ҳаққа етишга муяссар бўларди. Хизматига олишни сўраганимда, истиҳорасиз шогирд қабул этмаслигига қарамай, менга шу заҳоти қуридан жой берди. Файзи ўта баракатли ва таъсирли эди. Бир таважжуҳи билан шогирд қалби зикрга киришарди. Хизматига етиб, фазлига қовушгач, кўнглим ойдинлашди. Кўп илтифотларига ноил бўлдим.

\* \* \*

Мирзо Мазҳар қидириб-қидириб, файзу осорларга тўла ҳикмат йўлини шу тариқа топган. Умуҷаддий нақшбандий Саййид Нур Муҳаммад Бадаунийнинг (вафоти 1723) илғор ва истеъдодли халифаларидан эди. Унинг даргоҳида тўрт йил тариқат таълимини олади ва иршод ижозатига эришади. Бадаунийнинг ўзи шайх Сайфиддин ибн Муҳаммад Маъсум Сирҳиндийнинг халифаси эди.

Ҳазрат Мирзо Мазҳар ҳинднинг шайх Муҳаммад Афзал Сийалкотий, шайх Ҳофиз, Муҳаммад Сиддиқ ибн Муҳаммад Маъсумнинг халифаларидан бири Саъдулла Дехлавий каби улуғларидан ҳадис ва бошқа илмлардан таҳсил олади.

Ниҳоят, Аҳмад маҳдум Қоратошийнинг муҳр силсиласида номи келтирилган Муҳаммад Обид Синомий ҳузурида 11 йил қолиб, адаб ва шеър илмини ўрганади. Шу тариқа Мирзо Жони Жонон 25 йил бир қанча улуғлар суҳбатида иштирок этиб, иршод мақомига етишади ва Дехлида муҷаддия-нақшбандия тариқати муршиди бўлади.

## Ҳадя ва ўзгалар ҳаққи

Афғон уруғлари бошлиқларидан бири ҳазрат Мирзога уч юз ашрафи олтин ҳадя юборди. Мирзо Жони Жонон: «Ҳар қанча бўлса ҳам ҳадяни қабул этиш дуруст, аммо у қабул этилиши шарт қилинган ҳукм йўқдир. Биз ҳатто асҳобимизнинг ихлос ва эҳтиёткорлик ила ҳаром аралашмаган ҳадяларини олмаймиз. Бу каби ҳалоллиги шубҳали тухфаларни асло қабул этолмаймиз. Бойлар ҳадясида бировларнинг ҳаққи бўлади. Қиёмат куни унинг ҳисоби жуда оғирдир», – дейди.

## Шубҳа

Ҳазрат Мирзо Мазҳар: «Емаклар орасида энг зарарлиси топиш-тутиши шубҳали бадавлат кишилар дастурхонига қўйилган таомлардир. Ҳатто фақирлар таомлари ҳам шубҳалидир. Улар бу таомларни тайёрлаш учун топгани шубҳали бойлардан қарз олади», – дерди.

## Луқма ва ибодат

Мирзо Жони Жонон яна дейди: «Тановул қилинган луқмалар инсонни муваффақиятга етказиб, тоат-ибодати нуруни орттирсин. Фақирликни бой бўлишдан ортиқ кўриш ва сабру қаноатга интилиш, таслимият ва ризони одат қилиш лозим. Оламлар сарвари жанобимизнинг «Аллоҳим! Оли Муҳаммад ризқини етарли даражада қилгин» дуосига мувофиқ инсон неъматларни етарли даражадагина истасин ва сўрасин. Саҳобалар ҳам шундай дуо қиларди. Исроф қиладиган даражада бойлик ва муҳтожлик ҳамда қарзга ботирадиган фақирликдан сақланинг».



## Фақирлик дарси

Нур Муҳаммад Бадаунийнинг файзли суҳбатига етишдим. Тасаввуфнинг турли ҳолларига фарқ бўлдим. Илоҳий муҳаббатга чулғаниб, уйқу, истироҳат ва емак-ичмакни тарк қилдим. Анжумандан узилиб, ёлғиз қолдим. Очлик шиддатидан дарахт барглари ердим. Мувоқабат ҳолида ҳушимни билмай вақтимни ўтказардим. Мақсадимга етиш учун шу тариқа интилардим. Ниҳоят, «Раббингни кўриб тургандек ибодат қил» ҳадисида зикр этилган васфга етдим. Маҳв, фано ва бақо ҳолларида сайр қилдим. Улуғлар таърифлаган манзил – тавҳид сирини мақомига кўтарилдим.

Тўрт йил устозим Нур Муҳаммад Бадауний суҳбатига қатнадим. Менга суннат аҳли этиқодига риоя қилиш ва бидъатлардан тийилишни уқтирди. Сўнгра тариқат йўлида мустақил давом этишимга ижозат берди.

Бу фақирлик дарси эди.



## Бир тун суҳбати

Мирзо Мазҳар Жони Жонон ҳикоя қилади: «Бир куни жаҳон зийнати ва коинот сарвари жаноби Пайғамбаримизни тушда кўриш билан шарафландим. Ёнма-ён бўлиб ётардик. Шунчалик яқин эдикки, муборак нафаслари юзимга уриб турарди. Бир пайт чанқадим. Сирҳинд буюгининг маҳдумлари, ҳазрат имом Раббоний ўғиллари ҳам шу ерда эди. Расулуллоҳ улардан бирига сув келтиришни буюрди. Мен: «Ё Расулуллоҳ, улар менинг устозимнинг ўғиллари», – дедим. Расулуллоҳ: «Улар бизнинг айтганимизга амал қилишади», – деди. Улардан бири сув келтирди. Қониб ичдим. Сўнгра: «Ё Расулуллоҳ, сиз Мужаддиди алфи соний ҳақида нима дейсиз?» – деб сўрадим. Жаноби Пайғамбаримиз: «Умматим орасида унга ўхшагани йўқ», – деди. Мен: «Ё Расулуллоҳ, имом Раббонийнинг «Мактубот» китобига муборак назарингиз тушдими?» – деб яна сўрадим. Айтди: «Ундан эсингда қолган бирон парча бўлса, ўқи!».

Мен ҳазрат имом Раббонийнинг баъзи мактубларида Аллоҳ таоло ҳақида айtilган «Уваро-ул-варо кейин яна варо-ул-вародир – Аллоҳ таоло хаёлимизга келган барча нарсалардан узоқдир. Ақлимиз ўйлаган ва тасаввур қилган ҳеч бир нарса у эмас» деган парчани ўқидим. Жаноб Расулуллоҳга бу гап жуда ёқиб, «Такрор ўқи!» деб буюрди. Яна ўқидим. «Бу ифодалар жуда гўзал айtilган», – деди. Бу ҳол бироз муддат давом этди.

Мен бу кўрган тушимда жаноб Расулуллоҳнинг муборак нафаси ва суҳбатининг баракати билан ўзимни бутунлай нур ҳамда ҳузур ичида сездим. Уйғоқликда қўлга киритган нарсалардан анча баракатли бўлган ушбу туш файзи билан кунлар давомида очқамадим ва чанқамадим».

## Мирзо Бедил опицлаган бола

«Маънолар отаси» Мирзо Абдуқодир Бедил умри охирларида тоғда саёҳатда эди. Худди шу пайтда Мирзо Жони Жонон ҳам зиёратга бораётганди. Йўлда улуғ шоирни учратиб қолди ва узоқ суҳбатлашди. Мирзо Бедил яшаб турган қўналғасига қайтиб кетмоқчи бўлди. У жой тоғнинг баланд жойида эди. Мирзо Жони Жонон устозга илтифот ила «Ижозат беринг, манзилингизга кўтариб олиб чиқариб қўяй» деди. Мирзо Бедил «хўп» дея унинг айтганига рози бўлди.

Мирзо Жони Жонон шоирни елкасида опицлаб, қўналғасига олиб борди. Хайрлашаётиб «Мени танидингизми?» деди. Мирзо Бедил уни танимаганини айтди. Мирзо Жони Жонон ўзини танитди: «Ёшлик пайти эди, бир жойда ўйин ва томоша бўлаётганди. Одамлар гурас-гурас келиб томошага йиғиларди, катта издиҳом эди. Мен ҳам ўша жойда эдим, томошани кўриш учун ҳеч қулай жой топа олмаётгандим. Менинг аҳволимни кўриб, елкангизга кўтариб олдингиз ва томошанинг охиригача турдингиз. Мен ўша сиз елкангизга кўтариб олган боламан. Мана, мен ҳам сизни кўтариб манзилингизга олиб келдим».

Мирзо Бедил «Яқинроқ кел, дуо қилайин» деб ёнига чорлади. Уни эзгу алқовлар билан сийлаб, ушбу мисрани айтди:

*Кўхна гардун ки мардум ном карданд,  
навкар аст.*

Мазмуни:

Мардум айтган бу кўхна дунё,  
билгин, навкардир.

## Туркистонлик мажзуб ва зинадаги дарвешлар

Кунларнинг бирида Туркистондан мақсадига ижобат излаб бир йигит борди. Ҳазрат бузруквор юқори хонада эди. Унга чиқиладиган зинанинг ҳар палласида битта сўфий ўтирганди. Улар файз истаб келган туркистонликка «Биз шу зинада ўтириб, Каъбатуллоҳни кўрамиз» дейишди. Туркистонлик воқеани ҳазрат Мирзога сўзлаб берди. Мирзо «Эҳтимол, кўришар» деб қўйди. Файз талабидаги туркистонлик ҳазрат Мирзо даврасига қабул этилди.

Туркистонлик бир куни ўша юқори хонада қаттиқ изтиробга тушиб, самоъда силкина бошлади. Охири тинчлангач, ҳазрат Мирзо «Ҳа, сенинг изтиробинг хайрли ва ёқимлидир. Сўфийларнинг Каъбатуллоҳни кўришлари сеники каби хўб изтиробдан эмас» деди.



## Сўз ва ел

Бир куни ҳазратнинг хизматига Ҳиндистон подшоҳи келди ва деди: «Эй замон шайхи, мен янги подшоҳман. Хукмдорлигим узоқ давом этадими ёки йўқми, шуни айтинг. Табиблар берган дори Ҳақнинг хос ашёсидир. Сўфийлар куфр қиладими ё суфр? Мусҳафда «бод» бор. «Бод»нинг асари недир ва уни қандай изоҳлайдилар?».

Мирзо «Олдин токчадан коса олиб, сув келтир ва хизмат қил!» деди. У токчадан коса олиб, ҳазрат Мирзога сув берди. Мирзо сувни ичди ва косани қайтариб, «Энди жойига қўй» деди. У шайх айтган сўзга кўп парво қилмади, идишни бошқа жойга қўйди. Мирзо «Битта косани эплаб ўз ўрнига қўя олмайсан-ку! Яна давлатинг узоқ туришини истайсан» деди.

Подшоҳнинг ранги ўчиб, юзи оқарди. Мирзо «Сени урмадим, бир оғиз гап айтдим, холос. Сўз бор-йўғи оғиздан чиққан елдир, шугина ҳам сенинг рангингни ўзгартириб юборди» деди.

Шундан сўнг подшоҳ ҳазратнинг барча ботиний амрини бажарадиган бўлди. Ул асрда ҳазрат Мирзо бирор юмуш буюрса, у каби югуриб, жону дилдан бажара оладиган бошқа бирор одам йўқ эди.

\* \* \*

Подшоҳ форсий «бод» сўзи билан арабчадаги «риҳ»ни назарда тутаётган эди. «Риҳ» масдари ва унинг турли шакллари Қуръонда 28 оятда келган. Улуғатда «шамол», «ел», «куч», «қудрат» маъноларини англатади. Қуръонда ҳам ҳар хил воқеаларда бу луғавий маъноларнинг барчаси акс этган. Ушбу воқеада ҳам у яна бир бор жуда аниқ намоён бўлди.

## Барча хасталиклар шифоси

Жони Жононнинг «Калимоти таййибат» номли китобида саксон етти мактуби ва суҳбати бор. Улардан бирида ёзади:

«Биродарим, замонамиз талабаси заифлиги, авлиёдан кашфу каромат исташи, «биринчи аср»ни кўз олдида тасаввур қила олмаслиги ҳақида ёзилган мактубингиз келди. Бошқа шайхларга майли бўлган тентаклар ва ақлсиз кимсалар шогирдликка ярамайди. Ақлли мухлис кишилар ва бу ишга астойдил толиб бўлганларни ҳалқага қўшинг. Қайғурманг, Аллоҳ таоло ҳақиқий ҳокимдир. «Оли Имрон» сурасида «Эй ҳабибим, уларга айтгин: «Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг, шунда Аллоҳ ҳам сизни севади» ояти ила Ҳақ муҳаббатини қозониш ва розилигига етишни истовчилар жаноб Пайғамбаримизга тобелikka боғлаб қўйилди. Бу йўл толибларни охирги мақсадигача етказди.

У моҳир табиб қулларини ғафлат ва гуноҳ хасталигидан қутқариш учун амру тақиқларни дори ва парҳез қилиб юборди. Шу муолажага риоя этиб, дори-дармондан ўрнида фойдаланган, парҳезга риоя қилган киши шифо топиб, соғлом бўлади. Улардан қочган зиёнга дуч келади.

Ушбу йўлда сурат ва ҳақиқат муолажаси бор.

Сурат муолажаси авом мусулмонларда қўлланади. У, эътиқод тўғрилангач, динга мувофиқ амаллар, амр ва тақиқларга бўйсунуш орқали бажарилади. Эвазига бу саодатли амаллар соҳиби жаҳаннамдан қутулиб, жаннат неъматларидан баҳраманд бўлади.

Ҳақиқат муолажаси хос инсонлар, танланган бандалар учундир. Унда қалб тозароди, ёришади, нафс тарбияланади. Бу йўлда сурат муолажаси билан бирга риёзат ва мужоҳада бор. Бу муолажа туфайли тажалли

ва кашфларга эришилади. Сурат – «иймон ва ислом», ҳақиқат – «эхсон» дейилади. Шариф ҳадисда «Эҳсон Раббингни кўриб тургандек ибодат қилишдир» дейилган.

Сурат муолажаси теридаги хасталикларни бартираф қилиш учун чипқон ва яраларга қўйилган малҳам кабидир. У яра ва чақани тузатгани сингари албатта фойдасиз эмас. Айни чоғда суратсиз ҳақиқат муолажасини амалга ошириб бўлмайди. Баъзан ҳақиқат муолажаси ўрнида ғайбий макр бўлиши ҳам мумкин. Аллоҳ таоло ундан асрасин!

Ҳақиқат муолажаси тозалаш, бадандан хаста, зарарли, бузуқ моддаларни чиқариб ташлашдир. Жойида қолгани яна 100 хасталикни чақиради. Шу икки муолажа бирга қўллансагина, буткул шифо топса бўлади. Ушбулардан муҳтарам Пайғамбаримиз тайинлаган муолажанинг саҳобалар табиатига кўрсатган сиҳат ва шифо таъсири осон ойдинлашади.

Бундай дори-дармон ва даволаш Аллоҳ таолони қаттиқ севиш, бор ғайрати ила Расулulloҳга эргашиш, тоат ва ибодатлардан лаззатланиш, гуноҳлардан жирканиш ва узоқлашишдир. Бу муолажа қалблар ҳузури ва тозаришига таъсир кўрсатарди. Расули акрамнинг қутлуғ суҳбатлари ва ислом муолажаси баракатидан бу мартабаларга жуда қисқа вақт, ҳатто бир онда ҳам эришардилар.

Улар кейинги асрларда шавқ ва ҳоллардан кўра сурат ва ҳақиқатга қаттиқ аҳамият бериб, ҳақиқатни кўрувчи суратни муҳофаза қилиб, кашфу кароматга эътибор қаратмадилар. Улар камолотга етишиш шартларидан ҳисобланмади. Бундай ҳолда сиҳат истаган толиб Расулulloҳ суннатларига эргашишни барча риёзат, мужоҳадалардан ортиқ деб билиши ва унга оид нур ва баракатларни барча файзлардан афзалроқ деб ҳисоблаши зарурдир. Ботин олами ҳамда давомли ҳузур ёнида бу йўлда талаба тўсатдан дуч келадиган завқ ва ҳоллар ҳеч қандай эътиборга лойиқ эмас.

Ушбу ҳақиқатларга етишишга кўмаклашувчини жаноб Расулulloҳнинг вакили деб билиш ва унга сидқидилдан хизмат қилиш жоиздир. Бу йўлда ширин кўринган бирор нарсага дуч келиб, ёш боладек алданиб қолманг. Фикҳ масалаларини ўргатинг, фикҳсиз дин бўлмайди. Суннат аҳли эътиқодини ўргатиш ва тарғиб этишга қаттиқ жаҳд қилинг. Ҳар ишда Аллоҳ таолонинг ҳабиби жаноби Пайғамбаримизга эргашишдан ғайратингизни аяманг. Аллоҳ таоло ҳабибига эргашганларни жуда севади» (Мактубот. ЎзФА ШИ, №9158/3. 21-мактуб).



Ҳақиқат муолажаси хос инсонлар, танланган бандалар учундир. Унда қалб тозаради, ёришади, нафс тарбияланади.

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон вафотидан бир неча кун олдин Аллоҳ таоло ҳузурига боришини сезиб, завқ ва шавқ ҳолида эди. Ибодатларини орттирди. Сухбат ва мувоқабаларида ҳосил бўладиган ҳузурдан ақллар лол эди.

Ходимларидан мулла Қосим юртига бориш учун изн сўраганда ҳазрат шайх унга «Энди бизнинг яна кўришмагимиз маҳолдир» дея ўзининг вафот этишига ишора қилади.

Вафоти яқинлашган кунларда шогирдларидан яна бири мулла Абдураззоққа юборган мактубида ҳам «Ёшим саксондан ўтди. Ажалим яқинлашди. Бизга хайрли дуоларда бўлиб тулинг» деб ёзганди. Бу вақтларда бошқа шогирдларига йўллаган мактубларида ҳам шу тарзда кетишига ишора қилганди.

Ҳижрий 1195 йил муҳаррам ойининг 7-куни чоршанба кечаси (1781 йил 3 январ) уйи олдида оломон тўпланган эди. Улар орасида уч киши илтимос қилиб ҳузурига кирди ва унга яқинлашиб, «Мазҳар Жони Жонон сенмисан?» деб сўради. Ҳазрат «Ҳа, менман» деди. Кирганлардан бири тўсатдан унга ҳамла қилди ва танига ханжар санчди. Мирзо Жони Жонон оғир яраланиб, йиқилди. Воқеани эшитган наввоб Нажафхон у муборак зотни даволаш учун бир француз табибни юборди. Зудлик билан қотилларни тутиб, жазолашга буйруқ берди. Француз табиб ҳазратнинг жароҳатини кўрди, енгил-елпи даволагандай бўлди. Наввоб Нажафхонни «Тузалиб кетади, бошқа табиб юборишга зарурат қолмади» дея алдади.

Ҳазратнинг ярасидан уч кун қон оқиб турди. У жума куни ўрнида ётган кўйи қўлларини дуога очиб, «Фотиҳа»ни ўқиди. Сўнгра ёнидагилардан «Кун ботишига неча соат бор?» деб сўради. «Тўрт соат» дейишди улар.

Ўша айём жума, ҳам ашура куни эди. Оқшом кирганда уч марта чуқур нафас олди ва шаҳид мақомида бу дунёни тарк этди. Тани Деҳлидаги Жаҳонобод мавзесига дафн қилинди.

Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони Жонон ислом маърифатини жамиятга улашиш ва инсонлар саодат йўлини топиши учун чексиз хизматлар қилди.

У дейди: «Аллоҳ таоло менга энг комил ақл ва тўғри кўз қарашни эҳсон этди. Салтанат ишларининг идораси ва давлатнинг низоми хусусида барчага мос энг гўзал усулни ўрганган эдим. Шу сабабдан замоннинг машҳур давлат арбоблари биз билан маслаҳатлашиб қўлига қурол олар ва бошқа муҳим ишларини ҳам айтганларимга қулоқ тутиб ҳал этар эдилар».

## Давомчилари

Мирзо Жони Жонон бир қанча етук ва истеъдодли шогирдларни тарбиялаган эди. Ҳазрат юрган ва кўрсатган маърифат йўлини қози Муҳаммад Саноъуллоҳ, мавлавий Наъимуллоҳ Баҳрайжий, Санбҳалий Панипатий, мавлоно Дарвеш Муҳаммад, шайх Абдуллоҳ Мужаддидий Деҳлавий номи билан машҳур Шох Фулом Али, шайх Усмон Панипатий, Саййид Мирмуслмон, шайх Фазлуллоҳ, шайх Аҳмад, мавлоно Муҳаммад (Қайюм), шайх Абдурахмон, мавлоно Муҳаммад Мунир, шайх Қаландар Бахши, мавлоно Абдубоқи, мавлоно Қутбиддин, Хожа Муҳаммад Қандаҳорий, мулла Темур каби яна кўплаб суҳбатдошлари ва шогирдлари муносиб тарзда давом эттирди.

## Маънавий мероси

Мирзо Жони Жонондан бой маънавий мерос қолган. Улар шўролар даврига қадар Туркистонда ҳам кўп тарқалган эди. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида «Ар-рисолат ул-мақомат ун-номи вал-боқи» (1498/1), «Девони Мазҳар» (993/3, 2907/15), «Мактуботи Мирзо Жони Жонон» (5230/4) номли асарлари сақланади. Маърифат аҳли ҳозиргача унинг муборак исмини тасаввуф улуглари қаторида эҳтиром ила ёд этади.



Тошкентдаги машҳур Қоратош маҳалласи номи пайдо бўлиши ҳам айнан Мирзо Жони Жонон воқеаларидан бири билан бошланади.

### Битта саҳна ҳодисаси

Ҳиндистон шўролар даврида Ўзбекистон халқи учун хорижий, бегона мамлакат ҳисобланарди. Дарсликлар, олимлар тадқиқотлари бу туйғуни кучайтирарди. Ҳолбуки, уларда зўр бериб бу икки тарихий ўлка халқлари дўстлиги йилдан-йилга ривожланиб бораётгани тинимсиз таъкидланарди. Қўлёзмаларда манзара бутунлай бошқача экан. Уларда Ҳиндистон ва Турон маърифат аҳли, бобурийлар ва бу ҳудудлардаги бошқа салтанатлар қиссалари ҳам бир неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган битта тарихий саҳна ҳодисаси экани намоён бўлади. Улар ўзаро яқин тарихий ўлкалар, халқлар дея таъкидлайверишга сира ҳожат қолмайди.

Тошкентдаги машҳур Қоратош маҳалласи номи пайдо бўлиши ҳам айнан Мирзо Жони Жонон воқеаларидан бири билан бошланади. Унинг ўта қизиқарли ўз қиссаси бор. У энди алоҳида ҳикоядир.

Турон ва Ҳинд диёри бирлигида шакланган азалдек кўҳна маънавий оламни улуг подшоҳ ва шоир Мирзо Бобур тузган салтанат уч ярим аср олий мақомларда тутиб турди, тараққий этишига хизмат қилди. Барча Ҳиндистон маърифати ва маънавий ҳаёти юксалишига бобурийларнинг қўшган буюк ҳиссасини яқдиллик билан эътироф этади. Мирзо Жони Жонондек кўплаб ориф зотларнинг ибратли ҳаёти шу салтанат тарихи саҳифаларидаги шараф ва зийнатдир.

# ҒУРУР

## КИБР ЭМАС...



Саволларга педагогика  
фанлари доктори,  
профессор  
Қозоқбой ЙЎЛДОШ  
жавоб берди.

– Устоз аввало маънавият тушунчасига лўнда изоҳ берсангиз...

– Қисқа қилиб айтганда, маънавият одамда эзгу одамийлик сифатлари борлигини кўрсатувчи тушунча. Маънавиятга эга одам ўзига муносиб кўрган нарсани бировга ҳам муносиб кўрадиган, ўзига муносиб кўрмаганни ўзгага ҳам лойиқ кўрмайдиган хислатларга эга бўлади. Шундай сифатларга эга одамлари кўпроқ бўлган жамиятда одамлар бир-бирига мададкор бўлса, маънавиятли кимсалар камчилик жамиятларда одамлар бир-бирига ёв бўлади.

**С** – Сиз туманда ёки давлатнинг бошқа бирор идорасида маънавий тарғиботчиси лавозимида ишласангиз қандай услубни йўлга қўйган бўлардингиз? Умуман, маънавият вакилини қандай тасаввур қиласиз?

– Афсуски, мен бирор ташкилотдаги маънавият тарғиботчисининг функционал вазифаси нималардан иборат бўлиши кераклигини аниқ билмайман. Лекин ўзбекининг бир ойдини сифатида ўзимни қай даражададир маънавиятчи деб биламан. Негаки, Оллоҳнинг марҳамати билан одам бўлиб яратилган ҳар бир киши одамга муносиб яшашга уриниши керак деб ҳисоблайман. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, маънавият тарғиботчиси биринчи навбатда ўзининг вазифаси кўламидаги одамларни яхши билиб олишга уриниши, уларни одамда инсонийлик сифатларини шакллантиришга хизмат қиладиган бадий асарларга яқинлаштиришга ҳаракат қилиши керак. Шунингдек, одамийлиги, ахлоқий қиёфаси, амалий тутумлари билан ўзгаларга намуна бўладиган шахслар билан учрашувлар ташкил қилиб, очиқ суҳбатлар уюштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Маънавият вакили ўзига ўхшаган бўлиши керак. Яъни, одамларга эзгу инсоний сифатлар йиғиндиси бўлмиш маънавият тўғрисида сўзлашга ҳар жиҳатдан ҳақли бўлиши зарур.

**Х** – «Халқимизнинг жуда бой маънавий мероси бор». Бу гапни доим ишлатамиз. Бу чин гап аслида. Аммо бу мерос асли нималардан иборат, уни бугун қандай истифода этаяпмиз? Бу жараёндан қониқасизми?

– Ўзбек миллатининг бой маънавий меросга эгаллиги чин. Бу мерос биринчи навбатда халқимизнинг яхшилик ва ёмонлик борасидаги тасаввурлари, тўхтамли ва турмуш тарзида намоён бўлади. Илмда халқ педагогикаси деган тушунча бор. Бу педагогиканинг муаллифи номаълум, талаблари ҳам қоғозга ёзиб қўйилмаган. Лекин унга амал қилиш миллат аҳли учун мажбурий. Ёши катталарни ҳурмат қилиш, аёлларга кўмак бериш, атрофдагиларга малол келадиган тутумлардан тийилиш, кўпчиликдан ажралиб қолмасликка уриниш сингари жиҳатлар айнан халқ педагогикаси талаблари натижасида пайдо бўладиган эзгу маънавий сифатлардир.

Ўзбекининг неча асрлик оғзаки ва ёзма адабиётида ҳам кўплаб ана шундай эзгу маънавий сифатлар акс эттирилган. Биргина «Алпомиш» достонидаги ор, «Фарҳод ва Ширин»даги инсонсеварлик ва жўмардлик, «Бобурнома»даги мардоналик ва жасорат, «Ўткан кунлар»даги баланд ички маданият, «Сен етим эмассан»даги меҳрибонлик, «Ўзбекистон» ва «Ўзбегим»даги ғурур ва ифтихор сингари юксак туйғулар миллий меросимизнинг кўлами даражасини билдиради. Бундай бойликларимизнинг саноғига етиб бўлмайди.

Гап бу сонун саноқсиз бойликдан бугун қандай фойдаланаётганимиз борасида кетганда эса, афсуски, мақтанолмаймиз. Миллий қадриятларга парвосизлик ва лоқайдлик, ўткинчи бегона қадриятларга кўр-кўрона эргашиш оммавий тус олди. Ўтмишдаги асл миллий-маънавий мерос устига қурилмаган ахлоқий қарашлар омонат бўлади. Омонат маънавият эгаларининг эса тафаккури ҳам, туйғулари ҳам қолиплар ичида ва тақлидга мойил бўлади. Тутумлари тақлидга қурилган қўғам(жамият)дан кашфиётчи қуловузлар чиқмайди.

Бизда маънавият борасидаги ишлар бир неча ўн йилликлар давомида тадбир ўтказиш билан алмаштириб келинганга ўхшарди. Чинакам маънавий мулоқотлар йўлга қўйилиши керак. Шу боисдан бу кечимдан қониқдим деёлмайман.

# УМ

– Халқимиз сизни аввало катта олим, зукко, эл дардини ўзиники деб билган зиёли деб билади. Адабиётшунос олимнинг битганлари, айтганлари эса барча учун, жумладан, маънавият ходими учун ҳам захира, қувват манбаи. Демак, олим ҳам биринчи ўриндаги маънавиятчи экан-да...

– Мен ўзимни маълум маънода маънавиятчи деб билишимга суҳбатимиз бошида тўхталдим шекилли. Илм шундай нарсаки, уни қидириб топган одамлар учун бор, изламаганлар учун эса йўқ. Демокчиманки, бирор ойднинг айтганлари ва ёзганларига қизиқиб, ўзлаштириб, амал қилганлар учун бир даражада фойда бордир. Аммо ёзганларингни ўқимайдиган, айтганларингни эшитмайдиган ёки эшитиб амал қилмайдиганлар учун бундай ойднинг қарашлари йўқ ҳисоби.

Шунга қарамай, миллатнинг ҳар бир ойдини битганлари, айтганлари ва тутумлари билан ўзини маънавиятчи ҳисоблаши шарт. Чунки унга миллатнинг илғор вакили сифатида қаралади. Ойдин шахс дунё айвонида фақат ўзи ёки оиласининг эмас, балки бутун этноснинг вакили саналади.

– Миллий гурур туюнчасини бугун айримлар кибр билан адаштираётганга ўхшайди. Инсон учун ўзидан, ўзligидан гурурланиш аслида фазилат эмасми?

– Айтганингиздек, ўзини, ўзлигини таниш ва ундан гурурланиш – жуда фазилат бўлмаса ҳам барчада бўлиши керак бўлган сифатдир. Бизнинг миллат аҳлида айнан шу сифат камайиб бораётгани ачинарли ва хатарли. Бунинг ачинарли жиҳати: миллий гурури йўқ кимса ўзини хурматга лойиқ бўлмаган одам, миллатини эса иккинчи даражали этнос ҳисоблайди. Хатарли томони: бугунги глобаллашув шароитида ўзга этносларда миллат тўғрисида нотўғри ва салбий тасаввур уйғотади.

Гурурли одам кибрли бўлмайди. Чунки у ўзгаларда ҳам ана шу туйғу бўлиши кераклигини билади ва ҳисобга олади. Бошқа этносларга паст назар билан қараш савиясизликнинг белгисидир. Айни вақтда ҳар қандай сабаб билан ҳам ўзига паст назар билан қараш қуллик психологиясига мойилликдан далолат.



# К

– Қозоқбой ога, ўзбекининг феъли, ютуғи-ю нуқсони, умуман, миллий менталитети яхлит акс этадиган илмий асосга эга асарга эҳтиёж бордир туюлади. Сиз қандай қарайсиз бу фикрга?

– Жуда тўғри қараш. Миллатнинг асл руҳий қиёфасига хос хусусиятлар илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши керак. Афсуски, бизда ҳали миллий руҳият илми шаклланигани йўқ. Биздаги руҳшуносликка доир илмий қарашлар бошқа этносларга тегишли белгилар ҳақидаги илмий ёндашувларнинг таржимаси холос. Чинакам ўзбек руҳияти ҳали чуқур тадқиқ этилгани йўқ. Ўзбек руҳиятига хос қирралар ўлмас бадий асарлардагина акс этган, холос. Миллий психология миллий қиёфанинг фанний изоҳи дегани. Унда миллат кишисининг тутумлари руҳият жиҳатидан теран ва ишонарли изоҳланиши керак бўлади. Ўзбекининг илми ҳам, улус вакиллари ҳам шундай илмий тадқиқотга жуда муштоқ.

Ғурурли одам кибр-ли бўлмайди. Чунки у ўзгаларда ҳам ана шу туйғу бўлиши кераклигини билади ва ҳисобга олади.



Айни вақтда жамият аҳли ичида асл эзгу маънавий қадрият ташувчиларига эмас, балки арзон шов-шувга маҳлиё бўладиган, шу хил шов-шувлар уйғотувчи кимсаларга эргашишга мойил, мўлжали янглиш кимсалар ҳам анчагина.

**Б** – Бугун халқни, ёшларимизни ортидан эргаштирадиган йўлчи юлдузлар – кумирлар, илгор мутафаккирлар йўқолиб бораяпти деган гапларга тез-тез дуч келаямиз. Бу замоннинг талаби-эҳтиёжми ёки тутумлар ўзгардими?

– Бугунги ижтимоий ҳолатни мукамал изоҳлаш жуда қийин деб ўйлайман. Негаки, бутун дунёда бўлганидек, бизнинг миллат аҳлида ҳам шахслашиш жараёни кечмоқда. Яъни, бугунги одам кўпчилик томонидан қабул қилинган ёки жамият ўрнатган талабларга амал қилиб яшашдан кўра ўзига маъқул кўринган ёндашувларга мувофиқ ҳаёт кечиршни истайди. Шу боис олдингидай кимгадир эргашиб умр кечиршига уринмайди.

Айни вақтда жамият аҳли ичида асл эзгу маънавий қадрият ташувчиларига эмас, балки арзон шов-шувга маҳлиё бўладиган, шу хил шов-шувлар уйғотувчи кимсаларга эргашишга мойил, мўлжали янглиш кимсалар ҳам анчагина. Олдинлари ақли, меҳнаткаш, жиддий, билимли шахсиятларга эргашишга уриниларди. Эндиликда қандай йўл билан бўлсин бойликками, машҳурликками эришганларга кўр-кўрона эргашиш кенгроқ ёйилган. Бу санъаткор ва ёзувчи-шоирларнинг бирга ўтказиладиган учрашувларида яққол кўзга ташланади. Кўпчилик истеъдодли шоиру ёзувчиларга эътибор берилмагани ҳолда, бирор сериалдаги иштироки ёхуд бирор кўшиғи билан танилган санъаткорга интилган одамлар жуда кўп бўлади. Шунга қараганда, миллат аҳлининг маънавий қадриятларида муайян ўзгаришлар содир бўлган ва бўлаяпти дейиш ҳам мумкин. Лекин, қандай бўлмасин, илм-маърифатнинг этагини маҳкам тутиш зарурат эканлигини англашимиз керак.

**Шодмонқул САЛОМ** ёзиб олди.

# ЭШИКЛАР ОЧИҚ, АММО...

Байрам АЛИ тайёрлади.

1.

**Лайфхак** – инглизча life hack – ҳаётни соддалаштириш дегани. Турмушни енгиллатиш учун ўйлаб топилган уддабуронликлар, иш-юмушларни бажаришнинг осон усуллари тушунилади.

5.

**Слайд** – инглизча slide – силжитмоқ феълидан ясалган. Тақдимотдаги мавзуга доир, кетма-кет жойланган расм, матн ва бошқа график материаллар тушунилади.

2.

**Инсайдер** – инглизча in – ичида, ичкари, side – томон, қисм дегани. Ташкилотнинг омма учун ёпиқ маълумотларига эга шахс, ходим тушунилади.

6.

**Стикер** – инглиз тилидан олинган. Нарса безашда ишлатиладиган, ёпиштирилувчи кичик рамз, ёрлиқ.

9.

**Сторис** – инглизча воқеа, ҳикоя демак. Ижтимоий тармоқларда маълум вақт кўриниб, сўнг ўчиб кетадиган қисқа, кичик пост. Асосан видео, расм кўринишида бўлади.

3.

**Тренд** – инглизчада чўққи, йўналиш демакдир. Ҳар қандай соҳадаги омма эътиборига тушган воқеа, нарса, маҳсулот тушунилади.

7.

**Снапчат** – инглизча snap – қисқа, шошилинч, chat – (онлайн) мулоқот сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Интернетдаги қисқа жонли мулоқотни билдиради.

10.

**Креатив** – инглизча ижодий дегани. Бирор ишга нисбатан ўзига хос, ноёб ёндашув маъноси-ни англатади.

4.

**Букблогер** – инглизча book – китоб, blogger – саҳифа юритувчи сўзларининг бирикишидан пайдо бўлган. Ўқиган китоби борасидаги фикрларини ижтимоий тармоқда билдириб борадиган китобхон тушунилади.

8.

**Респект** – инглиз тилидан олинган. Бирор шахс ёки нарсага нисбатан юқори баҳо, эътироф маъносида қўлланади.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адабиётшунос олим, ёзувчи Олим Тошбоев тавсия қилади:

**1. Лайфҳак.** Бу сўз яна икки-уч йилдан сўнг «маслаҳат», «тавсия»нинг талоқ хатини бер-маса гўрга эди. Тамом, олифтаргарчиликни йиғиштириб, «маслаҳат», «тавсия» деб ишлатайлик. Ўзбек анойи эмас дея «ёлғон»ни «fake»ка, «бозор-ўчар»ни «shopping»га, сартарошхона-ни «barber shop»га, «саёҳат»ни «travel»га айлан-тирганимиз етади...

**2. Инсайдер.** Баъзи маҳаллий ва хорижий ОАВ-да «манба» ҳам дейишяпти. Бу унчалик тўғри эмас. Ўрисча «источник»нинг таржимаси. Аср-лар давомида яшаб келаётган «хуфия»ни тир-саклаш адолатдан бўлмайди.

**3. Тренд.** Ҳозир бировга бу сўз аслида «урф» бўлади десангиз балога қолишингиз ҳеч гап эмас. Негаки, «тренд» деявериб, «урф»га пой-гақдан жой кўрсатиб кўйдик... Урф!

**4. Букблогер.** Менимча, китобхон, ўқирман, китобхон блогер деб ишлатган тузук.

**5. Слайд** – тақдимот.

**6. Стикер.** Бу сўз кейинги пайтларда асосан «ёрлиқ» маъносида қўлланмоқда. «Oxford» изоҳли луғатида сўзлашувда «қайсар» маъ-носида ҳам ишлатилиши ёзилган. Бундан ташқари, «sticker»нинг «огоҳлантирувчи бел-ги», «қайднома», «эслатма» маънолари ҳам бор. Демак, матн, жумла маъносидан келиб чиқиб «ёрлиқ», «қайднома», «эслатма» сўзларидан би-рини танлаш тўғри бўлади.

**7. Снапчат.** Атоқли от бўлгани учун ўз номида қолгани маъқул.

**8. Респект** «офарин», «тасанно»нинг олдида айланиб-ўргилиб ўтаверсин! Шундай гўзал, жа-рангдор сўзларимиз бўлатуриб тилимизни бу-раб юрсак уят бўлар-ов.

**9. Сторис.** Бу сўз ўрнига «лавҳалар» деган маъқул.

**10. Креатив.** «Ижодий» сўзи турганда инглиз-чага эҳтиёж йўқ.



Таниқли адиб Алишер Ибродинов тавсия қилади:

**1. Лайфҳак** – «йўриқ» ёки «корисодда». Чунки «кор» тожикчадан олинган бўлса-да, ўзбек тилига сингиб, ўзи-мизники бўлиб кетган. Маса-лан, мардикор, корхона...

**2. Инсайдер.** Олдин са-ройларда ички юмуш би-лан шуғулланувчи шахслар бўлган. Улар «сирчалма» ёки «сирчи» деб ҳам аталган. Бу «инсайдер»га мос тушади.

**3. Тренд** – урф.

**4. Букблогер** – китобчи.

**5. Слайд** – суратлавҳа.

**6. Стикер.** Халқимизда зардўзлик, каштачилик, умуман ҳунармандчиликда аввал ясаиб, сўнг буюм-га қадаладиган безаклар бўлган. Стикер ҳам шу вази-фани бажаргани учун «бе-зак» деган маъқул.

**7. Снапчат** – суратсуҳбат, суратли суҳбат.

**8. Респект.** «Олқиш» бу сўз-га жуда ҳам мос тушади-ку! Нега шундай атамаслигимиз керак?

**9. Сторис** – лаҳзалик.

**10. Креатив** – ижодкорона.

# Жадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

Табиатнинг сўзлаганини, озод қушдай қувнаб парвоз қилганини эшитганмисиз, кўрганмисиз? Она ер – буюк лабораториядир. Улуғ ва вазмин табиат ўзининг асрий тажрибалари натижасини йилда бир бор ошкор этади. Одамдай сўзлайди, қушдай яйрайди. Бу кун Наврўз кунини содир бўлади. Бунини биз кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитмасак ҳам қалб билан теран ҳис этамиз, ўз ўзимиздан шодликка тўламиз. Тилимиз шукрона, қўлларимиз хайр-саховатга мойил бўлиб қолади. Наврўз шодиёналарини бизга билдирмай ичимиздан, юрак қаъридан бошланиб кетади.

Наврўз ташрифида файзу барака, бахту саодат бор!









Сувон МЕЛИ,  
филология фанлари доктори

# Навоий ва Чўлпон:

# КЎК – ЕР

КОНЦЕПТИ

*/бир рубоий ва бир  
тўртлик мисолида/*



Одам оёғи, яъни вужуди билан ерда юрса, кўнгли, руҳи билан бутун коинотни кезади. Агар одам кўнгли билан кўк фарзанди бўлмаса, унинг бошқа жонзотлардан ҳеч фарқи қолмас эди. Тамом тупроққа қоришиб кетиш фақат одамнинг вужудига тегишли бўлиб, Абдулла Орипов «Ўлганда ҳам вужудинг билан, Кетмагайсан ерга қоришиб» деганидай, кўнгил ва руҳият абадийлиги ишонч маснадига кўтарилади. Илло, кўк шунчаки осмон бўлмай, инсон юксалиши мумкин бўлган олий маъво, керак бўлса, Аллоҳнинг даргоҳидир. Бежиз эмаски, ҳазрат Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида кўнгилни солиқ, яъни сўфий тили билан «арши муалло» (энг баланд осмон) деб баҳолайди.

«Ер» сўзининг маъноси бирқанча. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да сўзнинг ўн бир маъноси қайд этилган. Биз кўзлаган махсус маъноси эса инсон умргузаронлик қиладиган, кун кечирадиган маконни англатиб, паст, қуйи деган ҳолатни ҳам билдиради. Уст-ост, баланд-паст, юксак-тубан каби антонимлар кўк-ер концепти билан муайян ҳолатларда мазмунан яқинлашади.

Биз бу ўринда нега «концепт» сўзини ишлатмоқдамиз? «Концепт бирон-бир тушунчанинг тилда ифодаланган моҳиятидан муайян даражада фарқ қиладиган ўзига хос мазмуни. Концепт тушунчада акс этадиган онтологик асосни янада ёрқинроқ ифодалашга ёрдам беради\*». Яъни, бизнинг ҳолатда концепт тарзида номланаётган кўк ва ер сўzlари оддий қўлловдагидан бошқачароқ, махсус маъно англатиши кузатилади.

\* Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Икки жилдли. 1-жилд. Т.: Маънавият, 2023. 623-бет.

Ҳозирги тилимизда «бутун атроф, ҳамма ёқ; коинот» маъноларини англатувчи «ер-кўк» деган жуфт сўз бор. Сарлавҳадаги «кўк-ер» ўша жуфт сўзнинг шунчаки ўрин алмашуви эмас. Янги жуфтликни ташкил этган ҳар икки сўз махсус, яъни кундалик қўлловдан ёрқинроқ, фундаменталроқ маъно ташимоқда. Уларнинг концептлиги ҳам шунда.

Ушбу икки сўзнинг махсус маъноси матний таҳлилда, контекст кузатувида янада ёрқинроқ кўринади. Биз ҳозир ушбу қўшалок концепт иштирок этадиган икки шеърий матнни, бири тўртлик, иккинчиси рубоий, атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Биринчиси Абдулҳамид Чўлпоннинг 1926 йилда Тошкентда Ўзбекистон давлат нашриёти чоп этган «Тонг сирлари» тўпламидан ўрин олган «Янглишасиз!» номли тўртлик. Тагидаги ёзувдан маълумки, у Кўқонда, 1924 йил 28 сентябрда битилган. «Тонг сирлари» тўпламига айна шу ном билан буюк адиб Абдулла Қодирий Жулқунбой имзосида қисқа, лекин мазмундор сўзбоши ёзган. Мазкур сўзбошига эътибор қаратишимизга сабаб унда тўртлик тўлиқ берилиб, унинг яралиш жараёни ҳақида қимматли фикр ва маълумот борлигидир.

Сўзбошида буюк адиб шоирни айрим, айтиш жоизки, сиёсий таъналардан ҳимоя қилади: «Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни йиғлоқ шоир деб айбситадилар» деган фикрга жавобан «Бироқ шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўстирмоқчи бўлмаса эрди, биз ҳам унинг муътаризлари (эътирозчилари – С.М.) қаторига кирган бўлар эдик» дея биз диққат қаратаётганимиз тўртликка ўтади:

«Анқов таъначилар шоирни ранжитишда мудовамат қиладилар, ҳатто “Сен кўк шоири!” дегувчилар ҳам бўлиб, чорасиз шоир ўз ҳолидан очиқ жавоб беришга мажбур қоладир»\* дея тўртликни келтиради. Тўртлик эса бундай:

\* Чўлпон. Тонг сирлари (Матн). Т.: Zilol buloq, 2023. 8-бет.

### Янглишасиз!

*Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен,  
Ер бетига сира назар солмаймен!  
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан хаёлимни олмаймен...*

Асар қисқа бўлгани учун уни бир бутун, яъни сарлавҳаси билан биргаликда ўқиш ва кўриш илмий мақсадга мувофиқ. Сарлавҳада туриб ундов билан таъкидланган «Янглишасиз!» асарга ўзига хос оҳанг, шиддат бағишлайди ҳамда унга кескин баҳс-мунозара руҳини олиб киради. Биз Абдулла Қодирий сўзбошидан олинган кўчирмани давом эттириб, тўртликни келтиришимиз мумкин эди. Лекин мақолада унинг сарлавҳаси қўйилмаган, бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Гап шундаки, асарнинг визуал қиёфаси айнан сарлавҳаси билан тугал ва мукамалдир.



66

Аслида-ку, «кўк шоири»  
уллуғ ҳақиқатлар,  
илоҳий туйғулар шоири,  
куйчиси демакдир.

Шеър тўлиғича мунозара характериға эга. У ўзига хос жавобиядир. Асар моҳиятини англашда Абдулла Қодирий сўзбошиси жуда қўл келади. Буюк адиб айтган «анқов таъначилар» биз ҳозир номларини билиб-билмайдиган аниқ одамлар бўлиши мумкин, лекин уларнинг ортида бутун бир ижтимоий тузум, худотерс, динсиз мафкура турибди. Шунинг учун ҳам «ҳатто “Сен кўк шоири!” дегувчилар» («ҳатто»га эътибор беринг, бу айтилган гапнинг ҳадди аълоси демақдир) шу гаплари билан шоир ижоди ушбу мафкурага зид эканига шаъма қиладилар. Аслида-ку, «кўк шоири» улуғ ҳақиқатлар, илоҳий туйғулар шоири, куйчиси демақдир. Ўз-ўзича олганда фикр эркинлиги устувор демократик жамиятда бу юксак мақтов ва буюк эҳтиром белгиси бўлиши мумкин эди. Лекин инсон эрки, ҳатто ҳис-туйғуси тизгинланган, диний эътиқод таъқиқланган тоталитар жамиятда бу жиддий айблов эдики, Абдулла Қодирий буни теран англалар, шу боис шоирни бундай айбловдан соқит қилишга уринган эди.

«Анқов таъначилар» унчалик анқов эмас эдилар, лекин уларни анқов дейиш ўша пайтда зарур эди. Таънанинг дамини кесиш айна лозим эди.

Шеърда икки зид тушунча, аниқроғи сўз бор, бири: сиз – мен, иккинчиси: кўк – ер. Сиз – мен зидлови тўртликнинг шаклий структурасига тегишли, асар шу зидлов асосига қурилган. Кўк-ер зидлови эса концепт рутбасига эга бўлиб, шеърнинг маъно-мундарижасига тааллуқли. Тўртликнинг дастлабки икки мисраси Сизнинг фикри, кейинги икки мисра Меннинг жавоби. Ҳар иккаласида – саволда ҳам, жавобда ҳам кўк-ер концепти худди шу тартибда – аввал кўк, сўнг ер. Сизнинг фикри шундай ифодаланади:

*Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен,  
Ер бетига сира назар солмаймен.*

Яъни бу Қодирий сўзбошисидаги «Сен кўк шоири!» деган таънанинг бошқача шакли, содда қилиб айтганда, «кўкларни ўйлайди, ерга боқмайди». Жўн мантиқ бўйича шоир бу гапни, таънани рад этмоғи лозим. Сарлавҳадаги ва матн ичидаги «Янглишасиз!» шуни тақозо этаётгандай. Лекин раддияга, жавобга боқайлик:

*...мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан хаёлимни олмаймен...*

Тўртлик фалсафасининг қаймоғи айна шу ерда ва буни англаш учун «кўкларга беркинган Ер қизи» ким ёки нима деган саволга жавоб топмоқ зарур бўлади. Ер қизи қандай қилиб кўкларга беркинади? Бу юксак хаёлот олами, поэтик мистикага чулғанган туйғу, ўй-фикр-ку!

Бу саволга жавобни фақат ушбу контекстан изламай, шоирнинг бундан олдин ва кейин ёзган шеърларидаги кўк ва ер, хусусан, кўк ҳақидаги мисраларни бир қур кузатсак. 1919 йилда ёзилган буюк «Гўзал» шеъри шундай бошланади: «Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен...». Машхур «Бузулган ўлкага» достонида кўк-ер концепти шундай контекстда ишлатилади: «Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да, Хароб бўлган элдан-да...».

66

Шаҳмақом садолари  
янграганда Чўлпон сел  
бўлиб, бутун вужуди  
қулоққа айлангандай,  
бир маромда чайқалиб  
ўтириб тингларди.

Кўкдаги қиз, Ер қизи нима эканлиги борасида шоирнинг шундай мисралари бор:

1.

*Кўкда бир тўп қиз –  
малак уйқу куйини бошлади,  
Илгари чолган тирик,  
жонли куйини ташлади.  
(«Уйқу», 1921)*

2.

*Кўклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар,  
Яна мен ўтларни қўйнимга қўймайман.  
(«Барг», 1922)*

Ушбу икки контекстга таяниб, «кўкларга беркинган Ер қизи» шоир хаёлотига туғилган кўкдаги қиз-малаклар дея оламиз. Биламизки, малак ва фаришта сўзлари айнайдир. Сунний ақийдалардан маълумки, фаришталар турли инсонлар, жумладан, қиз шаклига кириб кўриниш бериши мумкин экан. Олти диний калима жамланмаси «Иймони муфассал»да – «Аманту биллаҳи ва маликатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи вал явмил ахири ва қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъала вал баъси дал мавт» («Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиши билан бўлишига ва ўлимдан кейин қайта тирилишга ишондим») – фаришталарга ишониш Аллоҳга ишонишдан кейинги ўринга қўйилган. Зеро, «Инсонни ҳайвондан ажратиш турадиган нарсалардан бири ҳам ғайбий нарсаларга, жумладан фаришталарга ишонишдир. Бундай иймони бор инсон ҳис этиш аъзолари чегарасида, тор жойда ўралиб қолмайди. Балки тасаввур доираси чексиз бўлади»\*.

Шундай тасаввур доираси чексиз, буюк қалб ва соф этиқод соҳиби – Чўлпон эди. Сўфиёна чексиз тасаввур кўк ва ерни яхлит, бир бутун ҳолда кўрар, кўкни ердан

ажратиш чала, хом тасаввур маҳсули экани, улар икки ёрти бир бутун ҳодиса экани биз ўрганаётган тўртликда сирли бир тарзда ифода этилгандир.

Шоир 1921 йилда ёзган «Кетганингда (Клиупатрага)» шеърида

*Севгимдан сўнгги малаклар  
Тўп-тўғри кўкками учди?*

дея ёзар экан, бу мисралар «Янглишасиз!» шеъридаги маънога ўзига хос янги ифор олиб киради. Тўртликда шоир хаёлан талпинадиган Ер қизи кўкларда яширинган бўлса, бу ерда шоир севгисидан бино бўлган малаклар ерда-ю, лекин кўкка учишга чоғланадилар. Яна бир бор юқорида айтилган ер қизи – малак маъно қатори, тенгламаси пайдо бўлади.

Қизиги шундаки, такрор бўлса-да айта-миз, муаллиф «Сен кўк шоири!» деган гапни рад этгандай бўлиб («Янглишасиз!»), аслида айблов сифатида айтилган бу фикрга чуқур маъно юклайди, уни ўзи томонга буриб юборади. Мен бутун олам, кўк ва ер билан тиллашаман, хаёлан суҳбатлашаман, ерда туриб кўк билан биргаман, бир бутунман дейди гўё шоир.

Яна бир гапни айтмоқ жоиз. Биз тўртлик ҳақида, унинг моҳияти ҳақида қанча гапирмайлик, фикрламайлик, у барибир бизга сирли, хусусан, «Янглишасиз, мен кўкларга беркинган Ер қизидан хаёлимни олмайман!..»да тафаккурга тутқич бермас нималардир бордек туюлаверади.

Шу ўринда ушбу тўртлик ва умуман Чўлпон шеъриятига хос бир хислат ҳақида, яъни шоир мистикаси ҳақида гапирмоқ лозим. Зеро, янги ўзбек шеъриятида мистикага мойил Чўлпонга тенг бошқа шоирни учратиш маҳол. Лекин аввал мистик, мистика каби атамаларни совет давридаги салбий талқинлардан тозалаш лозим бўлади. Чунки асл буюк шеърият, бадиий адабиёт ҳеч қачон юксак мистикадан холи бўлган эмас.

\* Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. Т.: Hilol nashr, 2012. 365-бет.

Бинобарин, мистика «Ғайритабий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳиёт олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод»\*. Нафақат диний эътиқод, балки шундай руҳдаги бадий тасаввур ва тафаккур тарзи ҳам. Балки Чўлпонни баралла мистик шоир деб бўлмас, лекин шоир шеърияда мистика унсурлари, лирик мистицизм ҳақида бемалол фикр юритиш ва илмий тадқиқот олиб бориш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Муסיқа, айниқса мумтоз шашмақом куй-ашулаларини берилиб тинглаган ҳар қандай одам ўзга оламлар, юксак хилқатларга кўтарилиб, бу фоний дунёнинг майда ташвишларидан тамом фориғ бўлади. Буюк бастакор Мутал Бурҳонов хотирлашича, «Шашмақом садолари янграганда Чўлпон сел бўлиб, бутун вужди қулоққа айлангандай, бир маромда чайқалиб ўтириб тингларди. Қулоғи муסיқада-ю, хаёллари жунбушга келиб, нималарнидир кўз олдига келтираётгани сезилиб турарди. У эшитган куйларни юрак-юракдан жуда чуқур ҳис қиларди»\*\*.

Шоир булбуллар хонишидаги ажиб муסיқани ҳис қилиб, ёзганди: «Самовий завқларга тўлиб турганман Булбуллар севгини мақтаган дамда» («Созим», 1924). Самовий завқ ғайриоламларга сайр меваси, мистик тасаввур деганидир, ҳойнаҳой. Мистика мусулмон Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиётининг руҳоний асосларидан бири бўлмиш тасаввуф билан узвий боғлиқ. Кўплаб Ғарб олимлари тасаввуфни бежиз «мусулмон мистикаси» деб ҳисоблашмаган.

Мистикадан олабўжидан кўрққандай кўрққан совет мафкурачилари, Қодирий таъбирича «анқов таъначилар» Чўлпонга «Сен кўк шоири!» деяре эканлар, бун-

\* Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2006. 602-бет.

\*\* Муштум. 2024. 3-сон (Хотирани Озод Шарафиддинов ёзиб олган).

да шоир шеърларига хос сирлиликни, мистикани ҳам кўзда тутган бўлишлари эҳтимолга яқин. Лекин юқорида айтганимиздай, шоир бунинкор этгандай бўлиб, аммо бундан-да ўтказиброқ «Кўкларга беркинган Ер қизи» ҳақида сўфиёна сўйлайди.

Энди ҳазрат Навоийнинг бир рубоийсидаги кўк – ер концепти ва унинг бадий-фалсафий инкишофи ҳақида фикр юритсак. Вазиятнинг завқли жойи шундаки, мумтоз рубоийда айнан Чўлпон тўртлигидаги каби бу жуфтлик кўк-ер тарзида қўлланади. Алҳол, Чўлпон мазкур рубоийни ўқиган, ундан илҳомланган ҳамда шеърияда кўк-ер концепциясини яратишда ҳазрат Навоийга суянган бўлиши ҳам мумкин.

Ушбу рубоий ҳазрат Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асаридagi Исо алайҳиссаломга бағишланган қисмни яқунловчи шеърий битикдир.

*Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани,  
Кўк равзаси бўлди жилвагоху чамани.  
Ер аҳлидин улки бўлса тажрид фани,  
Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг ватани\*\*\*.*

\*\*\* Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдли. 8-жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 593-бет.



Рубоий бежиз Исо алайҳиссалом ҳақидаги фасл сўнгига қўйилган эмас. У ўзидан олдин баён этилган воқеа-ҳодисаларни поэтик жиҳатдан умумлаштиради ҳамда назмий сўзнинг кучи билан илоҳий воқеликни сиқик ва эҳтиросли ифодалайди. Айтмоқ жоизки, ҳазрат Навоий ўз асарида Исо (а. с.) ҳақида ёзар экан, у биринчи навбатда ушбу пайғамбар ҳақидаги Қуръони карим оятларига суянади. Асарда Исо (а. с.) пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳақида гувоҳлик берувчи илоҳий оят аслиятда келтирилади: «Ва из қола Ийсабну Маряма ё бани исроила инни расулulloҳи илайкум мусаддиқан лимо байна ядайя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу Аҳмаду»\*. Яъни: “Эсланг, Ийсо бинни Марям “Эй Бани Исроил, албатта мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар берувчи ҳолда (юборилдим) деган эди» («Саф» сурасининг 6-оятидан)\*\*.

Мазкур рубоийни кўк-ер концепти бўйича кузатадиган бўлсак, кўрамизки, мазкур жуфтлик иккинчи ва учинчи мисра бошида келиб, тўртинчи, хулосавий мисрада «Кўк – анинг ватани» деган мухташам ғояга дастак бўлади. Биринчи мисра эса Исо(а. с.) нинг юксак мақоми ҳақида: Тангри уни ҳам озод қилди, ҳам унга ёлғизлик, танҳолик (мужаррад) мақомини берди. «Қуръони Азим тафсири»да ёзилишича, «Оллоҳ таолонинг амри билан Жаброил алайҳиссалом уни уйининг туйнугидан кўтариб, осмонга олиб чиқиб кетди»\*\*\*.

\* Шу ерда. 590-бет.

\*\* Қуръон карим (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). Т.: Чўлпон, 1992. 545-бет.

\*\*\* Қуръони Азим тафсири, 326-бет.



66

Сиз кўк билан ерни бир-биридан ажратмоқдасиз. Янглишасиз, мен бундай қилмайман. Кўк-ер бутундир.

«Абу Хайён айтади: “Меърож ҳақида Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда айтилишича, Оллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломни иккинчи осмонга кўтарган ва то у зот ерга тушиб, Дажжолни қатл қилгунича ўша жойда яшайди»\*\*\*\*. Исо (а. с.) билан Чўлпон асаридаги Ер қизи ўртасида қандайдир боғлиқлик, илоҳий ришта бор. Навоий ҳазратлари беш ярим аср нардан туриб Чўлпон шеърини шарҳлаётгандай гўё. Чўлпон асари эса ул зот сўзларига камарбаста бўлаётгандай, илоҳий мавзуларда вақт масофаси мавжуд эмасу, фақат ҳозир деган лаҳза бор холос деб таъкидлаётгандай гўё.

Ҳар икки шоир мумтоз ва ҳозирги тилимизда кўкнинг қатор синонимлари – осмон, само, фалак, гардун, фазо, сипеҳр, мину ҳамда кўк ва ерни англатувчи арзу само ибораси бўлгани ҳолда айнан соф туркий сўзлар – кўк-ер жуфтлигини олга-

\*\*\*\* Қуръони Азим тафсири. 327-328-бетлар.



рубойининг ҳар бир мисраси алоҳида нисбий мустақил фикрни олға суради. Фикрлар мисралар сонича, яъни тўртта. Сўнг ушбу мустақил фикрлар бир-бири билан маъновий муносабатга киришади. Бу муносабатлар янги маъно тармоқларини вужудга келтириб, рубойининг ялпи маъносини янги орбитага олиб чиқади.

Биринчи мисра:

*Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани.*

Бу Исо(а. с.)нинг пайғамбарлик мақоми, унинг танлаб олинганлиги, яккалиги, танҳолиги ва юксак маънода озодлиги ва бу Тангрининг ҳам инъоми, ҳам ҳукми эканлиги; яъниким, Исо(а. с.)нинг ёлғизлиги Оллоҳ таоло томонидан танлаб олингани туфайлидир. «Мужаррад» сўзи бирйўла ушбу маъноларни ўзида сиғдира олади.

Иккинчи мисра:

*Кўк равзаси бўлди жилвагоҳу чамани.*

Исломий истилоҳда кўк равзаси кўкдаги жаннатни, жилва сўзи Оллоҳнинг тажаллисини билдиради. Бинобарин, бунда жилвагоҳ сўзи Ҳақ нури жилва қиладиган жойни англатадики, шунда мисра кўкдаги жаннат Исо(а. с.)нинг Ҳақ нури жилва қиладиган чамани бўлди деган мазмунга эга бўлади. Гап шундаки, бу пайтда Исо(а. с.) ҳали ерда эди. Ул зот ерда бўлгани ҳолда кўкдаги жаннат ул зот учун Ҳақ нури жилва қиладиган макон, чаман бўлди.

Эсга олинг, Чўлпоннинг лирик қаҳрамони ҳам ерда тургани ҳолда «кўкларга беркинган Ер қизидан хаёлини олмаган» эди.

Учинчи мисра:

*Ер аҳлидин улки бўлса тажрид фани.*

Бу ерда тушуниш қийин бўлган ибора фақат «тажрид фани»дир. «Мужаррад» танлаб олинишни билдирса, «тажрид» сўзи ёлғизликнинг ўзинигина эмас, ёлғизлатиб қўйилишни ҳам англатади.

ни бежиз эмас. Маълумки, қадимги туркийларнинг ислом динига қадар эътиқод қилган илоҳлари «Кўк тангри» бўлган. Алишер Навоий ва Чўлпон онгостида архетип тарзда ушбу илоҳ акс-садолари мавжуд дейиш мумкин. Зеро, ҳазрат Навоий рубойисининг илк мисрасидаги «Тенгри» сўзи кейинги мисра бошидаги «Кўк» сўзи билан бежиз «учрашмайди», ҳойнаҳой.

Тўртлик «мен» тилидан баён қилинади ва Сиз – Мен зиддияти асосига қурилади. Бу ҳақда юқорида ҳам айтган эдик. Яна бир жиҳат шуки, «Сиз», яъни мухолифлар айтган фикрда ҳам кўк-ер концепти мавжуд, лекин бундаги икки ҳад яхлит эмас, бошқа-бошқа ва зид ҳодисалар сифатида қаралмоқда. Улар ажратилади ва ўзаро зид қўйилади. Ҳамда «ер»га устунлик берилади. Бу бежиз бўлмай, ўша пайтдаги ҳукмрон марксча-ленинча мафкура моддийликни, яъни материализмни тан оларди. Улар учун «ер» моддийлик тимсоли бўлиб, «кўк» уларга ёт, бегона маъво эди. «Кўк» улар учун ёт унсур эди.

«Сиз кўк билан ерни бир-биридан ажратмоқдасиз. Янглишасиз, мен бундай қилмайман. Кўк-ер бутундир» демоқда гўё Чўлпон.

Ҳазрат Навоий рубойиси эса, сиртдан қараганда, Исо (а. с.) ҳақидаги Куръони карим оятларининг шарҳи, ҳатто бошқа сўзлар орқали ифодаланган такрорига ўхшайди. Бироқ шуни қайд этиш лозимки,

Бундаги ёлғизлатиш энди Оллоҳ тарафидан эмас, ердагилар томонидан содир этилмоқда. Шунингдек, мисрани у, яъни Исо (а. с.) ер аҳлидан ажралиб, ёлғизликни одат қилди деб ҳам тушуниш мумкин.

Тўртинчи мисра:

*Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг ватани.*

Мисра муқаддас китобимизнинг «Нисо» сурасидаги «Балки уни Оллоҳ ўз хузурига кўтаргандир» деган оятга (158-оят) билвосита боғлиқ. Оллоҳ уни ўз хузурига кўтаргани ортда қолиб, энди кўк «анинг ватани»га айланади. Бунга ажабланмаслик керак, чунки ер аҳли уни ёлғизлатди, ҳатто ўлдирмоқчи бўлди.

Чўлпон тўртлигида ҳам Ер қизи «кўкларга беркинган» эди, кўк ватани бўлган Исо (а. с.) каби. Албатта «ер қизи» ўзида кўп маънони яширган образдир.

Энди сал олдин ваъда берганимиздек, рубоийдаги ҳар тўрт мисрани ўзаро солиштириб, «уриштириб» чиқамиз.

Биринчи ва иккинчи мисра: Тангри Исони ёлғиз, танҳо (мужаррад) қилгани учунгина унга кўкдаги жаннат Оллоҳнинг нур таратувчи чаманига айланди. Биринчи ва учинчи мисра: биринчи мисрадаги мужаррад билан учинчи мисрадаги тажрид ўзакдош бўлиб, бири ёлғиз, танҳо маъносини англатса, иккинчиси ажратиш, яккалашни билдиради. Тангри Исо(а. с.)ни танлаб, танҳо кўриб сийлади, ер аҳли, одамлар Тангри сийлагани учун (парадоксни қаранг) уни яккаладилар, қатл қилмоқчи бўлдилар. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисра: Тангри мужаррад айлагани, сийлагани, кўкдаги жаннат унинг учун Ҳақ нури жилва қиладиган чаман бўлгани туфайли кўк унинг – Исо (а. с.)нинг ватанига айланади.

Ўзакдош, маъно жиҳатидан озгина фарқланувчи сўзлар, лекин қанчалик улкан фарқ – Тангри уни танҳо билиб, сийлайди. Ер аҳли уни ёлғизлатади, якка-

лайди. Шу ерда ҳазрат Навоийнинг аччиқ кинояси юз кўрсатади. Яъни, Ер аҳли ўз Раббиси иродасига қарши бормоқда, шаккоклик қилмоқда. Ва ҳар икки зид ҳолат – мужаррад (бу Тангри инъоми), тажрид (бу Ер аҳлининг жабри) Исо (а. с.)нинг буюк шоир наздида кўкка кўтарилишига – «Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг ватани» – сабаб бўлмоқда.

\* \* \*

Кўк-ер абадий бирликда муқим бўлган зидликдир. Улар бир-бирини қанчалик рад этишса, шу қадар ўзаро жипс мувозанатда. Ер оламда рўй берадиган, кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиш, қўл билан тегиш мумкин бўлган нарса-ҳодисалар мажмуи ва рамзи бўлса, кўк сирли-сеҳрли ҳодисалар, инсон инон-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, керак бўлса, инсонни ўз измига бўйсундириб, ўз йўриғига соладиган руҳий-илоҳий кучлар тимсоли. Балки шуларнинг ўзи.

Кўк-ер инсоният ҳаётига мангу дохил азалий концептлардан бири сифатида барча илоҳий китобларда, жумладан муқаддас китобимиз Қуръони каримда кўп марта тилга олинади: «(Эй инсон), Оллоҳ осмонлар ва ерни Ҳақ (қонун) билан яратиб қўйганини кўрмадингми?!» («Иброҳим» сурасининг 19-оятидан).

Алишер Навоий ушбу концептни Исо(а. с.)га нисбатан қўллаб, унинг илоҳий тақдирини шеърий йўсинда гўзал ва теран баён этади, ул зот ҳаётига гўё лирик хотима ясайди. Чўлпон ушбу концепт асосига қурилган тўртликда ўзининг поэтик ва фалсафий кредосини, сўфиёна дунёқарашини бадиий гўзал ифода қилади. Ўзининг кўк шоири, самовий шоир эканини поэтик исботлайди.

Чўлпонга ўша пайтлар таъна сифатида айтилган «Сен кўк шоири!» деган гап эса ҳозирги кунда уни шарафламоқда. Ҳатто яхлит ҳолда Чўлпон шеъриятини кўкка ўрлаган сўз дея баҳолаш мумкин.

# ЮРАК

## ҚАРИМАЙДИ...

Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б**олаликнинг ажойиб хотиралари бўлади. Кейин, ёшинг бир жойга етиб, қарилликни бўйнингга олганда айни ўшалар сенинг келажак ҳаётингни белгилаб берганини англаб етасан. Ё тақдирга шукур қиласан, ё болаликка қайтиб, ҳаммасини бошидан бошлашни хоҳлаб қоласан. Бироқ ўтмишни орқага қайтариб бўлмайди. Ўйлаб кўрсам, менинг бугунги кунимни белгилаб берган болалик хотираларим ҳам кўп экан.



**Н**еча ёшдан дoston тинглаганимни бугун аниқ эслолмайман. Назаримда, ақлимни таниганимдан бошлаб дostonларга ошно бўлгандайман. Бахшининг дўмбирага жўр бўлиб селдай оқаётган овози, нағмага мос гупурлаётган юрагим товуши, давра аҳлининг гуррос хайқириғи ҳамон қулоғим тагида жаранглаб тургандай...

Ҳарф танигандан дoston ўқишни бошлаганим ҳам ёдимда. Энди менга етишмаётган бахшининг ҳирқи овози, дўмбиранинг юракни тирновчи ноласи ўрнини тасаввурим билан тўлдирди бошладим. Дoston воқеаларини тасаввуримда жонлантириб, қаҳрамонлари билан бирга яшардим: баланд тепаликда туриб Гўрўғли ва Авазбекнинг ғанимлар билан қиличбозлик қилишини, найза отишини қўлларимни силкитиб, елкам ва бошимни тебратиб томоша қилардим. Улар билан галаба гаштини сурардим.

Қоражон чоҳдан қутқараман деб Алпомишга арқон ташлаганида, унинг зиндон тубидан арқонга осилиб, чирмашиб, талпиниб, чиқишига бир баҳя қолади. Мен хаёлимдаги Алпомишга мадад беришга уриниб, қичқираман: «Яна озгина... яна тирмаш!».

Алпомишга янада яқинроқ борай дебми, сурилиб-сурилиб, хайқириб дераза олдига бориб қолганимни, ўзимнинг деразадан тушиб кетишимга озгина қолганини ҳозир энтикиб эслайман. Агар ўшанда онам мени ушлаб қолмаганида ташқарига ағанаб тушиб, бирон жойим шикаст ейиши аниқ эди.

Бироқ Алпомиш ориятли инсон! У чоҳдан биров кўмагида, ҳатто шу биров унинг дўсти бўлса ҳам чиқишни истамайдди. Унинг ўзи қутулиши керак чоҳдан. Алпомиш шуни ўйлаб, арқонни узиб, яна зиндон тубига тушганида деразадан ўзимни пастга отиб, бақириб йиғлаб юборганман. Ана ориятли инсон! «Ай, сен

Алпомиш, ҳақиқий қўнғирот йигитининг ориятини сақладинг» дея хайқирганман.

Ўшанда ҳам онам шошмасдан «ўрнингдан тур, болам, бу дostonда ҳали қойил қоладиган жойлари кўп» дея елкамга қоқиб ўзимга келтирган. Ҳа, мен дostonлар ичида яшаганман, дoston қаҳрамонлари билан ёнма-ён юрганман. Болалиқдан шундай оркаш, ғурурли инсонларга дўст бўлганим туфайли бўлса керак, кўнгли тор, ўйи бўйидан ҳам паст, маънавий пуч одамларга яқин бўлолмайман. Дўстларимга муносиб яшашга ҳаракат қиламан.

66

*Болалиқдан шундай оркаш,  
ғурурли инсонларга дўст  
бўлганим туфайли бўлса керак,  
кўнгли тор, ўйи бўйидан ҳам паст,  
маънавий пуч одамларга яқин  
бўлолмайман.*

Қишлоғимизда Муқбил тошотарга тенг келадиган гавдали паҳлавон бормикан дея ҳамқишлоқларимга зеҳн солиб қарардим. Улар ичида эртақлардан чиқиб, орамизда яшаётган ўзимизнинг Муқбилни излаганман. Ниҳоят, топиб, сиз айни Муқбил тошотарнинг ўзисиз дея қўлидан силкиб-силкиб, билак кучини синаб кўрганман. Ана ўшанда Ҳасан полвон мени тўғри тушунган, болалик тасаввуримни чилпарчин қилмаган, аксинча, қўллаб юборган. «Муқбил тошотар укамга ўхшайди, менадан анча кучсиз» деган у кулиб-кулиб, мушакларини ўйнатиб-ўйнатиб. Узоқдан туриб, уни ва тош отиб душманларини енгаётган Муқбил тошотарни солиштирганман.

Эртак ўқий туриб, учар гиламда Чамбилбелга, Кўҳиқофга борганман, менга ёқмаганлар дуч келса, ур тўқмоқ билан савалаганман, лекин бундай ҳодиса жуда камдан-кам рўй берган.

Кейинроқ бадий китоблар ўқишни бошладим. Айниқса, Гулливер билан лилипутлар ватанида бўлиш менга жуда катта завқ бағишлаган.

Отам илк марта уйимизга радио олиб келиб, тўрдаги токчага ўрнатди. Ундан эшитилаётган оҳанрабо куй-қўшиқларни радионинг айна тагида ётиб олиб тинглар эдим. Худди ўша пайт мендаги романтика ва фантазия ғолиб келиб, шу радиони ясаган инсон лилипутлар мамлакатада сайр қилган ва лилипутлар орасидан ашула айтадиганларини танлаб олиб, шу радионинг ичига қамаб қўйган, улар қўшиқ айтиб бўлгач, яна дам олиш ва ухлаш жойларига кириб кетишади деб ўйлардим. Шуларни тутиб олиб, эртага мактабга обориб, қўшиқ айттириб мақтансам зўр бўларди-да деб хаёл қилдим...

Айна қўшиқ бошланганда овоз чиқаётган жойини қоплаган безакли латтани кесиб, лилипут қўшиқчиларни анча қидирдим. Аммо тополмадим. Орқа тарафида қора қоғоз бор эди. Ана энди топаман дея ҳаддан ташқари қувониб, қора қоғозларни ҳам кесиб-қирқиб, бу қўшиқчиларни тополмадим. Лекин мен умидимни узмай, яна радиони айлантира бошладим, шу пайт оёғим тагига қўйган стул жойидан силжиб, мен радио билан ерга қуладим. Катта ва оғир радио манглайим устига тушган экан, ўша пайти гурсиллаган овоздан ташвишга тушган онам уйга кирса, фантазияга берилган ўғли пешонасидан қон оқиб, ерда ётибди. Онам бечора нима қилишини билмай, бир тоза латтани қозоннинг қоракуясига ишқаб, менинг пешонамга босган. Шундан кейин қон тўхтаган.

Орада туппа-тузук радио кар-соқов бўлиб қолди. Токи отам уни устага бериб тузатмагунча... Ўша воқеанинг белгиси – пешонамдаги қора доғ ҳозиргача сақланиб қолган. Романтика ва фантазиямни кучайтириш учун ҳозиргача шу қора доғни силаб-силаб қўяман.

1957 ёки 1958 йил бўлса керак, баҳорда ёмғир ҳаддан ташқари кўп ёғди. Томчи томмаган уйнинг ўзи қолмади. У пайт томлар сомонсувоқ бўларди. Уй ичида қуруқ жой қолмади ҳисоб. Чаккиллаб томаётган сувни йиғиш учун косалар, товоқлар қўйилган.

Хўш, бундан қандай қутулса бўлади? Ўйла, Жуманазар, ўйла!

Ўйлаб-ўйлаб топдим! Икки қути гугурт, бир ғалтак машина ип олдим. Ипни чўпга маҳкам қилиб боғладим. Гугурт чўпини шифтнинг томчи томаётган жойга тиқиб, ипнинг иккинчи учини ердаги идишга туширдим. Шу тариқа томчи томадиган барча жойларга гугурт чўпи тиқиб, сувни бир идишга йиғиладиган қилдим. Энди уйнинг фақат бир жойида томчини йиғиб оладиган катта идиш бор, холос. Бундан уйдалаганимдан беҳад хурсанд эдим...

Ҳали-ҳали эсимда: қишнинг айна совуқ кунларидан бирида мендан олти ёш кичик укамнинг иситмаси чиқиб, кундан-кунга аҳволи оғирлашиб, ҳатто ҳушини йўқотди: бошини орқага ташлаб, тиззаларини букиб олиб, нуқул ёрдам сўрагандек бармоқларини қимирлатарди, холос. Туман марказидаги шифокорлар ёрдам бера олмагач, ота-онам уни ўша пайтлари Шаҳрисабз шаҳрида ишлайдиган номи анча машҳур Кулинич деган шифокорга олиб жўнади. Мен ҳам эргашдим.

Кўриб турибман, укамнинг қўлтиғидан боғич ўтказиб, том харисига маҳкамланган илгакка осиб қўйди. Кулинич бобо анча тайёрланиб, орқа тарафидан умуртқа устига игна санчди. Игнадан анча лойқа суюқлик чиқди. Тахминан ярим пиёлача суюқлик олганидан кейин ўша

игнадан отам олиб келган кичкина шиша идишчани чайқатиб-чайқатиб, унинг ичидаги суюқ дорини ўша жойга қуйишди. Сўнгра игнани суғуриб олиб, ўрнига оқ дока босиб, устидан боғлади. Кечга бориб укамнинг иссиғи тушиб, бошини ҳам орқага эгмасдан қўйди.

Худди ўша пайти мен касалликни тўғри аниқлаш тиббиётнинг асосий қонуни эканини тушунгандай бўлганман. Албатта, ҳозир мен Кулинич бобонинг қандай муолажа усули қўллаганини яхши тушунаман, яъни умуртқалар орасини кенгайтириш учун беморни қўлтиғидан осиб қўйган. Бу усул орқа мия бўшлиғига тез ва осон етиб бориш ҳамда беморга ортиқча азоб бермаслик учун эди. Киритилган дори эса ўша пайтлари ўта ноёб бўлган антибиотик – пенициллин бўлган.


Ҳозирлар мириқиб, қўмсаб-соғиниб эслайман: ҳар ҳафта туман марказидаги китоб дўконига кириб, янги китоб келдими деб сўрар ва, бор бўлса, сотиб олардим. Агар ўша пайт пулим бўлмаса ҳам дўкончи «олиб кетавер, берарсан» деб қўярди, холос. Янаги сафар борганимда «Жуманазар, мен сенга янги китоб олиб қўйдим» деб асраган китобини қўлимга тутқазарди. Сабрим чидамасдан эшак устида ўша китобни ўқишга тушардим. Ажойиб кунларнинг бирида ўша сотувчи амаки худди менинг келажагимни англагандек, китоблар тўпламини совға қилди. Нархини сўрасам, «олавер» деди ва жилмайиб қўяқолди. Санаб кўрсам, 16 дона кичик-кичик рисола. Бу – бошланғич тиббиётга кириш учун нашр этилган махсус тўплам эди. Ҳар бирида ҳар хил касалликка хос белгилар аниқ-тиниқ ёзилган бўлиб, жуда ўқишли эди. Уйга келиб, уларнинг ҳар бирини ўқиб ва ўқиб чиқишга ҳаракат қилдим. Баъзиларини ҳатто икки-уч марта ҳижжалаб, синчиклаб ўргандим.

Тақдирнинг ўйинини қаранг, кузнинг совуқ кунларидан бирида томоғим қаттиқ оғриб, ютинишга ҳам қийналиб қолдим.

Кейин оғриқ тизза бўғимларига ўтиб, қадам босолмайдиган ҳолатга етдим. Қишлоқ шифокори даволашга анча уринди, аммо фойдасини сезмадим. Отам қанча ҳаракат қилганини тасаввур ҳам қила олмайман. Мени кўришга туман хирурги, юқумли ка-

66

*Ҳозирлар мириқиб, қўмсаб-соғиниб эслайман: ҳар ҳафта туман марказидаги китоб дўконига кириб, янги китоб келдими деб сўрар ва, бор бўлса, сотиб олардим.*



салликлар бўйича мутахассис, ҳатто вилоят терапевти уйимизга келди. Улар мени обдон кўриб, жуда кўп савол беришди. Сўнгра учаласи роса тортишиб гаплашди. Мен эса жуда диққат билан тинглаяпман. Бу кардит, қоқшол, артрит деган гаплар ҳали ҳам қулоғим остида жаранглайди. Шипга қараб ётган эдим. Улар бироз жим бўлишганида бошимни улар тарафга сал буриб, «мендаги касаллик ревматизм» дедим. Учаласи ҳам менга ярқ этиб қарашди. Улардан бири «қани, исботлаб бер-чи» деганидаёқ, ревматизмнинг барча белгиларини рисолада ёзилганидек айтиб бердим.

Исботлаб беришни сўраган шифокорнинг «жуда тўғри, я согласен» деган гапларини ўзим бетоб бўлсам-да, мамнуният билан эшитдим. Худди шу ташхис бўйича туман шифохонасида бир ҳафтадан мўлроқ даволандим. Демак, мен бешинчи синфда ўқиган пайтимдаёқ ўзимнинг касбимни аниқлаб олган эканман. Шу асосий сабаб бўлди, тиббиёт институтининг биринчи босқичидан бошлаб ташхис қўйишга ёрдам берадиган фанларни синчиклаб, ҳижжалаб ўргандим. Асло имтиҳон топшириш учун эмас, келажак масъулияти учун.



**Я**на бир воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилган. Ўн уч ёшда эдим. Қишлоғимизда сув танқис, асосан лалими, яйдоқ дашт жойлар эди. Шу боисдан ҳам ичар сувни эшакка бидон ортиб, тўрт-беш чақирим узоқдан ташиб ичардик. Бир сафар вақт асрдан ўтиб қолган маҳали уйдан сувга жўнадим. Кўк эшак-

нинг устида «Гўрўғли»дан хиргойи қилиб, бир маромда сувлотга етиб бордим. Челақ билан бидонларни тўлдириб, эшакка минганимда шом қоронғиси атрофни чулғанган эди. Ўшангача ёлғизоёқ, бирор кимса кўринмайдиган дашт йўлида ҳеч нимадан қўрқмай кетаверардик. Бундай ёлғиз, ой шуъласи остида сувлотга келиб кетишим биринчиси эмас эди-да...

Аммо бу гал ундай бўлмади. Ой хирагина нуруни сочиб улгурмай, секин-аста, бир-бир қадам босиб келаётган эшагим илкис тезлашиб кетди. Унинг устида 90 литр сув, мен ҳам миниб олганман. Бироқ эшак узун қулоқларини динг қилиб, уй томонга илдам йўртиб кетаётир. Шунда мен ҳам негадир безовта бўлиб, беихтиёр ортимга бурилиб қарадим ва юрагим товонимга тушиб кетди. Эшакдан беш-олти қадам ортда бошини ерга бироз эгиб олганча йўрғалаб келаётган каттагина бўрини кўрдим. Ой шуъласида унинг ит эмас, айнан йиртқич жондор эканини яққол танидим. Баданимдан совуқ терчиқа бошлади. Одам кўрққанда юрак уришини ўзи ҳам эшитар экан – илк бор шунда амин бўлдим. Оёқларимни йиғиб, эшак устида маҳкам ўрнашдим. Ичимда нима деб худога ёлвордим, билмайман. Аммо нималардир деб илтижо қилганим чин.

Бўри дегани шундай жонзотки, унга от ҳам, эшак ҳам, буқа ҳам чўт эмас. Унинг жағлари жуда мустаҳкам, тиши баайни ханжар. Ортимдан лўкиллаб келаётган жондор хоҳлаган пайти эшакка човут солиб, қорнини ёриб ташлаши мумкин. Ва, табиийки, мен ҳам унга ем бўлишим ҳеч гап эмас. Уйгача эса ҳали икки-уч чақирим масофа бор...

66

*Мен бешинчи синфда ўқиган пайтимдаёқ ўзимнинг касбимни аниқлаб олган эканман. Шу асосий сабаб бўлди, тиббиёт институтининг биринчи босқичидан бошлаб ташхис қўйишга ёрдам берадиган фанларни синчиклаб, ҳижжалаб ўргандим.*



Нима ҳам қилардим... Индамай, нафасимни ичимга ютиб, худони бировга бермай кетаяпман. Эшак эса тобора тезлайди. Ортимдаги бўри чамаси уч юз, тўрт юз қадамлар эргашиб келди-да, қўққисдан фингшигандай, ғалати овозда қисқагина увлаб юборди. Буни эшитиб, эшакка баттар ёпишиб қолдим. Эшак ҳам пишнаб, тагин тезлашиб кетди.

Хаёлимда ўтган қиш колхознинг йилқи уюрига бўри ҳужум қилгани, иккита отни ғажиб кетгани ҳақида уйимиздаги гурунглари айланар, ваҳимам янада ортарди.

Аммо худо – меҳрибон! Узоқдан қишлоғимизнинг чироқлари кўринди ва шу билан бир пайтда, итларнинг ҳурган овозлари келди. Мен салгина дадилландим. Эшак ҳам бироз секинлагандай бўлди. Шунда ўзимда куч топиб яна ортимга бурилиб қарадим. Ва анча олисда, қора нуқтадек бўлиб тўхтаб-туриб қолган, тобора узоқлашаётган бўрини кўрдим.

Ҳансираб, терга ботиб уйга етдим. Хайрият, бўри менга тегинмади.

Табиат ва ҳаёт билан уйғун бўлган бу хотира менинг ҳаёт йўлимда эсдан чиқмас бир воқеа бўлди. Ўйлайманки, ўша бўри, тақдирнинг номидан сўзлаб, мени огоҳликка, ҳаётда катта ишлар қиладиган одамлар жуда қийин йўлни ёлғиз босиб ўтишига ишора бергандай... Тагин ўша бўри менга ҳеч қачон бепарво бўлмасликдан ҳам сабоқ бериб кетди.

Ёшимиз ҳам анча улғайиб қолган бугунги кунларда ҳаёт йўлимда маёқдай туриб берган яхши одамларни миннатдорлик билан эсламан. Отам, онам, ўша китоб сотувчи амаки, тиббиёт соҳасидаги улуғ устозларим ва ўша менга сабоқ берган бўри...

Мен уларнинг ҳар биридан қарздорман!

# МЕЗБОН БИТТА:

## У БИЗНИ КУЗАТАДИ ВА КУТАДИ

Суҳбатдош: Эшқобил ШУКУР

Ўзбекистон  
қаҳрамони Иброҳим  
Ғафуров билан  
суҳбат



– Иброҳим ака, одамга болалик каби таъсир кўрсата оладиган давр йўқ. Чунки шу даврда инсоннинг маъно оламининг пойдевори ташланади. Кейинги жараёнларнинг барчаси пойдеворнинг қандай бўлиши билан боғлиқ. Болалик йилларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Мен 1937 йил 27 декабрда Тошкентнинг шимол томонидаги Мевазор мавзесида, тарихий Тешикқопқоқ деган жойда туғилганман. Бу ҳақда бир мансурам бор:

...ўттиз еттинчи йил.

Мен туғилганда қаҳратон эди.

Қодирий йўқ эди.

Чўлпон йўқ эди.

Фитрат йўқ эди.

Носирий йўқ эди...

Мен туғилганда қаҳратон эди...

Отам Усмонбой Фафуров хунарманд нонвой, онам Муҳаррам Ибодова чевар тикувчи эдилар.

Тешикқопқоқ кўҳна мазорининг этагидан пишқириб, қичқириб шиддатли бир сой оқарди. Унинг номи ҳам Қичқириқ эди. Қичқириқ Қорақамишдаги тўқайзорлардан ўтиб Тошкентнинг ғарбидаги жуда чуқур ваҳимали жарликларга йўл оларди. Қичқириқ ҳозир ҳам бор.

Биз – ота-онам, акаларим, опам, тоғам муаллим Хусанбой Ибодов жуда катта ҳовлида бирга турардик. Отам уруш вақтлари ҳарбий юклар ташийдиган эшелонларда соқчи бўлиб хизмат қиларди ва баъзан икки-уч кунга Тошкентга келганида қиш пайтлари боғимизни мўр-малахдай босган қарғаларни милтиқ отиб қўрқитарди, биз болакайлар варанглаган ўқ овозларидан ҳайратга тушардик. 1940 йилда муаллим Хусанбек тоғам ўзи билан пединститутда бирга ўқиган Жўрахон кеннойимга уйланди. Ҳовлида

катта тўй бўлди. Шу тўй менинг эсимда қолган. Ҳозиргача аниқ-тиниқ эслайман. Тоғамнинг келин тушган уйи эртақлардагидай безатилган эди. Уйнинг деворлари ойнаванд ромли шкафлар эди. Уларнинг ҳаммасига тоғамнинг китоблари тартиб билан териб қўйилганди. Китоблар жуда кўп эди. Жуда кичик бўлсам-да, ўша вақтларда шунча безаклар қолиб, айнан китоблар менга мўъжизадай туюлгани қизиқ. Одам боласи ўз толеини учратганини тўғри англаса, сўнг бу толе унга умр бўйи ва асрлар бўйи ҳамроҳлик қилади. Балки мен ўшанда ўз толеимни китоблар тимсолида учратгандирман.

Мен 1943 йилда Қорасаройдаги 28-мактабнинг биринчи синфига Мансур, Сайфи, Асад деган ўртоқларим билан ўқишга чиққанман. Оёқларимизда ҳеч нарса йўқ эди. Мактабга ялангоёқ борардик. Оёқлар тамомила ёрилиб, қонаб кетарди. Шундай бўлса-да, биз жонжаҳдимиз билан мактабга интилардик.

Ҳарфларни, китоб ўқишни, иншо ёзишни ўрганганман, жуда ёш, ўзбекча кийинган муаллим опам менга иншо ёзишни топширар, кўчада нималарни кўрдинг, шуни ёз, ҳозир қайси фасл, шуни ёз, нимани кўрган бўлсанг шуни ёз дер эди. Мен жуда қийналиб бир нарсалар ёзардим. Қанорларда сомон олиб кетаётган катта аравани кўрдим, унга туя қўшилган эди деб ёзардим. Муаллим опа мақтарди. Менинг илк ижодий ишларим шундай бошланган.



66

Одам боласи ўз толеини учратганини тўғри англаса, сўнг бу толе унга умр бўйи ва асрлар бўйи ҳамроҳлик қилади. Балки мен ўшанда ўз толеимни китоблар тимсолида учратгандирман.

Чўлпон, Усмон Носир, Фафур Фуломларнинг илк китоблари чиқарди. Яхши тушунмасдим. Лекин оҳангларига берилиб ўқийверардим. Кейин катта бўлганимда яна ўқисам, тамомила бошқа-бошқа нарсалар экан. Отам хизматдан қайтгач, маҳалладагиларнинг илтимоси билан яна нонвойлик қила бошлади. Мен ўқишдан бўш кунлари қарашиб турардим. Отам қарашганимга ҳар сафар уч сўм берарди. Мен уларни йиғиб қўярдим. Эскижўвага кўп тушардим. Чорсуда отам туғилиб

Бизга учинчи синфда ўқиш китоби беришди. Мен ундаги биринчи дарсни ўқиб, жуда қизиқиб қолдим. Тез орада ўқиш китобимни бутунича ёдлаб олдим. Унда Фафур Фулом шеърлари, Ойбек, Миркарим Осимнинг асарларидан парчалар берилган эди. Миркарим Осимнинг ҳикояларини ўқиб тарихга ҳаддан зиёд қизиқиб қолдим. Жалолиддин, Темур Малик, Алишер деган отлар мен эшитмаган жуда қизиқ номлар эди. Кейин тўртинчи синфда бизга Ваҳоб ака деган ёш йигит тарихдан дарс ўтди. У худди артистларга ўхшаб дарс ўтар, ҳаммамиз бақрайиб қолар, оғзимизни очиб ўтирардик. Шундан кейин мен тарихчи бўламан деб юрагимга тугиб қўйгандим. Умуман, бизнинг ўқитувчиларимиз ҳаммаси алгебра, арифметика, физика, кимё, биология, она тили, адабиётдан худди артистларга ўхшаб маҳорат билан дарс ўтишар, биз маҳлиё бўлиб ўтирардик. Кейинчалик ўйлаб юрдим, балки шунинг учун бизнинг ичимиздан олимлар, адабиётчилар, кимёгарлар кўп чиққандир!

Менинг биринчи устозим тоғам эди. Тўртинчи синфга ўтганимдан кейин тоғамдан сўраб китобларини олиб ўқий бошладим. Тоғамнинг жавонларидан



ўсган Коппонга борардим. Ширмонпаз амакиларим ва аммаларим шу ердаги ҳовлиларда туришарди. Уларни яхши кўрардим. Жуда ширинзабон, яхши муомалали, эскича ўқиган одамлар эди. Мени ширмой нон, мевалар билан сийлашарди. Эскижўвада қатор тушган дўконлар орасида китоб дўкони ҳам бор эди. Кейин шу дўконга кирардим. Йиғиб қўйган пулларимга ўзимга китоблар олардим. Тўртинчи синфда ўқиётганимда шу магазинда катта қора чарм портфел кўриб қолдим. Унинг ичида тўртта бўлими бўлиб сиёҳдон, қалам, ручка, ўчиргич қўядиган ажойиб чўнтакчалари ҳам кўп эди. Мен уни ниҳоятда яхши кўриб қолдим. Аммо йиққан пулим етмасди. Яна бироз отамга қарашиб юриб, пулим етадиган бўлгач, бу гўзал портфелни сотиб олдим. Китобдафтарларимни солиб мактабга олиб бордим. Кичкина бола шундай катта чарм портфел кўтариб юрганидан ҳамма менга ажабланиб қарарди. Мен ўзимча бундан мамнун бўлиб қўярдим. Мактабни шу катта чарм портфелим билан битирдим. Университетга киргач, у ерга ҳам китобларимни солиб олиб бормоқчи бўлдим, лекин курсдошларимдан ҳеч ким портфел кўтариб юрмагани учун тортиндим. Шу портфел менга ниҳоятда сирдош буюм бўлиб қолган, унга энг яхши кўрган китобларимни – Марк Твенни, Айнийнинг «Эсдаликлар»ини, Ойбекнинг «Қутлуғ қони»ни солиб қўяр, истаган пайтда олиб ўқийверардим. Кейинроқ университетдаги танишим Маҳмуд Саъдий билан ўқиган китобларимиз ҳақида тинмай гаплашар, у менга баъзан «Қутлуғ қон»ни ўн бир марта ўқиб чиққани, ҳали яна ўқигиси келиб туришини айтарди. Мен эса «Қутлуғ қон»ни тўққиз марта ўқиган, Маҳмуд олдида мақтана олмасдим.

– Ёшлик йилларингизда университетда ўзбек маънавий оламининг улкан даргалари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев каби шоирлар, адиблар ва олимлар



Оёқларимизда ҳеч нарса йўқ эди. Мактабга ялангоёқ борардик. Оёқлар тамомила ёрилиб, қонаб кетарди. Шундай бўлса-да, биз жонжаҳдимиз билан мактабга интилардик.

*билан бир авлод сифатида изма-из таҳсил олгансизлар. Шубҳасиз, бу авлод вакиллари миллат фахрига айланди. Бу жараённинг ҳар бирингизга қандай таъсир кўрсатгани ҳақида гапириб берсангиз.*

– Мен 1956 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг филология факултетига ўқишга кирдим. Бу ерда илм, ижод, ижтимоий интилишлар муҳити кишини ҳар доим ўзига маҳкам жалб қилиб турарди. Дам-бадам Эркин Воҳидовнинг ўқувчилик ва талабалик даврида ёзган шеърлари янграб қоларди. Кичкина ғаройиб кашфиётга ўхшаган бу шеърлар домлалардан тортиб ҳаммани – ҳатто бошқа факултетдагиларгача ўзига ром қилиб олган, кўплар уларни ҳар жойда ёддан ўқишарди. Жуда машҳур эди Эркин Воҳидов. Кейинроқ унинг ёнига Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Омон Мухтор, Ўткир Ҳошимов, Саъдулла Сиёев қўшилди. Уларнинг илк асарлари ўқувчилар ўртасида донг таратди. Газета-журналларда босилди, алоҳида китобчалар бўлиб чиқди. Адабиётга гуриллаб янги талантли тўлқин кириб келаётганлиги, ижод майдонида мустаҳкам ўрнига эга бўлаётганлиги ҳаммага аён бўлди. Уларнинг ҳар бири тез орада ўзига хос шахс сифатида намоён бўлдилар. Уларнинг ўзига хос та-

лантлари тарбиясида Озод Шарафидинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов сингари университет домлаларининг эътибори, ҳиссаси жуда катта бўлди. Мен ҳам университетни тоғамдан сўнг илк чин усто-зим деб билдим. Бу ишонч ва муҳаббат ҳаётимга жўшқинлик, қаламимга ҳарорат ато этиб турди.


– *Дунё адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиб китобхонларга етказишда матонат кўрсатдингиз десак, муболага бўлмайди. Таржима санъати оғир ва машаққатли санъат. Игна билан қудуқ қазишдай гап. Агар сиз таржима қилган китобларни биржойга тўпла-са, нақ 30 жилд бўлади. Таржи-мадан ташқари ўзингизнинг китобларингиз ҳам 30 жилдга боради. Бу умрингиз давомида жуда катта хирмон кўтаргангизнинг далилидир.*

– Дунё адабиётига қизиқиш, бутун ҳаётимни китоб билан боғлаганим, китобни менга ёзилган тақдир иши деб билганим мени адабий танқид ва бадиий таржима соҳаларига дадил қадамлар билан киришга чоғлади. Ўқиган китобларимни ўзбек тилига хаёлан ағдариб юрадиган бўлдим. Қораламалар қилдим. Муқобил сўзлар, жуда кўп вариантлар, версиялар қидирдим. Баъзан йирик-йирик асарлар бир бутун ҳолда хаёлимда ўзбекча шаклга кириб гавдаланарди. Ёшлигимдан, «Ойдин кечалар»ни ўқиганимдан бери Фёдор Достоевский романлари худди шундай яхлит ўзбекча бўлиб кўз ўнгимда турарди. Чидолмай уларни қоғозга ту-

ширишга шошилардим. Аммо реаллик бошқа эди. Реаллик қора терга ботиб меҳнат қилиш, тинимсиз заҳмат чекишни тақозо қиларди. Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Мирзакалон Исмоилий, Мирка-

рим Осимдан таржиманинг жозибадор сўзи қандай бўлишини ўргандим. Асар колоритини, фусункорлигини қайта тиклашга ва бунда сўз фасоҳатини заррача йўқотмасликка муттасил эътибор қаратдим. Кейин йиллар ўтган сари булар менинг бадиий таржимадаги услубимга айланди. Буларни маҳоратнинг ўлмас манбаига айлантириш ниҳоятда катта иқтидор, куч-қувватни талаб қилади.

– *Мен таржима санъатини дарди бир, қувончи бир-бирига ўхшаш, аммо икки тилда гаплашадиган икки инсоннинг ҳасратлашишига ўхшатгим келади. Аминманки, бу кечинмани катта ижодий жараёнда кўп бора туйгансиз. Расколников билан («Жиноят ва жазо» романи), княз Мишкин билан («Телба» романи),*



66

Чидолмай уларни қоғозга туширишга шошилардим. Аммо реаллик бошқа эди. Реаллик қора терга ботиб меҳнат қилиш, тинимсиз заҳмат чекишни тақозо қиларди

Маркес қахрамонлари билан баайни бирга яшагансиз. Гап шундаки, таржима ақл ва юрак ўртасидаги катта ижоддир.

Бироқ бугун интернет саҳифаларида ёки алдам-қалдам, қўл учида қилинган таржима китобларда бир оғриқли манзара пайдо бўлаяпти: «гугл»(Google)га автоматик таржима қилдириб, эга-кесимини сал эпаккага келтиргач, «таржимон – фалончи» дея эълон қилиб юбораётганлар ҳам кўп. Ёки асарни ўзича тушуниб, уни ақли етганича таржима қилиш асносида, муаллиф матнида бўлмаган гап-сўзларни қўшиб (ёки айириб) ташлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу нодир ижод тури бу кетишда қай аҳволга келиб қолади деб ўйлайсиз?

– Миллий уйғониш шабадалари тобора куч олиб, маданий-маърифий дунёларимизда ҳаётбахш жонланишлар кузатилмоқда. Бу жонланиш бадий ижод соҳаларида ҳам кўзга ташланаяпти. Ўқиш, китобларга қизиқиш, илм олиш, тадқиқотчи олим бўлиш, глобал дунё ва миллий ҳаёт тарзи талаб қилаётган кенг спектрдаги ихтисосларни мукамал эгаллаш, мутахассис бўлишга интилиш ёшлар, ўсмирлар, хотин-



қизларнинг кенг қатламлари орасида удумга айланмоқда. Камбағаллик ва ундан туғиладиган жуда кўп ранг-баранг нокасликларга тамомила барҳам беришнинг энг таъсирчан йўли мутахассис (қайси соҳада бўлмасин!) бўлиб етилишдир. Ҳозир камбағалчиликдан чиқаётган ва у билан буткул хайрлашаётганларнинг барчаси мутахассисликларни эгаллаган кишилардир. Турли техник қулайликлар чиқаётган ажойиб-ғаройиб компьютерлар замонда таржималарни ақлли компьютерлар ҳамда ўта ғаройиб ҳисоблаш машиналари зиммасига бемалол юклаш мумкин деб

қарайдиган «ақлли» одамлар (тўғрироғи, қаллоблар ва кўзбўямачилар) ҳам бош кўтармоқда. Аммо ҳеч қандай ақлли машина инсон қиладиган ижодга қобил эмас ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон қодир бўлолмайди. Зеро, ҳеч қандай ақлли машина одам ҳиссиётлари ва у ярата оладиган образлар, манзаралар, коллизиялар, иллюзияларни бунёд этолмайди. Агар бунёд этолса, унда оламда янги одам навини яратган бўлади.

Бунга қодир куч табиатда йўқ. Бадий ҳамда илмий таржима соҳасини талант, иқтидор, малака, тажрибаларсиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Ижод кўзбўямачи ва қаллоблар иши эмас. Таржимон бўлиш учун бир нечта тилни мукамал эгаллаш, миллий адабиётлар, турли билимлар соҳаларидан яхши хабардор бўлиш, ҳуллас, ижодкор бўлиш керак. Ўзини сўз мулки ичра ғаввосдек ҳис қилмоқ лозим. Шундагина қаламдан гўзал, одамлар юрагида гавҳардек яшайдиган сўзлар чиқади. Мен ҳозирги ноширлар жуда қаттиқ талабчан бўлишлари зарур деб ўйлайман. Ахир сўзга хиёнат нонтепкилик билан баробар. Сўз қароқчиларидан эса масъулият талаб

66

Ҳеч қандай ақлли машина инсон қиладиган ижодга қобил эмас ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон қодир бўлолмайди.

қилмоқ жоиздир. Халтура таржима китобларни пайдарпай чиқариб тарқатаётган ноширлардан нега бундай деб сўраб туриш керак-ку ахир! Балки бу ишларни тўла тартибга соладиган таржимонлар бирлашмаси (ассоциацияси!) тузиш пайти келгандир. Адабиёт агентлиги билан биргаликда бадиий ва илмий таржимонлар ассоциацияси қанчалар зарур ҳозирги кунда!

Хуллас, кейинги пайтларда ўзбек тилини яхши билмасдан, бадиият нелигини англамасдан мен таржимонман деб савиясиз, чучмал ағдармаларни қалаштириб ташлаётганлар ҳам бор. Мен шундан ташвишланаман, чунки бу нарса дидни, адабиёт ҳақидаги тасаввурларни бузади.

– *Иброҳим ака, машхур ирланд адиби Жеймс Жойснинг «Улисс» романи ҳам илк бор сизнинг таржимангизда ўзбек китобхонига етиб борди. Бу китоб хусусида зарб зиёлилари ҳам фавқулодда янги асар, инсон тафаккурининг янги маҳсули дея баҳо берадилар. «Дунёда икки тоифа одам бор: “Уллис”ни ўқиганлар ва ўқимаганлар!» каби таърифлар мавжуд. Шу ўринда ушбу асарнинг мазмун-моҳияти, ёзувчининг муддаоси, умуман «Улисс»нинг калити нимада деб биласиз? Бу китоб таржима бўлиб, китобхонларимиз қўлига етиб борган бўлса-да, юқоридагига ўхшаш қатор саволлар ўзбек китобхонида бисёр...*

«Улисс» нима?

– Дунёда одам тўла роҳат қилиб (худди эски қази егандек бўлиб) ўқийдиган улў китоблардан бири Жеймс Жойснинг «Улисс» романи бўлса керак деб ҳисоблайман. Фусункор, афсонавий китоблардан. Бадиий адабиёт нафосати ва бадиияти қандай таъсирчан кучга эга бўла олиши бу китобда ҳар томонлама мужассам топган ва нафосат қирралари беҳад мислсиз сирлари билан намоён бўлган. Дунёнинг энг таъсирчан юзта китоби ичидан унга яқдиллик билан биринчи ўринни беришган. «Улисс» афсо-

“Ижод кўзбўямачи ва қаллоблар иши эмас. Таржимон бўлиш учун бир нечта тилни мукаммал эгаллаш, миллий адабиётлар, турли билимлар соҳаларидан яхши хабардор бўлиш, хуллас, ижодкор бўлиш керак.

навий китоб бўлиши билан бирга унинг атрофида ҳам ранг-баранг афсоналар жуда кўп ва унга том-том шарҳлар, изоҳлар, тадқиқотлар, тарихлар ёзилган ва ҳали ҳам пайдарпай ёзилмоқда. Менинг таржимамда бу асар қарийб 900 саҳифа бўлган. Унда Жойс 1904 йил 16 июнда – бир кун ичида рўй берган ҳодисаларни тасвирлаган. Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳрида ёш йигит, номдор ёзувчи Жойс худди шу куни ўзининг бўлажак хотини Норахон Барнакл билан учрашган экан. Шу учрашув шарафига Жойс ушбу буюк китобини битган. Бу ақл бовар қилмайдиган бадиий поэтика кашфиётлари китоби. У ўн саккиз эпизоддан иборат. Жойс ўн саккиз эпизоднинг ҳаммасини дунё адабиётида бўлган барча бадиий техникалар, услублар, воситаларни қўллаб ёзган. Уларни романнинг бир неча ҳаёт қаватларига табиий сингдириб юборган. Мутахассислар ханузгача шуларнинг бадиий сирларини очишга уринишади. Жойсни ўқиш қийин дейишади. Гўзаллик ва айниқса унга етиб бориш қачон осон бўлган? Аммо меҳр, қунт, иштиёқ ва бадиий сўзга садоқатли муҳаббат бўлса, бу қийинчиликлар асло қийинчилик эмас. Навоий, Бобур, Қодирий, Яссавий, Машраб бизни жид-

дий ва қийин китобларни қийин демай ва машаққатидан қочмай ўқишга ўргатишган.

Жойс, Кафка, Флобер, Достоевский, Толстойларни ўқиганда ҳам уларнинг мислсиз гўзал оламларига поэтика қийинчиликларини ўзлаштириб, англаб, тушуниб кириб борасиз. Бунинг устига Жойс бу китобида дунё адабиётида биринчи бўлиб «онг оқими» деган бадиий тасвир усулини кашф этган. Фрейднинг туш, либидо, сублимация таълимотини бадиий тарзда юксак даражада инкишоф этган. Унинг персонажлари чексиз ўйлайдиган ва фикрлайдиган кишилар. Буларни англаб етган ўқувчи Жойсни ўқиб битиргач ўзини бир неча Европа университети-ни битиргандай сезади. Ўқиш қийин деб ўзингизни лаззатдан бебахра қилманг. Реклама агенти Леополд Блум, ёш шоир муаллим Стивен Дедал, гўзал овозли санъаткор Молли, тарихчи файласуф Бик Маллиган ва романнинг бошқа қаҳрамонлари ҳаёт, инсон, тақдирлар, дунёнинг туриш-турмушлари ҳақида ҳеч тўхтамай фикрлаб, фикрлаганда ҳам ғаройиб фикрлаб сизни ўз дунёсига жалб қилиб туради. Сиз саҳифама-саҳифа дунёнинг энг хабардор одамларидан бирига айланиб борасиз. Яссавийнинг қудрати нимада эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? У фақат худони танишни тарғиб қилган деб ўйлайсизми? У доим ўз ҳикматларида беҳабарлар билан баҳс олиб борган. Беҳабарликни жуда кенг маънода тушунган. Бу ҳатто гумроҳликдан ҳам бошқача бир ҳодиса бўлган. Шунинг учун у ҳозиргача бор, ҳозиргача тирик, ўлмаган! У минг йилларча, ҳатто бронза асрдан бери ҳаёт ва Ер юзидан тамомила изсиз ўтиб келади. Китоблар эса бизни шундай оғир ҳодиса – беҳабарликдан қутқаради. Зеро, китобда Гёте ибораси билан айтганда, «мангу нафосат» яшайди.

– Жадидлар нафақат адабиётимизни, маънавиятимизни ҳам, миллий тафакку-

римизни ҳам янгилашга бел боғлаган эдилар. Жадидлар билан боғлиқ қандай армонларингиз бор?

– Жадидларни ижодий тилим чиққанидан бери севаман. Чўлпонсиз, Беҳбудийсиз, Фитратсиз ўзимни ҳам, адабиётдаги



66

У доим ўз ҳикматларида беҳабарлар билан баҳс олиб борган. Беҳабарликни жуда кенг маънода тушунган. Бу ҳатто гумроҳликдан ҳам бошқача бир ҳодиса бўлган.



ўрнимни ҳам тасаввур қилолмайман. Уларнинг ўзбек халқи озодлиги, маърифати йўлидаги заҳматларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Улар ҳаётимиздан, тарихимиздан ўз ҳаққоний ўрнини топгани ва эгаллагани хўб бўлди. Жадиждлар эътиқодига эргашиш ва уни янги тарихий ижтимоий шароитда ижодий давом эттириш бугунги ва эртанги энг долзарб вазифамиз деб биламан.

– *Замонавий ўзбек адабиёти билан жаҳон адабиётини солиштирганда қандай хулосаларга келасиз?*

– Бугун ҳозирги замон ўзбек адабиёти жаҳон адабиётининг узвий давомига айланиб бормоқда. Янги мавзулар, шакллар, усуллар, қарашлар кириб келмоқда. Асл тилларга таржималар ҳам умидли куртакламоқда. Ўзбек адабиёти дурдоналари тупроқда қолмаганидек, жаҳон адабиёти мумтоз намуналари ҳам ўзбек тилида ўз жарангини топади. Бунга шубҳа йўқ. Аммо Учинчи ренессанс даври бадий таржимонларининг майдонга кириб келиши ва ўзини топиши, танитиши ниҳоятда қийин кечмоқда. Лекин жараён бошланган.

– *Ҳаётда қаттиқ амал қиладиган қондангиз ҳақида сўзлаб берсангиз.*

– Мунтазам ижод қилиш. Бир кун ҳам тўхтаб қолмаслик, ҳар қандай вазиятда, ҳеч қачон ижоддан чекинмаслик.

– *Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева билан бутун умр бирга яшадигиз, ҳаётнинг оғир-енгилини бирга тортдингиз. Шу ҳақда кўнглингиздаги хотираларингиз...*

– 1976 йилдан буёғига Ойдин Ҳожиева билан бир йўлдан елкама-елка, ҳамжиҳат, ҳамкор, мададкор, маслакдош бўлиб бордик. Эллик йилдан ортиқроқ вақт ичида Ойдинни доим чеҳраси очиқ, юзи ёруғ, самимий ҳолда кўрдим. У шу вақт мобайнида жўшиб-тошиб ижод қилди. Гўзал лирик шеърлар, ҳассос дostonлар ёзди.

Ҳаётимда чин бурилиш – мен Ойдинни, Ойдин эса мени топгани бўлди. Бошқа барча инсоний бурилишлар шундан улги



Юлдузим, сен билан ўнгланди тилагим...  
Ўчмагансан, кетмагансан, аразинг йўқ.  
Хуш чиқибсан кўк тахтингга –  
Манглайингни келар силагим,  
Юлдузим, ҳамроҳим, сен билан тирилди  
юрагим...

““

Жадиждлар эътиқодига эргашиш ва уни янги тарихий ижтимоий шароитда ижодий давом эттириш бугунги ва эртанги энг долзарб вазифамиз деб биламан.



олди. Биз асл нарсалар нималигини бир-га англадик. Чин ва сохтанинг нималигини билдик. Яна қайдам...

– Бугунги ўзбек ёшларига айтадиган энг муҳим гапингиз?..

– Бугунги ёшлар билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлгим, режаларини яхшилаб англагим келади. Улар фурсатни бой бериб қўямасликларини жуда истайман. Одам вақтга жуда қаттиқ боғланган. Миллион-миллион ришталар билан чамбарчас боғланган. Вақт шакллантиради: қиёфани ҳам, қалбни ҳам шакллантиради. Ақлли одам вақтни бой бермайди. Вақтни бой берган ҳеч қачон ақлли бўлмайди. Ҳар ким ўзига савол берсин: мен вақт ичида қандайман: борманми, йўқманми? Бунга жавоб топган доим ютуқда.

Яна бир гапим: ёшлар асл устозлар этагини маҳкам тутсинлар. Устоз бор жойда ҳаёт бор, келажак бор, тараққиёт бор.

– Дунёнинг паст-баландини кўп кўрдингиз ва бу кўриб-кечиришлар жараёнида халқимизнинг донишманд инсонларидан бирига айландингиз. Шукўтлуғ ёшга кириб ҳаёт ҳақидаги, инсон ҳақидаги энг муҳим хулосангиз нима бўлди?

– Баъзан... шунча йил яшаб, кўриб-кечириб, ҳаёт ва инсон ҳақида қандай хулосаларга келдим деб ўйлаб қоламан. Ҳар бир инсон чин ўзини, ўзлигини, ўз ўрни, ўз вазни, вазифасини билиб, англаб донишмандона умр кечирса қанийди. Инсониятнинг ярмидан кўпи ўз-ўзини, ўз ўрни ҳамда вазифасини билмай ўтиб кетмоқда. Қалбаки сўзлар, арзимас майда-чуйдаларга берилиб умрни бой бермоқда. Талай одамларнинг оқ-қорани танимаслиги мени қаттиқ ташвишга солади. Бу бугунги замонда янада қалтис тус олапти.

66

Вақтни бой берган ҳеч қачон ақлли бўлмайди. Ҳар ким ўзига савол берсин: мен вақт ичида қандайман: борманми, йўқманми?



– Ўзбек халқининг қайси мақолини кўпроқ яхши кўрасиз ва нима учун?

– «Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас» деган мақолни яхши кўраман. Жуда содда, жуда оддий кўринса-да, бу мақолда ҳаётимизнинг моҳияти айтиб қўйилган. Чунки бизнинг олтмиш икки минг томиримиз она юртимиз билан чамбарчас боғланган.

– Доимо сизга йўлдош тилакларингиз...

– Ватанимда сув доимо сероб бўлишини, ҳаво ҳамиша тоза-соф бўлишини, одамлар бир-бирларига мудом самимий, ишончли, маърифатли бўлишларини тилайман. Ўзганинг дардини ўз дардидай қабул қилишларини истайман. Кўнглимда гапларим кўп. Яна ҳар кимнинг дилидаги худога боғлиқ. Мезбон битта: худо бизни кузатади ва кутади.

# АРОСАТДАГИ ФАРОСАТ

Анвар БОБОЕВ,  
Имом Бухорий халқаро илмий-  
тадқиқот маркази илмий  
ходими

**Х**артилнинг таржима қилиб бўлмайдиган сўз ва иборалари бўлади. Бу ҳақда гап қўзғалганда кўпчилик «андиша» сўзини ёдга олади. «Мушугинг дастурхонни бенамоз қилди» қабилдаги иборалар ҳам бор. Бу сўз ва жумлалар мўлжалга шунчалик аниқ тегадики, на бирор нарса қўшиб, на бирор нарса олиб ташлаб бўлади. Лекин таржимон қийналади.

Бугун таржима қилиб бўлмайдиган яна бир сўзимиз ҳақида сўз юритсак. Бу фаросатдир.

«Андиша» сўзи ўрнига қараб турли маъно ва мақсадларни кўзлаганидек, «фаросат» калимаси ҳам баъзан «одоб», гоҳо «ақл», баъзан «фаҳм» (англамоқ), гоҳо «иймон», бир қарасангиз «тарбия», айрим ҳолларда ҳатто «мантиқ» маъноларига яқинлашади. Лекин таржимонга қийинлиги шундаки, ўзбеклар турдош-маънодошларнинг бирортасини ҳам ишлатмай, айнан «фаросат»нинг ўзидан фойдаланади. Ўшанда мутаржим қайси маънодош орқали ўгиришни биллолмай, кўп боши қотади.

Аслида «фаросат» – арабча сўз. Лекин халқимиз бу калимани ўзлаштирганда, луғатга мувофиқ равишда «фаҳмлаш», «ўткир ақл» маънолари билан чекланиб қолмаган ва уни асрлар мобайнида жуда кенг тушунчага айлантирган. Ҳатто отабоболаримиз «фаросат – ярим каромат» деган нақл ҳам қолдирган. Чунки муқаддас динимизда фаросатга ҳақ билан ботилни ажратиш қобилияти сифатида қаралади. Ҳар қандай ноёб қобилият, масалан, авлиёнинг каромати Парвардигорнинг иззат-икроми, инъомидир. Яъни, валий инсоннинг каромати ғайриоддий амалларни бажариши эмас, балки ато этилган қобилиятининг намоён бўлишидир.

Бир ҳадисда айтилганидек, *«Мўминнинг фаросатидан эҳтиёт бўлинглар, чунки у Аллоҳнинг нури билан назар солади»*. Бундан англашиладики, қалбига илоҳий нур тушган инсон воқеа-ҳодисалар замиридаги ҳақиқатни аниқ кўради. Уни ҳеч нарса чалғита олмайди, хуфиёна амал, ҳеч бир ниқоб ё парда унинг назарини асл моҳиятдан тўса олмайди.

Шундан келиб чиқиб, фаросатни қалб кўзи дейиш мумкиндир. Шунда бефаросат одамни «қалби сўқир» десак, таржимонга ярим мисқол бўлса-да ёрдам берган бўлиб чиқардик.

Энди мавзуга нима учун узоқдан келишимизнинг сабабига тўхталадиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларида айтилавериб, сийқаси чиққан гапларни такрорламаслик, ўқувчини мақоланинг бошидаёқ бездириб қўймаслик мақсад қилинди.



“  
Сабр қилмаган одам  
йўлни кесиб, нариги  
томонга эмас, нариги  
дунёга ўтиб кетиши  
ҳеч гапмас.



Тўғри, бугун беодоб, бетарбия, беҳаё одамлар сафи бефаросат кимсалар ҳисобига яна ҳам кенгайиб бораёпти. Уларнинг қилмишлари ҳар қандай инсоннинг ғазабини қўзғайди, жуда бўлмаганда энсасини қотиради.

Мана, кундалик ҳаётдан оддий бир мисол. Эрталаб уйдан чиқдингиз, чорраҳадан ўтишингиз керак. У – кичкина чорраҳа, йўлчироғи йўқ, машина ҳам. Чапга бир қараб олиб, йўлнинг ярмидан ўтдингиз, кейин ўнг томонга қарасангиз, машина келаяпти. Уни ўтказиб юбориб, кейин юришга қарор қиласиз (*негаки, сабр қилмаган одам йўлни кесиб, нариги томонга эмас, нариги дунёга ўтиб кетиши ҳеч гапмас*). У сизнинг кутаётганингизни кўраяпти. Лекин чорраҳага келганда сиз томон юрмай ўнга (*ё чапга*) бурилиб кетди. Ваҳоланки, сиз уни ўтказиб юбориш учун тўхтаб турдингиз, кутдингиз, вақт йўқотдингиз. Шуни кўриб келаётган ҳайдовчи бурилиш сигнални ёққанида эди, сиз уни кутмасдан, йўлнинг қолган қисмидан бамайлихотир ўтиб кетардингиз. Беихтиёр тилингиздан «ҳе, бефаросат, чироғингни ёқсанг қўлинг синармиди?» деган сўзлар чиқади.

Биз бундай мисолларни қалаштирмасдан, фаросат (*ё фаросатсизлик*) мавзусига бошқа томондан ёндашмоқчимиз. Аниқроқ айтганда, «нима учун шундай?» деган саволга жавоб излаб кўргимиз келди.

Боя, йўлда дуч келганимиз бефаросатлик аввало эгоизм бўлса керак. «Кутса кутипти-да, мен унга ҳисобот беришим шартми?».

Иккинчи томондан бу одобсизликка ўхшаб кетади. Одобсизлик эса тарбиясизликдан келиб чиқади. Ҳайдовчига «Сени йўлаб, ҳурматингни қилиб, йўл бермоқчи

бўлган одамга сен ҳам ҳурмат кўрсатиб, “биродар, кутиб, бекорга вақт кетказманг, мен бурилмоқчиман, ўтаверинг» деган маънода бурилиш чироғини ёқсанг бўлмасмиди, сенда одоб-ахлоқ борми? Сени ким тарбия қилган ўзи!» дегингиз келади.

Яна бир жиҳатдан қараганда, бу бефаҳмлиқка тортаётгандек бўлади. Бунинг негизида лоқайдлик, эътиборсизлик, бурнининг учидан нарисини кўрмаслик (*фақат рулда эмас, умуман, одамларнинг назаридан, ҳаракатидан уларнинг ниятини илғаб ололмаслик*) каби иллатлар бор. Йўлдан ўтаётган пиёдани, унинг айнан шу машина ўтиб кетишини кутиб турганини пайқамаслик бир-бирини умуман танимайдиган икки инсон ўртасида бир-бирига етиб бормайдиган сассиз, жавобсиз диалог пайдо қилаяпти. «Бефаросат!».

Кўриб турганимиздек, фаросатсизлик одобда, ақлда, фаҳмда, иймонда, тарбияда, мантиқда ноқисликнинг оқибати экан.

Бунинг иймонга нима алоқаси бор деганга, эътиборингизни мана бу ҳадисга қаратамиз.

*Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

*«Эй Аллоҳнинг расули, исломдаги қайси (амал) афзал?» дейишди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам “Қўли ва тилидан мусулмонлар омонда бўлган киши(нинг амали)” дедилар»\*.*

Ҳайдовчининг хаёлидан нима гап ўтганидан қатъи назар, қўли яхши иш қилмади ахир. У қўл ёнчироқни ёқиб қўйишга узатилмади, оқибатда ўзгага озор етди. Жисмоний эмас, албатта. Пиёданинг дили хира бўлди.

\* Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий, 1-жуз. – Тошкент: Nilol-nashr, 2013. -132-б.

Пулни яширмасдан  
қўлида олиб  
юришининг ўзи –  
кўрмаганлик аломати.



“

Худди шу одам  
бошлигининг олдида  
аравачидан баттар  
таҳқирланса ҳам  
кулиб турса керак.

Мантиққа ҳам алоқадорлик жойи бор. «Анови пиёда тўхтаб турипти, ҳойнаҳой, мени ўтказиб юбормоқчи, бурилишимни билмайди» деган мантиқ бўлганда эди, ёнчироқ ёқиларди ва йўлнинг ярмида турган одам тўхтаб турмасди.

Бу майда гапдек туюлиши мумкин. Руслар «дьявол кроется в деталях» деб бежиз айтмайди. Эрталаб уйдан хуш кайфият билан чиққан киши дастлаб йўлда бир майда «детал»га учрайди, кейин яна нималаргадир дуч келади. Эҳтимолдан холи эмас-да. Мана, дейлик, йўлдан ўтиб олдингиз, жамоат транспортига чиқаяпсиз. Тушмаса ҳам эшикнинг олдини тўсиб турган йигирма яшар барзангига қараб, «четроқ турсанг бўлмайдим!» дегингиз келади. «Бу бефаросат билан ўчакишиб, шунинг даражасига тушаманми?» дейсиз-да, бир амаллаб ичкарироққа тисариласиз. Шунда кимдир оёғингизни босади. Узр ўрнига «Нимага оёқ остида ўралашсан?» дегандай ўқрайди. Яна индамайсиз. Нарироқ ўтасиз. Телефонининг овозини баландлатиб, ўзи кулгили ҳисоблайдиган лавҳаларни кўраётган талаба ўтирган бўлади. Унинг наздида бу шанғиллаган овозлар, бу бемаза клиплар ўзига ёқса, демак, бошқаларга ҳам ёқаяпти, шу боис у кишим буни бутун салонга «илинаяпти». Ҳолбуки, ёнидаги қарияга жой бериш ҳаёлига ҳам келмайди. Хуллас, ўз бекатингизга етиб келасиз, тушаётиб бояги, ҳалиям ғўддайиб турган барзангини бир туртгингиз келади-ю, жим ўтиб кетасиз. Ишхонага кириш учун яна йўлдан ўтиш керак. Чапга қарайсиз, бир машина келаяпти, сизни кўриб секинлашади. Ўтказиб юбормоқчи шекилли. Йўқ! Олдингизда тўхтаб, яъни, йўлингизни тўсиб, «такси керакмасми?» дейди.

Келинг, яна кундалик ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар билан давом этайлик. Сиз ишхонага дилингиз хира бўлиб келдингиз. Ҳолбуки, иш куни энди бошланапти. Айрим ишхоналарда бўлганидек,

сизнинг ҳамкасбларингиз орасида ҳам ўз эгаллаб турган жойига номуносиб ходимлар бор деб фараз қилайлик (*аслида фараз ортиқча бўлса ҳам*). Айтайлик, бир шифокор бошқа бир касбдошининг беморга бош оғриғини қолдирадиган дори ўрнига юракка малҳам ёзаётганини кўрса, тутақиб кетиши турган гап. Шунақа валакисаланг ҳамхонангиз «бир кўриб берасизми?» деб чала-чулпа ишни келтириб беради. Уни деярли бошқатдан қилиш керак. Сабр билан ёрдамлашасиз. У раҳмат ўрнига «ҳа-я, мана бу ери шунақа бўлиши керак деб ўйлагандим ўзи, мана буни ҳам тўғри қилгансиз, ўзим аслида шуни мўлжал қилиб тургандим» қабилидаги хаспўши гаплар билан нари кетади.

Яна «ҳамма жойда шундай» демайлик-да, сизнинг ишхонангизда номуносиб раҳбар ўтирипти деб фараз қилайлик. Олдига ишингизни олиб кирасиз. «Жиддийроқ қараш керак!», «Масъулият билан ёндашинг!», «Ким бунақа қилиб ишлайди, мана буни сал бойитинг!», «Фалончиевдан (*бояги валакисалангни назарда тутуди*) ўрناق олмайсизми!» деган гапларни эшитасиз. Ишингиздан кўнглингиз тўқ, шунчаки, у раҳбар бўлгани учун койиши керак. Дипломини олиб берган, ишга жойлаб қўйган отаси шундай ўргатган. Сиз, масалан, математика соҳасида ишлайсиз. Унга айтасиз: «Сирожиддинов шундай қилган-ку». Бошлиқ пинагини ҳам бузмайди. Академик Сирожиддиновни у қаердан ҳам билсин, аллақачон орамизда эмаслигидан қандай бохабар бўлсин. Ўз наздида сизни гўё чақиб олади: «Ўша Сираждидинов шунақа ақлли бўлса, менинг ўрнимга келиб ўтира қолмапти-да!».

Яхши кетаяпмизми?!

Эгоизм, масъулиятсизлик, бепарволик, лоқайдлик, фирромлик, беҳаёлик, бепишандлик ва яна қанчадан-қанча иллатлар фаросатга, аниқроғи, унинг йўқлигига бориб тақалаяпти.

Мана, маош олган куни ишхонадан чиқиб, бозорга кирдингиз. Қўлига бир да-

ста пул қистириб олган қўпол бир одам чорасизликдан арава сураётган болага қандай муносабат қилаётганига кўзингиз тушади. Пулни яширмасдан қўлида олиб юришининг ўзи – кўрмаганлик аломати. Ўзидан қуйи табақа деб ҳисоблагани учун аравачи болани одам ўрнида кўрмайди. Тасаввур қиласиз, худди шу одам бошлиғининг олдида аравачидан баттар таҳқирланса ҳам кулиб турса керак. «Қани эди, ўша пайти мана бу бола ёнингда бўлиб қолса-ю изза бўлаётганингни мириқиб томоша қилса!» деган ўй ўтади хаёлингиздан.

Тан олиш керак, пул кўп нарсани ҳал қилади. Лекин унга муккасидан кетиб меҳр қўйишни ҳеч бир таълимот оқламаган. Масалан, айтганларидайким, инсон пулга чиройли кийим сотиб олиши мумкин, лекин ҳаловат ва саодатга пул билан эриша олмайди. Таом сотиб олиши мумкин, лекин иштаҳани эмас. Ўта шинам ётоқ сотиб олиши мумкин, лекин баҳузур уйқуни эмас. Кучли-кучли дориларни сотиб олиши мумкин, лекин саломатликни эмас. Хизматкор ёллаши мумкин, дўст сотиб ололмайди. Пул тўлаб кўнгилхушлик қилиши мумкин, лекин ҳақиқий қувончни сотиб ололмайди. Кучли ўқитувчи ёллаши мумкин, лекин ақл-заковат ва етук онгни сотиб ололмайди.



**Бир шинаванда ҳамкасбимиз фаросат-сизлик ҳолатларига дуч келганда «Ал-фаросату лил муттақийн!» деб қўяди. Охири бир куни бунинг маъносини сўрашга тўғри келди. «Фаросат тақво эгалариникидир» экан. «Бу оятми ё ҳадис?» саволига бундай жавоб бўлди: «Бу оят ҳам, ҳадис ҳам эмас, бу – аканг қарағай!». Ўзини шундай чалгитар экан-да.**

**М**асжидни ҳам эслатиб ўтиш керакдир-а? Жума кунлари нима учун масжидлар олди-га яқинлашиб бўлмайди. Чунки илгари бир машинага тўрт-беш киши минарди. Ҳозир машиналар торайиб кетди – эгасидан бошқасини сиғдира олмайди, бунинг устига масжид уйидан бир километр нарида бўлса ҳам пиёда боргилари келмайди, савлат тўкиб, машинада боришлари керак. Тағин машинасини нарироққа қўйишни ўзи учун ҳақорат ё паст кетиш деб билади, шунинг учун масжид деворига тақаб қўйишга ҳаракат қилади. Бу ердан ногиронлар араваси, болалар аравачаси, умуман, одамлар ўтиши мумкинлигини ўйлаб кўриш учун эса... Баракалла! Фаросат керак. Лекин у кишим намозга келаяпти-да. Ҳамма унинг кўнглига қараши керак. Унинг бошқаларни овора қилиши гуноҳ бўлса, бу гуноҳ жума намозидан оладиган савобининг олдида ҳеч нарса эмас.

Масжид ҳақида гап очилган экан, янги пайдо бўлган бир қусурга салгина тўхталиб ўтиш керак (*бу сийқаси чиққан гап эмас*). Шукрки, ҳозир ҳаётимиз фаровон, шароитимиз йил сайин яхшиланиб бораёпти. Жумладан, илгари фантастик воқеа сифа-

Ҳозир машиналар торайиб кетди – эгасидан бошқасини сиғдира олмайди, бунинг устига масжид уйидан бир километр нарида бўлса ҳам пиёда боргилари келмайди, савлат тўкиб, машинада боришлари керак.



тида кўрилган умра сафари анча енгиллашди. Жўн айтганда, чўнтаги кўтарганлар бемалол бориб келишаяпти. Бу – жуда яхши. Лекин танганинг орқа томони бор: айримлар хорижнинг фойдали эмас, хунук одатларини ўзлаштиришга, бу билан ўзини ўта замонавий инсон, ўта илғор тафаккур соҳиби қилиб кўрсатишга қизиқади. Хуллас, масжидларимизда ухлаш расм бўлаяпти. Бу нарса йўлда имконсиз қолган ғариб мусофирга мумкин дир, лекин масжид атрофида уйи бўла туриб бундай қилиш ғалати. Барака топкур, араблар шундай қилса, сен тақлид қилишинг шартми?! Масжид «сажда» сўздан олинган, у – ўз номи билан ибодат маскани. Овқатланиш маскани ҳисобланадиган ресторанда узала тушиб ухламайсан-ку ёки тўшагингда идиш-товоқ, чойнак-пиёлани чангитиб таом емайсан-ку! Ҳар бир масканнинг ўз функцияси бор. Нима учун энди ибодатхонада ухлашинг керак? Илғор фикрли эканингни том маънодаги илғорлик билан – илм-фанда, юқори технологияларда, ислохотларда, таълим ё тиббиётда пешқадамлик, новаторлик, ташаббускорлик билан намоён қил, ҳамма «отанга раҳмат» дейди.

Фаросатсизлик нималарга олиб боришини оддий мисолларда кўрдик. Лекин бефаросатликка нима олиб келади? Шунисини ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳа, аввало тарбиядаги нуқсон. Мана бу латифанамо гапга эътибор қаратайлик.

Ота ўғлига соат олиб берди. Кейин тушунтирди:

– Ўғлим, бу – соат. Мана, масалан, қара, буниси олтида, буниси ўн иккида турган бўлса, демак, соат олти бўлган бўлади.

Эртасига бўлаётган диалог:

– Соат неччи бўлди, ўғлим?

– Ҳозирча билмайман, ота.

Негаки, ота ўғилга фақат қачон олти бўлишини кўрсатди. Вақтни аниқлашни ўргатмади. У «одамга балиқ бер – бир марта қорни тўяди, балиқ овлашни ўргат – доим тўқ бўлади» деган гапнинг

мағзини чақмаган. Бу латифанамо гап «нодон» ўғилнинг устидан кулиш учун айтилмаган, балки отанинг фаросатсизлиги болани қандай ноқулай аҳволга солиши мумкинлигини кўрсатиш учун баён қилинган. Қолаверса, бола ҳам отага мос.

Оқни оқ, қорани қора дейиш билан иш битмайди. Бола табиатан ҳамма нарсага қизиқади, шунинг учун айниқса гўдак ёшидагилар жуда кўп савол беради. Лекин биз «келиб чиқиши» худди ўша болалик бўлган катталар иштиёқ уйғотиш, қизиқтириш билан ёқимсиз буйруқ, бездирадиган топшириқ ўртасидаги тафовутни кўрмай қоламиз. Тўғридан-тўғри буйруқ ё тақиқ кишини бездиради, баъзан бунинг аксини қилиш майлини кучайтиради. Аслида «бундай қил» ё «ундай қилма» ўрнига «бундай қилсанг, фалон яхши нарсага эришасан» ё «ундай қилмасанг, фалон балодан қутуласан» деганда, амр ҳам, тақиқ ҳам онгга маҳкамроқ ўрнашади.

**Бу борада Ойбек домланинг хотираларида маҳалланинг чироғи ҳақида ёзилган гап яхши ўғит бўлади. Болалар чироқни синдираверади, «бундай қилманглар» деган гапни тушунмайди. Кунлардан бир кун ёши улуг бир одам қоронғу тушганда чироқ остига йиғилган болаларнинг олдига келади-да, «Фалон бобо қиш чилласи тунда уйига қайтаётиб, эшагининг оёғи тойиб, мана бу ариққа тушиб кетиб ўлган эди. Чироқ бутун турганида шу фожеа юз бермаган бўларди» дейди. Ўшандан кейин маҳалланинг чироғи сира ҳам синдирилмаган экан. Тўғридан-тўғри «қилма» буйруғи билан «қилмасанг, бошингга (бошимизга) фалон ташвиш тушмайди» деган «яширин» тавсия кўринишидаги амрнинг фарқи мана шунда билинади.**



## Ота ўғилга фақат қачон олти бўлишни кўрсатди. Вақтни аниқлашни ўргатмади.

Лекин фаросат фақат тарбия билан шаклланиб қолмас экан. Йўл ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, асосан катта кўчаларни тилга олдик. Қарангки, кичикларнинг ҳам аҳамияти кам эмас экан. Бу ўринда мавзуга алоқадор икки ҳадисни келтирмоқчимиз.

*Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

*«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам “Бир киши кўчада кетаётиб, йўл устида тиканли шохни кўриб қолиб четга олиб қўйди. Бунинг учун Аллоҳ ундан рози бўлиб, гуноҳларини кечирди” дедилар»\*.*

\* Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий, 1-жуз. – Тошкент: Nilol-nashr, 2013. – 518-б.

Йўл одоби тўғрисидаги бу ҳадисда фаросатга тааллуқли жиҳат ҳам бор. У саховатли одам кимнингдир тарбияси туфайли ё маслаҳати билан шохни олиб ташламади, балки фаросатининг амрига қулоқ тутди. «Менга ноқулайлик туғдириб, озор бераяптими, менга ёқмаяптими, демак, бошқага ҳам ёқмайди, кел, шуни четга олиб ташлай қолай». Ана фаросат!

Иккинчи ҳадис ҳам йўл одоби ҳақида, унинг ҳам бир чеккаси фаросатга тааллуқли.

*Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

*«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам “Йўлларда ўтиришдан сақланинг” дедилар. “Эй Аллоҳнинг расули, бошқа иложимиз йўқ, чунки шу ерда гаплашиб ўтираемиз” дейишди. У зот “(Йўл четида) ўтиришдан бошқасига кўнмайдиган бўлсангиз, у ҳолда йўлнинг ҳаққини беринг” дедилар. “Йўлнинг ҳаққи нима, эй Аллоҳнинг расули?” дейишди. У зот “Кўзни тийиш, азият бермаслик, саломга алик олиш, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш” дедилар»\*\*.*

Ҳозир торроқ кўчаларда қуйидаги манзаралардан бирига ё барчасига кўп дуч келамиз: битта енгил автомобил зўрға сиғадиган йўлда машина ювиш; машинани чеккасидан одам ё арава ўтиши мумкин бўлган жойга қўйиб, ўша очиқ қолган жойда давра қуриб, суҳбатлашиш; худди шундай жойда машина эшикларини очиб қўйиб, бошқаларнинг ўтиб-қайтишига халал бериш, баланд овозда мусиқа тинглаш ва ҳоказо.

Умуман, ҳайдовчилик маданияти баъзан шу даражада тубанлашиб кетган бўладики, ҳатто дафн маросимида ҳам кимўзарликка кўзимиз тушади. Тобут ортилган машинадан олдиндаги чорраҳаларга бориб олиб, чап ва ўнгдан келадиган йўлларни тўсишдан (аслида жанозани кўрган бошқа ҳайдовчилар ва инспекторлар шусиз ҳам йўл очиб беради) маййитга ҳеч қандай наф йўқ.

\*\* Олтин силсила. Саҳиҳул Бухорий, 7-жуз. – Тошкент: Nilol-nashr, 2018. – 543-б.

**У дунёдан ўтиб бўлди, энди унинг сал тезроқ дафн этилишдан муҳимроқ ташвишлари бор. Буни англаш учун фаросат керак.**

**Т**ўй-маъракаларимиз тўғрисида сўз юритганда, хунук манзаралар янада кўпаяди. Бизда ёши улуғлар ҳурмати учун ўриндан туриш, уларга тўрдан жой бериш, шуларнинг маънавий изни бўлмиш «қани-қани» билан таомга қўл узатиш, турганда аввал уларга йўл бериш – жуда қадимдан келаётган одатлар. Лекин бугун шеригига ҳаққини бериб қўймаслик учун ҳеч кимга қарамасдан, қошиқ билан лалини тарақтуруқ қилиб, қирқ йиллик қаҳатдан кейин энди палов кўраётгандек таомланиш ҳолатларига дуч келаяпмиз. Гўё бу ўт ўчирувчи-ю, у ёқда бир нима ёниб кетаётгандек. Ўта зарур ишли одам фотиҳани кутмасдан туриб кетиши ҳам шу мисол сирасида. Энди ёши улуғларга, аёлларга йўл беришни гапирмаса ҳам бўлади. Ўзини йўлнинг хоқони санаб, четлашсангиз, ўша томонга ўтиб олиб, тикка устингизга бостириб келадиганлар йўқ эмас. Тўғри, буларни одобсизлик дейиш ҳам мумкин. Лекин кўпчилик бунақа «хоқонлар»ни барибир бефаросат дейди.

Миллионлар ўйини бўлган футболга тегишли бир гап. Нима учундир айрим ҳамюртларимиз узоқ-узоқ ўлкалардаги футбол жамоаларига кўнгил қўйиб, куйиб-пишиб ишқибозлик қилади. Ўша ўйнаган куни уйқудан қолишга ҳам рози. Ҳисобни эртасига янгиликлар дастуридан билиб олса бўлади, кошки бунга кўнса. Тўқсон дақиқалик бутун жараённи жонли кўрмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ўзи, айтайлик, Манчестер қаердаги шаҳар эканини билмайди, лекин астойдил ишқибозлик қилади. Ёнида қарши жамоанинг

ишқибози турган бўлса, муштлашишдан ҳам тоймайди. Албатта, қайсидир хорижий жамоага қизиқиш, ишқибозлик қилиш – хобби. Бунинг ёмон жойи йўқ. Лекин буни телбалик даражасига чиқариш бефаросатликдир. Ўша Манчестердаги одамлар бу ишқибознинг бор-йўқлигиниям, ҳаяжонининг табақасиниям, мағлубият пайти ичидан зил кетиб, сиқилиб юриши-ю ғалаба онларида боши кўкка етишиниям билмайди. Аслида «мен нима жин уриб бу беш-бегона жамоа учун бунчалар куйиб-пишим керак, биронта манчестерлик одам бизнинг “Насаф” ё “Навбаҳор”га ишқибозлик қиптимики?» деган оддий савол ҳаммасига чек қўйиши мумкин. Лекин бунинг учун ҳам фаросат керак.

**Айтайлик, Манчестер қаердаги шаҳар эканини билмайди, лекин астойдил ишқибозлик қилади. Ёнида қарши жамоанинг ишқибози турган бўлса, муштлашишдан ҳам тоймайди.**



## Сийқаси чиқмаган яна бир гап.

**Б**аъзан нонушта, тушлик ё кечки таом пайти оила аъзоларига қўшилиб, *(сабр билан)* миллий киномиз ижодкорларининг «доҳиёна асар»ларини томоша қилишга тўғри келади. Шулардан бирида ўлим тўшагида ётган севгилисининг олдидан кўнгли қаттиқ бузилиб чиққан йигит ёмғир уриб турган осмонга қараб «Эй худо, Фалонча яшаши керак! У яшаши керак!» деб, ўз наздида тўғридан-тўғри Парвардигори оламга дағдаға қилиб қолса бўладими?!

Бошқа бир «ноёб намуна»да анчадан буён тирноққа зор бўлиб юрган келинчак баногоҳ шифокордан ўзининг ҳомиладорлиги ҳақидаги тиббий хулосани эшитгач, шукрона келтириш ўрнига, гўё бир танишига айтаётгандай: «Эй худо! Раҳмат, раҳмат!» деб қолди денг.

Фаросатсизликнинг ажиб юксалиш даврига етиб келдик шекилли. Биз банд буйруқ оҳангида гапирмайди, балки илтижо билан дуо қилади, шукр айтади ва раҳматдан умидвор бўлади деб билардик. Экранда эса бир банда Раббига дағдаға қилса, бошқаси унга «раҳмати»ни ёғдираяпти. Дағдаға ва раҳматнинг объекти ва субъекти тўғрисидаги хулосани, мазкур икки эпизоддаги гапларнинг баҳосини дин пешволари берсин. Биз кимларнидир ширк, куфр ё шакколикда эмас, шунчаки бефаросатликда айблаб қўя қоламиз ва шу билан чекланамиз. Ҳарҳолда, егулик йўқ пайти туғилган иштаҳадан таом бор вақтдаги иштаҳасизлик яхшироқ. Фаросатсизлик туфайли пайдо бўлган маънавий изтиробни индамай ичга ютамиз, таомни ҳам.

...Эътибор берсангиз, фаросатнинг энг яқин қофиядоши аросат экан...

Хуллас, айтаверса, гап кўп. Шу вайдан бир ожиз қаламкаш сифатида бефаросат-

лик туфайли она тилимиз қандай азият чекаётгани ҳақида яна озгина сўз юритиб, кейин мулоҳазага нуқта қўйсак. «Моҳир» таржимонларимиз тўғридан-тўғри ўғририши оқибатида чет эл сериалларида қаҳрамонлар «ҳозирча» *(русча “пока”нинг тўғридан-тўғри таржимаси)* деб хайрлашишига кўникиб ҳам қолдик. Бунга «тонг орттирса», «бўйин тобласа» деган янги «кашфиётлар» қўшилапти. Ақли соғлом одам – атайлаб ҳаракат қилганда ҳам – бунақа хатоларга юз йилдаям қўл урмаса керак. Тонгнинг нимасини орттириш мумкин экан, бўйинни нима билан тоблаш мумкин экан, ажабо! Буларни «техник хато» дерсиз. Мумкин. Унда хушмуомалалик белгисига айланган «яхши ишланг!» тилагига нима дейсиз?! Бу оғзаки нутқда кенг тарқалиб улгурган ибора. Унда техник хато йўқ, саводсизлик ҳам йўқ. Яхшики, бу гап шинам офисларда, «костюм-шимлик» масканлар ҳисобланувчи «маданиятли» жойларда айтилади. Ўша оқ ёқалилар лой қораётган одамга «яхши фишт куйинг» деб кўрсин-чи!

Бинобарин, фаросат жуда кенг тунунча бўлиб, бефаросатлик кўп иллатларнинг белгиси экан. Айни пайтда кўплаб иллатлар бефаросатликнинг омили бўлиб ҳам чиқаяпти. Шунинг учун ҳамюртларимизни фарзандлар тарбиясига имкон қадар кўп эътибор беришга, доимо илм-фан, тафаккур, зиё сари интилишга, барча олий фазилатларни эгаллашга, яхши қобилиятларни орттиришга *(оттиришга эмас-а!)* даъват этиб қоламиз. Зеро, жамиятда, теварагимизда бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса бизнинг фаолиятимиз ё фаолиятсизлигимиз *(лоқайдлигимиз)* ҳосиласидир.

Фаросатсизлик  
бизни аросатга  
йўллаб қўймасин!

...Иқлимнинг ўзгаришиданми, ўша кезларда негадир қиш жуда қаттиқ келарди. Қор шу қадар кўп ёғардики, томдан кураб туширилган қорлар ҳовли ва тор кўчаларимизни тўлдириб юборарди, томни кураб, қор уюмлари устига бемалол сақраб тушаверардик.

Шундай чирсиллаган қиш кезларида дадам иссиқ сандалда ўтириб, «Ўткан кунлар»ни ёзарди...

**Ҳабибулла Қодирийнинг  
«Отам ҳақида» асаридан**

# МАНГУЛИККА ЎТГАН КУНЛАР

**XX** аср тонгида, дунё жаҳон урушига ҳозирланаётган, замин қитъалари хомта-лаш бўлаётган бир қалтис паллада муаз-зам Тошкентнинг Эшонгузар маҳалласида Қодир бобо ва Жосият биби хонадони-да ўн тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган Абдулла Қодирий ёш йигитлик палласидаёқ машҳур адиб бўлиб танилди.

Ёзувчи жаҳон адабий тафаккури янги-ланаётган бир пайтда сўз майдонига кириб келди ва ўз сўзини, ўзбекнинг сўзини айта олди: дунёда олтинчи романчилик макта-бига асос солди. Унинг «Ўткан кунлар» ро-мани эълон қилиниб, ўқувчилар орасида машҳур бўлган пайтда, ёзувчи ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаган навқирон йигит эди. Мислсиз туғма истеъдоди билан бирга Оллоҳ ато қилган вазмин табиа-ти ва энг муҳим фазилати – юрт ва миллатга катта муҳаббати уни ўзбекнинг биринчи романнави-си даражасига кўтарди. Адиб ўзини аввало шу элнинг бир фарзанди, оиланинг кўмакчиси, шермард бир ўғлон деб билади. У ҳаёт дуч қилажак ҳар қандай юмушдан бош бурмайди: дурадгорлик, гишт териш, сувоқчилик, савдогарга ко-тиблик, боғбонлик каби касбларнинг ҳам моҳир устаси бўлиб улғаяди. Шу сабабли ҳам меҳмон оёғи узилмайдиган, серфайз хонадони доим тўқ ва фаровон эди.

Романнинг туғилишига бевосита гувоҳ бўлган адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий шундай эслади: «Беш-олти ёш пайтла-рим. Қиш, рўза эди. Отам эса эрта-ю кеч сандалга қадалиб “Ўткан кунлар”ни ёзар-ди. Кечқурун нишолда сотувчи амаки кўча бошига келди. Мен эса жуда нишолда егим келгани учун ойимга “Пул беринг, нишолда опкелай” дедим. Ойим “Пул йўқ” деди. “Пул-сиз ҳам берар” деган хаёл билан пиёлани кўтариб, нишолдачининг олдига бордим. “Пули қани?” деди амаки. “Йўқ” дедим. Ама-

ки пиёламни қуруқ қайтариб берди. Кўп-чиликнинг олдида изза бўлиб, йиғлаб уйга қайтдим ва ойимни койиб бердим. “Ни-шолда бермади. Адам ҳам нишолда сотса бўлмайдимми, ҳадеб ёзаверадими?” дедим алам билан».


Бу парчада адибнинг ҳаёти ва ижоди нақадар бақамти, уйғун эканини кўриш мумкин.

Қодирий ҳали ҳеч қандай тажриба ва намунага эга бўлмаган миллий адабиёт заминида роман яратди. У бу ишни ба-жаришда воқеалар ўйлаб топиш, прото-типларни кашф этиш, ҳаёт ҳақиқатидан бадиий ҳақиқатга айлантиришда жуда нозиклик, муайян шахслар ва халқнинг нафсониятига эҳтиётлик билан ёндашиш, бир сўз билан айтганда, худо розилигини биринчи ўринга қўйиб иш кўргани шубҳасиз. Абдулла Қодирий ўз асарини вужудидаги ўзбекнинг қони билан, руҳидаги ўзбекона соф миллий туйғубилан яратди. Шу боис асар аввало халқимизга, сўнг ана шу миллий қудрати сабаб ўзга халқларга ҳам ман-

зур бўлди. «Ўткан кунлар»ни ўқиган ҳар қайси миллат вакили асар марказида энг аввал инсон қалбини, тақдирини кўрди.

Қодирий «Ўткан кунлар»даги ҳаётни ўзбек бўлиб яшаб ўтди, ўзбек бўлиб ёзди, қаҳрамонлари ҳам қон-тани билан, бутун ҳаёти билан ўзбек бўлиб дунёга келди.

Асар ўз давридан буён ўнлаб тилларга таржима қилинган бўлса, тобора қиммати ошиб бораётир. Қодирийнинг бу рома-нидан кейин қанчадан-қанча романлар чиқмади, юзлаб номлар майдонга келди. Бироқ тўнғич романимиз ҳануз дунёвий даражасини, умумбашарий қудратини биринчиликда тутиб келаяпти. Дунё ада-биётида ҳар қандай роман билан беллаша оладиган бу асар халқнинг руҳини омма-вий тарзда уйғота олгани билан қадрлидир.



\* \* \*

**А**тоқли рус олими Евгений Бертелс шундай дейди: «Эрон, турк, араб ёзувчиларининг ҳам кўпгина романлари бор. Лекин уларники услуб жиҳатдан инглиз, француз, немис романчилик мактабларидан унчалик фарқ қилмайди. Уларда тақлидчилик бор. Абдулла Қодирий ҳам кўпгина романчилик мактабларидан истифодаланган, уларни чуқур ўрганган бўлиши мумкин. Аммо унда тақлид кўринмайди. Қодирий романлари бутун таркиби билан ўзига хос услубда ёзилган ўзбек романларидир. Абдулла Қодирий – улуғ романчи!».

Романнинг халқчиллиги, ширадор тили, очилмаган кўриқдек дунё учун сирли туюлган Марказий Осиё халқларининг кейинги асрлардаги ҳаётининг ҳаққоний тасвири ёзувчини қисқа муддатда машҳур қилиб юборди. Асар 1920–1930-йилларда ниҳоятда қолақлашиб қолган жамият кишиларини ҳам бефарқ қолдирмади: дастлаб журналда сонма-сон босилган романнинг давомини ўқувчилар интиқ бўлиб кутарди. Ваҳоланки, ҳамма бирдек саводли эмас эди. Чойхоналарда, гузарларда, турли маросим йиғинларида саводи бор киши ҳурмат-иззат билан давра тўрига ўтказилар ва у киши «Ўткан кунлар»ни ўқир эди. Қолганлар эса тингловчи бўларди.

Роман 1970-йилларгача рус, украин, литва, татар, озарбойжон, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, туркман, уйғур, немис тилларига ўгирилган. Роман немисчада «Тошкентлик ошиқ-маъшуқлар» номи билан чоп қилинган.

Муаллифга собиқ шўро мамлакатларининг турли шаҳарларидан минглаб хатлар келган. Шундай хатларнинг биридан олинган ушбу парчани ўқиб кўрсак.

«Мана, кўлимда «Ўткан кунлар»нинг сўнгги саҳифалари... Уни икки кун ўқидим. Тасвирланмиш воқеаларнинг иштирокчисига айландим.



Абдулла Қодирий! Биласизми, китобингизнинг сеvimли қаҳрамонлари билан жудолашиш мен учун нақадар оғир! Воқеа ўтмишдир, шундай эса-да у менинг юрагимда сира-сира унутилмас таассурот қолдирди ва ишонтириб айтаманки, бу таассурот ҳамма китобхонларда ҳам бирдайдир...» дея бошланган каттагина мактуб 1961 йилнинг 20 августида Украинанинг Львов шаҳри Славацкий кўчаси 6/б-уйда яшовчи Людмила Непомняшая исмли аёлдан Қодирийнинг уйига келган. Людмила ҳам Қодирийнинг кўплаб мухлислари каби унинг қатл этилиб кетганидан беҳабар бўлган.

«Ўткан кунлар» халқ ичида шу қадар тез ёйилиб, сингиб кетадики, ёзувчи ҳаётлигидаёқ рўй берган ушбу воқеалар фикримизга исботдир:

Чорсу бозорида Қодирий ўғли билан китоб сотувчисидан араб алифбосидаги «Ўткан кунлар»ни сотиб олади. Саҳҳоф китобни йигирма сўм дейди, Қодирий эса ўн сўмга беринг дейди. Саҳҳоф чол кўнмайди.

– Йўқ, бўлмайди, ука, – дейди чол ёқтирмагандай, китобни олиб жойига кўяркан. – Биласизми, бу китобни «Ўткан кунлар» дейдилар. Отабек, Кумушбиблиларни эшитганмисиз? Ўқисангиз йигирма эмас, қирқ сўм ҳам берасиз. Ками йўқ. Пулингиз ёнингизда кетади...

Чол Қодирийнинг ўзини танимайди ҳам.





\*\*\*

**Т**ошкентлик Мансур Афзалов ҳикоя қилади:

– 1936 йилда мен уй қурмоқчи бўлиб, қўқонлик бир кекса устани ишга таклиф қилдим. Уста менга деди: «Юмушингизга бораман, мулла, аммо бир шарт билан: менга Отабек деган китобни ўқиб берсангиз...». Мен рози бўлдим. Уста қизиқ табиатли киши эди. Яхши кўрган кишисини «Келинг, Отабек» деб чақирарди.



*Воқеа ўтмишдир, шундай эса-да у менинг юрагимда сира-сира унутилмас таассурот қолдирди ва ишонтириб айтаманки, бу таассурот ҳамма китобхонларда ҳам бирдайдир...*

\*\*\*

**Б**ир кечқурун Қодирийни излаб маҳсидўз косиб йигит унинг уйига келади. Ва Қодирийга маҳси совға қилиб кетади. Ёзувчи косибдан бу илтифот сабабини сўраганида у «Кеча тўкма(чойхона)да сизнинг романингизни ўқиб мириқдик. Шунинг раҳматига кўпайлашиб шу маҳсини опкелдик» дейди.



\*\*\*

**А**бдулла Қодирий матбуотда жуда фаол қатнашган, айниқса, фелетон жанрида баракали ижод қилган. Уч юздан ортиқ фелетон ва мақоласи мавжуд! Шу боис «Фелетонлар қироли» деган лақаб ҳам олган. Аммо унинг публицистикадаги тили романларида сира сезилмайдик, буни атоқли қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов шундай баҳолаган:

«Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 1920-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғи вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан киши... Гарчи Жулқунбой 1920-йиллар бошида матбуотда газетчи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам, унинг романларида газетчилик, журналчилик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили равон, ширали, мусиқий, менимча ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли. Масалан, биз қозоқлар ҳам Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол тушунаверамиз».



\*\*\*

**Т**аниқли тожик ёзувчиси Жалол Икромий шундай эслайди:

«Мен 1930-йиллар бошида Тошкентдаги тожик билим юртида ўқир, бир қозоқ курсдошим билан бир ётоқда турардим. Шунда илк бор «Ўткан кунлар»ни ўқидим. Уни кеча-кундуз берилиб ўқирканман, қозоқ дўстим «Бу китобни мунча берилиб ўқийверасан?» деб бир неча бор ажабланиб сўради. «Тўхта, сен ҳам ўқийсан» деб китобдан бош кўтармадим. Ниҳоят романни тугатиб дўстимга ўқишга тавсия қилдим. У аввалига китобни тилар-тиламас ўқий бошлади, сўнг менга ўхшаб берилиб кетди. Бир кун ётоқда дарс қилиб ўтирардим, дўстим эса «Ўткан кунлар»нинг охириги саҳифаларини ўқирди. Бирдан у сакраб ўрнидан турди ва бориб печканинг оғзини очиб китобни ловуллаб ёнаётган ўтга ташлади. Мен ҳайратланиб «Ҳай, сенга нима бўлди?» дедим. У эса менга қарамай туриб, «Кумуш ўлди!» деди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Чала куйган китобни печкадан олиб аранг ўчирдим».

““

*Биз қозоқлар ҳам Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол тушунаверамиз.*




\*\*\*

Улуғ адиб Ойбек Қодирий ҳақида ушбу сўзларни келтиради:

«Абдулла Қодирий мен техникумда ўқийдиган пайтлардаёқ (1925-йиллар) машҳур ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романнинг автори эди.

Унинг прозаси биринчи навбатда ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан у халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг қўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди. У ақлий меҳнат кишиларига ҳар маҳал ҳам насиб бўлавермайдиган даражада жисмоний меҳнатга ўч киши эди».



*Бир кун ётоқда дарс қилиб ўтирардим, дўстим эса “Ўткан кунлар”нинг охириги саҳифаларини ўқирди. Бирдан у сакраб ўрнидан турди ва бориб печканинг оғзини очиб китобни ловуллаб ёнаётган ўтга ташлади.*



Ойбекнинг бу эътирофи ўзбек адабиёти тарихида катта бурилиш ясаган «Ўткан кунлар»нинг аҳамияти билан бир пайтда кейинги авлоднинг забардаст вакиллари – Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Авезов, Жалол Икромий, Чингиз Айтматов, Миркарим Осим каби етук адибларнинг майдонга келишига, яъни, адабиётимиз ва қардош халқлар адабиётида янги бир даврни бошлаб берганига ишора ҳамдир.

Мисрлик машҳур адиб Жўржи Зайдонни ўзига устоз санаган Қодирий ўз романи ҳақида шундай дейди: «Улуғ октябр инқилобигача бизнинг халқ турмушдан йироқ афсоналарнигина ўқиб кифояла-

нар эди. Шу афсоналар ўрнини босарли бирон каттароқ реалистик асар яратишга ният қилган эдим. “Ўткан кунлар” романим ўзбек оиласига чуқур сингиб кирди, китобхонларни анави афсоналарни ўқишдан халос этаёзди».

Қодирий бу сўзлари билан улкан вазифага бел боғлаётганини теран англаганини тушуниш мумкин. Ва бу бурчни зўр иштиёқ ва маҳорат билан адо этолди.

Марказий Осиё, собиқ шўро мамлакатлари халқларининг барчасига бирдек манзур бўлган, барҳаёт боғ каби яшнаб турган «Ўткан кунлар» шу халқларнинг маънавий юксалишида ҳам катта рол ўйнадики, бу ҳам бўлса бир китобнинг кучқудратини англатади.

Қулман ОЧИЛ

ЖУММА

КУНИ

(Ҳикоя)

Чанг қўнган полда ётган кафтдек-кина телефон хонани бошига кўтариб чинқирар эди. У кўзини беҳол очди ва ёнидаги тумбага қараб чўзилган қўли бутилкани туртиб юборди. Ёғоч полга гурсиллаб тушган бўш идиш очиқ эшик томон думалаб кетди. Ирғиб туриб, товонларининг териси ёрилиб, тирноқлари қорайиб кетган оёқлари ерга тегиб-тегмай шишанинг изидан талпинди. Муздай бутилканинг бўғзини қуриб-қовжираган лабларига олиб бориб, қалтираган икки қўли билан даст кўтарди. Тилини бутилканинг ичига тиқиб, яламоқчи бўлди, бироқ бирор томчи пиво томса қани. Таъмиям сезилмади.

Телефон яна чинқириб юборди. У жойида “типирчилаб” ётган зормандага қараганча бир зум бақрайиб қолди. Ошхонага ўтиб, кранни очди. Муздай сув сийраксиган тишларини қамаштирди. Йўталди.

Телефон учинчи марта жиринглаганида ерга эгилди:

–Алё-ё! – деди зарда билан.

Нотаниш аёлнинг ҳорғин овози келди:

–Қудрат Исмоилов, сизмисиз?

–Ҳа, мен.

–Касалхонадан безовта қиялпмиз. Ўғлингиз Жаҳонгир бандалик қилди. Тезроқ келиб, жасадини олиб кетинг.

Тиззалари титраб, нафаси ичига тушиб кетди.

–Амаки, эшитяпсизми?

–А?... Ҳа... Кимга учрашай?

–Кимга бўларди, мурдахона мудир Козим Тўраев деган дўхтирга.

–Хўп, хўп.

–Бандалик, ака. Сабр берсин!

–Раҳмат! – деди ва бундай маҳалда бошқачароқ жавоб берилиши эсига тушиб, хаёлида қўшиб қўйди: “Оллоҳнинг иродаси”. Қалқиб кетди.

–Маили, амаки, тезлатинг...

Секин бориб каравотига чўкди. Ўпкаси бўғзига тиқилиб, ўкириб юборгиси келди, лекин йиғлай олмади. Юрак ҳовучлаб юрганича бўлди: бу дунёда энди ёлғиз ўзи қолди! Толеи бунчалар шўр бўлмаса! Қалтираган қўллари билан тумба устидаги пиёлани олди. Чети учиб, қора қурум босган пиёла эзғиланган сигарет қолдиқларига тўлиб-тошиб кетган. Ҳаммаси охиригача куйиб, қорайиб, бук-



Рассом: Эркин ОРОЛ

ланиб ётарди. Лабга илашадиган бирорта соғи йўқ. Зўрға ўрнидан туриб, яна ошхона томонга юрди ва аввал чиқит тўла елимчелакни титкилади. Сўнг яна кранга лабларини қўйди.

“Ўғлим! – деди у заиф овозда. – Жоним болам! Сен ҳам пешонамга сиғмадинг-а!..”.

У Жаҳонгирнинг паймонаси тўлмасидан бир кун аввал пешин маҳали касалхонага борган эди.

–Боя ўғлимни опкелишди, – деди Жаҳонгир. – Нуқул шивирлаб гапирди. Дадилроқ гапиравер, болам, десам, ҳеч ким уришмайдими деб жавдирайди. Сиз билан шутта қолай дейди.

–Келин опкелдими?

Жаҳонгир юзини бурди:

–Йўқ.

–Унда ким опкелди ўғлингни?

–Бошқа одамга эргашиб кепти.

У ўша “бошқа одам”нинг отини тутишни истамади чоғи, ёнида ўтирган отасининг ўнг қўлидан маҳкам ушлади.

---

“Юрак ҳовучлаб юрганича бўлди: бу дунёда энди ёлғиз ўзи қолди! Толеи бунчалар шўр бўлмаса!

---

–Адажон, сизга бир илтимосим бор, – деди шикаста овозда. –Айтсам майлими?

– Айт, болам, айтавер!..

Аъзойи бадани пуфақдек шишиб, калта-калта нафас олиб ётган бемор ингранди:

–Эрта бир кун кетар бўлсам...

–Қаёққа кетасан, Жаҳонгир? – Ота сесканиб тушди.

–Дўхтирларга айтинг, адажон, қорнимни ёриб, ичак-чавоғимни ағдартўнтар қилишмасин.

---

“Имконингиз бўлса,  
неварангиздан хабар  
олиб турарсиз...  
Мендан рози бўлинг,  
адажон!”

---

–Ҳа, нафасгинангни ел олсин! Йўқ ердаги гапларни қаердан топасан-а!..

–Раббимнинг олдига тўқис борай, ада... Шунча тиғ уришгани етар... Ками қолмади.

Ота ўғлига бир гап бўлиб қоладигандай дарҳол кучоқлаб олди:

–Бу гапларингни қўй, садағанг кетай, қўй! Ўн балога – бир даво! Ҳали яшайсан! Ҳали кўп яшайсан! Ҳали ўғлингга тўйлар қиласан!..

Жаҳонгир камгап, фаҳм-фаросатли йигит эди, индамади. Ота бўлмиш адоқсиз азоблар гирдобида сезиб юрарди: толғин фарзанди яшашдан буткул безган. Яратганнинг қаҳри келса, аввал молингни, кейин жонингни оламан дер экан. Отаболанинг қўлга илинадиган нарсаси қолмаган, демак, энди жоннинг навбати...

–Вақт-соати билан ҳаммамиз ҳам ўтамиз, – деди Қудрат айбдор оҳангда. – Фақат бу дунёга олдин келган олдин кетсин, болам!

Ўғли бир зум жим қолди-да, янада ночор, янада эзилган овозда илтимосининг давомини айтди:

–Барнодан ҳам, бошқалардан ҳам хафа бўлманг, ада. Ҳали ёш, жойини топиб кетади. – Ютинди. – Балки, топгандир ҳам. Имконингиз бўлса, неварангиздан хабар олиб турарсиз... Мендан рози бўлинг, адажон! Муҳтож пайтингизда, кунингизга ярамай, сизни ёлғиз ташлаб кетяпман.

Бундай гапларни эшитган қайси отанинг тили калимага келади. Юракни эза-

диган жимлик чўқди. Ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғи тушмасин. Аёлининг ортидан ёлғиз ўғлидан ҳам жудо бўлиш даҳшатини дилидан ҳайдашга уринарди, кошки қурби етса! Бора-бора, тақдирига тан бериб, бу жудоликка-да кўна бошлади. Ҳатто шу тобда ўғлининг жони узилганини эшитиб, енгил тортгандай бўлди: азобдан қутулди шўрлик болам!

“Белтепадаги хилхонамизга қўямиз, – деган фикр ўтди хаёлидан. – Онасининг ёнига. Дарвоқе, қабр қазиш учун мозорга одам юбориш керак”.

Негадир асаби таранг тортганини ҳам, боши ғовлаб кетганини ҳам сезмади. Ювиниши кераклиги эсига тушгунича чувалган ўйларини йиғолмай хиёл ўтирди. Ҳаммомга кираётиб нимагадир қоқилиб кетди. Учи осмонга қараган зар попукли гулдор мўкки экан: “Ановиники!”. Икки йил бурун онасиникига кетганича қайтиб келмаган келинининг бир пой шиппагини бармоқларининг учида ушлаб, айвонга олиб чиқди ва қўқиб ётган бурчакка улоқтирди.

Хотини ўлганидан кейин рўзғори ўнланмади. У аёли Элмирани эсламасликка ҳаракат қилади. Бахтли-саодатли кунлари бирга ўтган бўлса, қандай эсламасин, эслаб хўрланмасин! Уйининг файзу баракаси гап-сўзлари ипақдек мулойим ўша кимё муаллими бўлмиш аёлида экан. Раҳматлининг қўли теккан жой ярқираб, яшнаб кетар, бола деса, жонини бергудай бўлар эди.

Кўчага чиқди-ю уҳ деб юборди: олам музлаб ётарди: “Бу совуқда қабр қазиш ҳам осон эмас...”. Томига йўғон-йўғон сумалаклар осилиб қолган уч қаватли банк биноси олдида гулхан милтиллайди. Атрофида – беш-олти одам. Кўчанинг икки четиде тизилиб турган машиналарда ўтирганлари қанча, худо билади. Тун оққанида машиналар ҳам, изғиринда ер тепиниб турган одамлар ҳам камроқ кўринган эди. Икки соатдан кейин банк

эшиги очилиши билан зор-интизорлар ўзини ичкарига уриб, бақир-чақир бошланади. Сўмини долларга алмаштириш насиб этганнинг армони йўқ: кўчада икки баробар ошириб пуллаши, майда чайнаб еса рўзгорини бир ой обод қилиши мумкин. Валюта етмай қолса-ю миршаблар мижозларни ташқарига ҳайдашга тушса, тунларни тонгларга улаб чеккан азоблари бурнидан чиққани.

Ишсиз қолганидан кейин Қудрат ҳам саррофлик йўлига тушди, бундай кўчаларга бегоналар йўлай олмаслигини қайдан билибди? Тиртанглагани қолди. Не бир азобларига чидаб, сармоясини энди кўпайтирдим, куним туғди деб турган жойида нимадир “ширқ” этди. Қараса, қўли – кишанда, ўзи – авахтада. Баски, ярим тунда маҳкамадан шип-шийдам қўйиб юборилган нўноқ жаллобнинг бўйнида оламжаҳон қарз осилиб қолди. “Мендай бир дадарбоқи мардикорга бе-

---

**“** Ёмонликка олиб, валюта савдоси билан ноқонуний шуғуллангани учун фалон йилга кесиб юборишса, нима қиларди!

---

билиска пул топишни ким қўйибди!” деб ўкинганини айтмаса, миннатдорлигининг чеки йўқ. Икки бармоғини бурнига тиқиб қолганига қарамай, осон қутулганига ҳали-ҳамон шукроналар айтади. Ёмонликка олиб, валюта савдоси билан ноқонуний шуғуллангани учун фалон йилга кесиб юборишса, нима қиларди!

\* \* \*

– Оллоҳ рози бўлсин! – дея кетмон соқоли ярашган юзига фотиҳа тортди Фахриддин ҳожи. Тонгги ибодатини энди тугатган бўлса керак, бошидаги бахмал дўпписини алмаштирамаган. Олтмишдан ошган домкомнинг феъли кенглиги, ширинсуханлиги, кайвонилиги “юз йигирма хонадонли қариндош”ни йўриғига солган. Файратига тараф йўқ. Бу менинг ишим, унис – сеники дейиш йўқ. Бир қарасанг, сув босган ертўлада ёрилган қувурни чилангарлар билан бирга тузатаётган, яна бир қарасанг, чакка ўтган томнинг тешилган жойини усталарга қўшилиб ямаётган. – Бардам бўлинг, Қудратжон! Келиб юрмасдан, кўнғироқ қила қолмабсиз-да?

Остонада турган қўшни нима дейишини билмай гўлдиради:

–Телефоним савил ўчай деб қолган экан.

–Ёнингизда пул-мулингиз борми, ишқилиб? Жанозанинг ўзи бўлмайди. Ёлғизқўл одамга осон эмас...



–Пул... топамиз.

Бор деса, ёлгон бўларди. Йўқ дейишга номус қилди.

–Топамиз, – деди яна талмовсираб. – Мен балнисага кетаётган эдим.

–Ака-ука, қариндош-уруғларга хабар берилдими?

Қудрат яна минғирлади:

–Йўқ ҳали. Аввал сизга айтай дедим.

–Унда, Қудратжон, сиз балнисага бориб хужжатларини тўғрилайверинг. Бу ишнинг даҳмазаси кўп. Қолганини қўни-қўшни билан ўзимиз ҳал қилиб, изингиздан тезда етиб борамиз. Телефонингизга ҳозир пул ташлайман. Айтганча, калитни бериб кетсангиз, аёлларимиз кириб уйингизнинг у ёқ-бу ёғини йиғиштириб қўйишарди.

---

**“** *Майхонада  
топишганларидан  
бирова, юзингда кўзинг  
борми демай, гап билан  
солиб қолиши мумкин.*

---

\* \* \*

Уфқдан дийдираб кўтарилган куёш ерга айбдордай маъюс боқади. Иқрориди самимият йўқдай, тафти сезилмайди. Оёғини судраганча кенг кўчадан пастлаб бораётган Қудрат на совуқни сезар, на ёнидан физиллаб ўтаётан машиналар шовқинини эшитар, на шошилаётган одамларни илғарди. Дўконлар ҳали берк. Бошини кўтариб қараса, таниш эшик олдида турибди. Барнинг ёғоч эшигини очишдан аввал ножоиз жойга кираётгандай ён-верига ўғринча аланглаб олди-да, шартта ичкарилади. Пана-пастқамдаги бундай хуфия кулбаларни илгари четлаб ўтарди. Ишсиз, пулсиз, умидсиз

қолганидан сўнг ўзидан инсоф кетганини сезди: хотини нонга деб берган пулни ҳам тонг азондан шу ерга ғижимлаб келадиган бўлди.

–Жаҳон тузукми? – деб сўради қовоқтумшуғи беўхшов шишган Бурнаш Галануров. Бир вақтлар Қудрат унинг гуриллаб турган қурилиш ширкатида ишлаган. Баракали соатда очилмаган эканми, аввал ширкати, сўнг ўзи синди. “Нима бўлди, ошна?” деб сўраса, эҳтиёткор Бурнаш икки йил бурун бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини баҳона қилиб қўя қолган: “Йўғон чўзилиб, ингичка узилди”. Бозори ўлгандан бери ичмаган, ичиб сандироқлаб-гандираклаб юрмаган куни йўқ. – Хабарлашиб турибсанми?

Қудратнинг боши эгилиб, ҳўлқаси тўлди:

–Боламини бериб қўйдим, ошна!.. Балнисага кетяпман!

Майхонанинг саҳархез мижозлари гувиллаб кетди.

–Йўл беринглар! – деб ҳайқирди Бурнаш. – Ўғлидан ажраб қолибди, бечора. Эй, худойим! Ҳеч ким йигит ўлмасин! Ҳеч ким!..

Пештахта олдида навбат кутиб турганлар четга сурилган бўлди.

–Давайте скинемся, – деди бирдан Бурнаш. – Кто сколько может! – Ўзбекча-лаб қўшиб қўшиб қўйди: – Ҳарна-да!..

Қудрат четроқда нималаргадир алаҳсиган киши бўлиб турди: қисинганлар хижолат чекмасин. Ўн чоғли одам қўлидаги ғижимланган сўнги пулини Бурнашнинг телпагига ташлади. Буфетчи ярим стакан арақ қуйиб, азадорга узатди. Қудрат шоша-пиша бош чайқади: “Шундай кунда қайси юзим билан ичаман?!”.  
–Ич, – деди ёнидагилар баравар. – Ич!  
–Ичмасанг, ўзингни олдириб қўясан, – деди Бурнаш. – Ол, ошна, ол!..

Қудрат титраган қўлларини қадаҳга узатди ва кўзларини чиртта юмганча бир

кўтариб, бир ютди; пахтагулли косадаги сувга бўктириб қўйилган турп бўлагидан каттароғини темир қошиқда олиб, оғзига солди. Нордонгина экан, зўр кетди. Турпдан яна битта егиси, сувидан хўплагиси, ҳатто симиргиси келди-ю, тортинди. Майхонада топишганларидан бирови, юзингда кўзинг борми демай, гап билан солиб қолиши мумкин: “Братан, ты чего! Бутга арақ ичгани кеганмэсан или овкат егани?”. Танасини олиб бориб олиб келаётган титроқ тўхтаб, чехраси очилгандай бўлди:

– Раҳмат, азизларим! – дея аҳли майхонага самимий таъзим қилди. – Век не забуду! Зуб даю!

– Манаву пулниям олинг, ока. – Сотувчи унга ёғ босган иккита юзталиқ узатди. – Эҳтиёт бўлинг. Кун қаттол совуқ.

Кимдир “қулт” этиб ютинди.

– Эллиқ граммдан, менинг ҳисобимдан, – деди майхоначи. – Фақат шошилмасдан, навбати билан келинглар. Ҳаммага етади...

\* \* \*

Пештоқиғача каштали ғиштдан терилган шинамгина бино бўлса-да, мурдахона турқи турмадан совуқ жой экан. Ҳаммаёқ оппоқ кошин, ҳаммаёқ дорихонадагидай топ-тоза, хлор анқиган.

– Бандалиқ, – деди қош-кўзи қоп-қора, дўнг пешонали Козим. Хушсурат бўлса-да, фариштаси камроқ, совуқ башара йигит. Касбига мос. – Раҳматли ўғлингиз Оллоҳнинг севган бандаси экан, жума куни узилибди. – Бирдан юзини буриштирди: – Фарзандингиз бу аҳволда ётибди-ю, сизнинг ичиб-сасиб юришингизни қаранг, амаки. Шу энди мусулмон умматига эпми?

Қудрат эшитмасликка олди. Козимнинг қошлари чимирилиб, қиёфаси тундлашди. Қаршисидаги жағи-жағига ёпишиб, кўзлари косасига чўкиб кетган, абгор одамга асабий тикилиб турди-да:

---

## “Деворга ёпиштирилган хат- ҳужжатларга азадор отанинг кўзи ўтмади.”

---

– Бир оз кутасиз, – деди совуққина. – Ёриб кўриб, қандай касалдан ўлганини аниқлашимиз керак.

Қудрат ўғлининг васиятини айтиб, ёлвора кетди:

– Шу ишни қилманг, жон ука!..

Жарроҳ ғалати бир лоқайдлик билан бош чайқади:

– Ҳеч иложи йўқ. – Деворга ишора қилди. – Ана, ўқиб кўришингиз мумкин. Вазирнинг махсус буйруғи бор.

Деворга ёпиштирилган хат-ҳужжатларга азадор отанинг кўзи ўтмади: майда ҳарфда терилган сатрлар ингичка қора чизиққа ўхшаб кўринди. Тепада герб, пастда думалоқ муҳрни элас-элас илғади, холос. Осиғлиқ турган қоғоз ростдан ҳам бўйруқми ё бошқа ҳужжат – англаш қийин. Дўхтир кўзойнақ тақинг деб айтганига неча йил бўлди. Қунт қани, ҳафсала қани! Ўйлади: ким рухсат бериши мумкин? Бош шифокор ҳал қилармикин?

– Бемалол, – деди жарроҳ андақ истехзо билан ва кулимсирагандай бўлди. – Учрашиб кўринг. Балки вазирнинг буйруғини бекор қилар.

Бош шифокор – вазирликка кетган, ўринбосари мажлис ўтказётган экан. Йўлакдаги сунъий чарм қопланган узун курсида анча маҳал бетоқат ўтирган Қудратнинг ҳафсаласи буткул сўниб бораётганига қарамай, маъмурларнинг на каттаси, на кичиги кўринай демади. Ғамзаданинг фаҳми етди: “Арзи ҳолдан наф йўқ!”. Унинг дадил кириб келганини кўриб, Козим Тўраев ўрнидан туриб кетди:

## “ Нозланиб, эркаланиб гапираётган тили чучук жувоннинг овозини таниган Қудратнинг боши эгилди.

– Ҳеч кимни тополмадим, – деди суяк эгаси ва жарроҳнинг тик ёқали оқ халатининг чўнтагига чап қўлини тикди. – Ўзингиз бир йўлини қилинг, укажон!..

Шифокор унга чўчинқираб, ҳатто ҳайратланиб назар ташлади:

– Ўғлингиз нимадан кетган эди ўзи? – деб сўради енгил тортгандай.

– Буйраги шамоллаган. Қурилишда ишлагани олти ой Россияга кетди-ю, орттириб келгани шу дард бўлди. Уч йилдан бери гемодиализда эди. – Қудрат столдаги қоғозларга ишора қилди: – Ишонмасангиз, ана, ўқиб кўринг.

– Оббо! Аввалроқ айтмайсизми шуни, Ғофил банда-а! Демак, ташхиси аниқ. Ўйлаб ўтирадиган жойи йўқ.

– Шундай, шундай!

– Унда ҳозир тўғрилаймиз, ҳо-озир! – Жарроҳ ёпиқ турган баҳайбат темир эшик томон юрди. – Маййитни яхшилаб ювиб-тараб, чиройли қилиб ўраб берман. Ғассолгаям иш қолмайди, амаки.

Зум ўтмай ичкарида сувнинг шарқирагани эшитилди. Яна бирпасдан сўнг мурдашўй оёғида қора қўнжи тиззасигача келадиган резин этикда чиқиб келди. Ҳали пишмаган, хомроқ йигит экан. Хомлигини берган саволи билдирди-қўйди:

– Ҳадянгизни пивохонадан йиғиб келганмисиз дейман?..

Ота бечора маъюс кулимсирар экан, сезилар-сезилмас бош ирғаб қўйди.

– Қани, жасадни ортиб кетадиган машинангиз тайёрми? Мен жума намозига кеч қолмайин тагин.

Шифохона ҳовлисида Зоирга йўлиққан Қудратнинг юраклари баттар зирқиради. Энди ўғлининг тенгдошларини кўрса эзиллаверади. Жаҳонгир уйланганида Зоир – куёвнавкар, хотини Салтанат келиндугона бўлган. Отасининг мебелсозлик ширкатини юритади. Барваста, кийим-боши ўзига ярашган йигит.

– Барибир бўмапти-да, амаки! – У Қудратни бағрига босган бўлди. Тамаки тутди. Тутатдилар. – Шундай қалин дўстим-а! Шундай яхши инсон-а! Эй худойим! Художоним!. Икки кун аввал кўргани келувдик... – Унинг телефони жиринглаб кетди. Тугмачасини босиб қўйган эди, яна жиринглади.

– Мен балнисада эдим. Бирпасдан кейин...

– Узилгани лостмикан, Зоил ака? Этиволинг, илтимо-ос!

Нозланиб, эркаланиб гапираётган тили чучук жувоннинг овозини таниган Қудратнинг боши эгилди. Довдираб қолган йигит дарҳол ўзини четга олди. Гаплашиб бўлгач, хаёли қочиб турган мотамсаронинг билагидан тутиб, машинаси томон етаклади:

– Совуқ еб қоласиз, амаки. Ичкарида ўтириб гаплашайлик.

Машинасига минишга раъйи йўқ эди, ҳалигача дами кесилмаган изғиринни ўйлади. Атирнинг хуш бўйи димоғига урилмаса, ажабланган бўларди: ҳашаматли машинадан бензин ҳиди келсинми!

– Манави сизга, амаки...

Зоирнинг орқа ўриндиқда ўтирган Қудратга пул узатган қўли муаллақ қолди.

– Буни нима қиламан? – Йигитнинг кўзига тик қаради Қудрат.

– Олдингизда қанча сарф-харажат турибди. Мендан ёрдам.

– Пулим бор. Етади.

Ҳамон эсанкираётган йигит Қудратнинг кўзларида жиққа ёш кўрди.

– Сенга ҳув бирда келинимга яқинлашма дегандим-а, – деди қария



---

**“** Мўйсафид машинадан тушар экан, ўгирилиб ҳам қарамади. Мункиб кетдию тиззалаб қолди ва қусиб юборди.

---

титраб-қақшаб ва дафъатан ўкириб юборди. – Эсингдами-и, Зоиржо-он, эсингдами, яқинлашма дегандим-ку?!.

–Айб менда эмас, амаки! Ўзи!..

–У-ку бир шумоёқ, суюқоёқ экан! Сен ўзингни қалин дўстман, эркакман дер эдинг-ку! Дўстга ҳимматинг шуми, эй му-сулмон?!.

Зоир бошига калтак тушаётгандай бўй-нини қисиб қолди.

–Ўша махлуққа айт, – деб хайқирди Қудрат, – уйимда қолган бир пой ҳаром шиппагини бугун ахлатга отвордим!

–Амаки-и!..


Мўйсафид машинадан тушар экан, ўгирилиб ҳам қарамади. Мункиб кетди-ю тиззалаб қолди ва қусиб юборди. Қўни-қўшниси у томон чопди.

# ЛОЙҚАЛАНАЁТГАН ОСМОН, КИРЛАНАЁТГАН ЗАМОН

**Я**нги ўқув йилидан «Табиатни асранг» деган фанни ўқиб бошладик. Она табиат, атроф-муҳит ҳақида сўзловчи мазкур фан барчамизга бирдай ёқиб қолди. Чунки ер шарининг ярмида тонг отса, ярмида кун ботиши, сайёрамизнинг бир тарафида ёз, иккинчи тарафида қиш бўлиши, Янги Гвинея деган томонларда нон дарахти ўсишини эшитиш бутун борлиқни ўзи туғилган қишлоқдан иборат деб биладиган саккиз-тўққиз ёшли болалар учун бошқа бир сирли дунё эди. Ўрта бўйли, юмалоқ юзли, оқ-сарикдан келган, яқинда университетни битирган қишлоғимиз қизи – муаллимнинг сўзларини тинглаб, хаёлан гоҳ Африка ўрмонлари, гоҳ Антарктика музликлари узра саёҳат қилардик. Муаллимнинг ҳайвонот ва набобот оламидаги бир-биридан қизиқ гапларига маҳлиё бўлиб, баъзан танаффусга қўнғироқ чалинганини эшитмай қолардик.

**Б**ир сафар дарсда муаллим ғалати бир гап айтиб қолди. Нима эмиш, Ер шаридаги сувнинг фақат уч фоизи чучук бўлиб, шунинг ҳам атиги бир фоизини ичса бўлар экан! Денгиз ва уммонлар суви на экин-тикинга, на ювин-чайинга асқотармиш! Бўлмаган гап деб ўйладим ўшанда. Ахир она сайёрамизнинг салкам саксон фоизи сув билан қопланган-ку. Боз устига, қишлоғимизнинг ўзида Қўш арча, Қамишли, Бўрибой каби юзлаб булоқлардан кеча-ю кундуз тинимсиз чучук сув оқиб ётибди. Осмонталаш чўққисидаги қорнинг эришидан ҳосил бўлган бир ариқ сув қишлоғимиз ўртасидан айқириб ўтади, муздай зилол суви жуда ширин. Қишин-ёзин эл шу ариқдан сув ичади. Сувтушар, Тамшуш ва Оқдарё сингари дарёларнинг суви-чи? Эҳ-ҳе... бу сув бутун дунёга етади-ку.


Азим РЎЗИЕВ




**И**лкис хаёлимга келган бу фикрларни муаллимга айтдим. Ўзимча уни мот қилдим деб ўйлагандим. Аммо чучварани хом санаган эканман. Сўзларимни жилмайган кўйи эшитган муаллим бир муддат жим туриб, ичимли сув муаммоси ҳақида гапириб кетди. Унинг айтишича, ҳозир дунёда бир неча миллиард инсон ичимли сувга муҳтож экан. Чучук сув танқислиги сабаб кўпчилик санитария талабларига жавоб бермайдиган сувни ичиб кун кўраркан. Агар одамлар сувдан оқилона фойдаланмаса, яқин йилларда инсоният мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келиши муқаррармиш. Бизнинг сувлар эса бундай муаммолар олдида урвоқдай гап эмиш...

**Ў**ша кезлар муаллимнинг гапларига инонмагандим, очиги. Чунки камина ҳам, кўпчилик қатори, қишлоғимиз ҳеч қачон экологик муаммолар билан юзма-юз келмайди деб ўйлардим. Шунга ҳам, мана, ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Ўшанда муаллим чин айтган экан. Бугун ичимли сув танқислиги катта-катта шаҳарлар тугул бизнинг қишлоқ сингари тоғ этагидаги худудларга ҳам етиб келди. Мен эслаган булоқларнинг ҳозир анча-мунчаси қуриган ёки суви камайиб кетган. Бир пайтлар зилол сув оққан ариқларда аллақандай бўтана оқади. Ичиш тугул, бу сувга одам юзқўлини ювишга ботинмайди. Ҳароратнинг мунтазам кўтарилиши, ёғингарчилик камайиши, одамлар эҳтиёжининг ортиб бориши ҳисобига Осмонтолаш чўққиларида ҳам қишдан қишгача қор турмайди. Оқибатда дарёлар суви озайиб, айримлари ёзнинг чилласи кирмай қуриб қолаётир.

**Х**а, бугун инсоният ўзи яратган муаммолар билан курашиб яшашга мажбур. Йилдан-йилга экологик аҳвол мураккаблашиб, катта-катта таҳдидлар юзага келмоқда. Ичимли сув танқислиги бўйича дунёда кутилаётган тахминлар ҳақида ўйлашнинг ўзи қўрқинчли. Халқаро метеорология ташкилотига кўра, яна чорак асрдан сўнг сайёрамиз аҳолисининг беш миллиард нафарига ичимли сув танқис бўлиб қоларкан. Бу – ер юзида яшаётган инсонларнинг яримидан кўпи демак. Аслида ҳозир ҳам глобал аҳвол пеш эмас. Ҳар йили жаҳонда 14 минг киши ифлос сув сабабли ўлса, ҳали беш ёшга етмаган 297 минг бола вафот этади. 2025 – 2030-йилларда 48 давлатда яшайдиган уч миллиард одам ичимли сув етишмаслигидан азият чекиши ҳақида мутахассислар огоҳлантирмоқда. 2030 йилда Ўзбекистон сув тақчиллиги билан юзлашувчи 33 та давлатдан бирига айланиши мумкин.



**С**ув нафақат чанқоқ қондиришга, бошқа эҳтиёжларимиз учун ҳам муҳим. «Бир зумда» таоми саналган бир дона ҳамбургерни тайёрлашга (гўшт ва маҳсулотларини етиштиришга, пишир-қуйдирга) 2550 литр сув сарфланади. Ишониш қийин, аммо бу факт. Энди ўйлаб кўринг, бир кунда дунё бўйича қанча ҳамбургер тайёрланади? Бу таомлар одамлар орасида жуда машҳур, етмаганига уни тайёрлайдиган емакхоналар сайёрамизнинг исталган бурчагида тўлиб-тошиб ётибди. Интернетдаги маълумотларга кўра, ана шундай масканларда бир секундда 75 мингта ҳамбургер тайёрланаркан. Бир сутка 86 400 секунддан иборат бўлса, демак, биргина «McDoland's»нинг ўзи ҳар куни ўртача 6 млн 480 минг дона ҳамбургер сотади. Бир ҳафтада 44 млн 800 мингта, бир ойда эса ўртача 192 млн. Энди ҳамбургерларга сарфланадиган сув миқдорини ўзингиз хомчўт қилиб олаверинг! Одамлар фақат ҳамбургер еб кун кўрмайди. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак бўлгани каби картошка, пиёз, гуруч, гўшт сингари маҳсулотларга ҳам эҳтиёж катта. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир кило картошка етиштириш учун 120 литр, бир кило гуручга 4 минг литр, бир кило гўшт учун 13 минг литр сув зарур бўларкан.



**Т**урли ҳисоб-китобларга қарамай ер юзидаги чучук сувнинг энг оз миқдори, яъни бор-йўғи 0,08 фоизи одамларнинг кундалик ҳаёти учун сарфланади. 80 фоизи қишлоқ хўжалигида ва 20 фоизи саноатда ишлатилади. Чунки замонавий қишлоқ хўжалигида одамлар эҳтиёжидан икки карра кўп маҳсулот етиштирилади. Масалан, дунё бўйлаб сотилган доннинг 50 фоиздан ортиғи чорвани боқиш ва биоёнилғи олишга кетади.

**А**тиги бир литр машина мойи бир миллион литрдан ортиқ ичимли сувни ифлослантлар экан. Бу арзимаган бўлиб туюлиши мумкин, аммо бир миллион тонна тоза сув ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга. Чунки 1200 одам айнан бир йилда шунча сув ичади.

**К**ўпчилик сув ҳавзаларига нефтнинг тўкилишини танкерлар ва бурғулаш қурилмасидаги бахтсиз ҳодиса туфайли деб ўйлайди. Ҳолбуки, ҳар 100 миллион тонна нефт қазиб олинганда ҳеч қандай авариялар бўлмаган тақдирда ҳам бир тоннаси тўкилиб кетади.



**Б**ирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотига кўра, 2050 – 2060-йилларга келиб дунё океанлари суви таркибида кислота даражаси 140-160 фоизга ошиб кетиш эҳтимоли бор. Бу ўз навбатида денгиз экологик тизимида ўта жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки бир йилда океанларга 6 млрд тоннадан ортиқ чиқинди ташланади. Шундан 270 млн тоннаси пластик маҳсулотлар. Бир дона пластик маҳсулотнинг йўқ бўлиб кетиши учун эса беш аср вақт керак. Кўпчиликнинг хабари йўқ, Тинч океанида пластик чиқиндилардан иборат бутун бошли «қитъа» пайдо бўлган. У ерни одамлар Тинч океани ямоғи деб атайди. Мазкур пластик ямоқнинг худуди АҚШникидан икки баробар катта бўлиши мумкин деган тахминлар бор.

**П**ластик маҳсулотлар ишлаб чиқараш 2050 йилга бориб 650 млн тоннадан ошиб кетиши башорат қилинмоқда. Бу 1950 йилдагидан 22 минг фоиз кўп. Бу сув ҳавзалари экотизимининг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

**Б**ундан ташқари, 1920 йилга қадар бўлмаган кимёвий моддаларнинг 500 тури ҳозир инсон танасида аниқланган. Бугунги кунда бозорларда 80 минг турдаги синтетик кимёвий модда мавжуд.

**Й**игирма биринчи юз йилликда инсон фақат сувсизлик эмас, яна кўплаб экологик муаммоларга ечим топишига тўғри келади. Келинг, шу ўринда уларнинг айримларини келтириб ўтайлик.

**Ў**рмонларнинг камайиб кетиши ҳисобига бугунги кунда ер юзиде йиллик ҳаво ҳарорати ўртача 1-1,5 даража кўтарилиб бормоқда. Бу абадий музликларнинг эриши, турли тошқинларни келтириб чиқариши ҳамда кўплаб ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Ҳар йили 12 млн гектар тропик ўрмон кесиб юборилади, аммо 10 баробар кам дарахт экилади. Охирги йигирма йилда биргина Бразилияда Буюк Британия худудидан икки баробар катта келадиган майдондаги ўрмонлар йўқ қилиб юборилган.

**Ҳ**ар йили ер юзиде 32 минг турдаги тирик мавжудот (организмлар) йўқ бўлиб кетмоқда. Агар аҳвол ўзгармаса, асримиз охирида сайёрамизда биохилмахилликнинг эллик фоизи яшаб қолади, холос. 2024 йилнинг февралида БМТ тақдим этган маълумотларга кўра, кўчиб юрувчи турларнинг 20 фоизи йўқ бўлиб кетиш чегарасида турибди. Бу борада балиқлар кўп азият чекмоқда. Иқлим ўзгариши ва ҳаво ифлосланиши оқибатида 97 фозининг ҳаёти хавф остида қолмоқда.



**И**лмий тадқиқотларга кўра, дунёдаги ҳар сақкизинчи ўлим бевосита ифлос ҳаво билан боғлиқ. Турли зарарли ва кимёвий моддалар туфайли тоза ҳаво балансининг бузилиши шу кунларда энг асосий экологик муаммолардан бўлиб турибди. Швейцариянинг «IQAir» компаниясининг ахборотида кўра, инсонлар дунёдаги фақат етти давлатда (Австралия, Эстония, Финландия, Гренада, Исландия, Маврикия ва Янги Зеландия) эмин-эркин нафас олиши мумкин. Бу ҳисобот 2024 йилда 134 давлатда ўтказилган 30 мингдан ортиқ мониторинг асосида эълон қилинди.

**Е**нгил автомобил борлиққа ҳар 30-35 километрда ўртача 600 грамм газсимон чиқинди чиқаради. Гарчи чиқинди миқдори машиналар сифати яхшилангани учун илгаригидан анча камайган бўлса ҳам автомобиллар сони кўпайгани ҳисобига табиатга ярим аср олдингидан кўпроқ зарар етказаяпти.

**Ҳ**озир дунёда 500 млндан кўпроқ автомобил бор. 2030 йилга келиб уларнинг сони бир млрддан ошиши кутилмоқда. Демак, яна беш йилдан сўнг автомобилларнинг табиатга зарар етказиши икки баробар кўпаяди.

**Э**лектрон хат ва рекламаларни (спам) интернет орқали юбориш учун йилига 35 млрд киловатт-соатга яқин электр энергияси сарфланади. Бу ўртача 2,5 млнта уйни электр қуввати билан таъминлашга етади дегани. Электрон хат ва рекламалар сабабли ҳар йили атмосферага тахминан 18 млн тонна карбонат-ангидрид чиқади. Бу ҳажмдаги заҳар 12 ой давомида 3,5 млн дона автомобилдан чиқарилади.

**Д**унё бўйлаб компьютер, телевизор, мобил телефон ва бошқа электрон қурилмалардан фойдаланиш кун сайин ортиб бормоқда. Оқибатда охириги йилларда инсоният электрон чиқинди муаммосига ҳам дуч келмоқда. Биргина 2012 йилда одамлар 50 млн тонна электрон чиқинди ташлаб юборган.

**К**исқаси, глобал экологик муҳит охириги йилларда яхшиланиш ўрнига мураккаблашиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилнинг ёзида кунлик ўртача ҳароратнинг мунтазам кўтарилиб бориши туфайли янги рекорд қайд этилди. Факт шундаки, Япония тарихида ўтган йили энг иссиқ ёз бўлиб, Фудзе тоғи 130 йил деганда илк марта октябр ойида қор кўрмади. Ўн ой давомида дунё океанлари юзасида энг юқори ҳарорат қайд этилди. Оқибатда июн ва ноябрда тезлиги 14,5-41 км/с бўлган ўн битта тўфон содир бўлди.

**К**ўпчилигимиз табиий неъматларни битмас-туганмас деб ўйлаймиз. Худди дарёлар ҳеч қачон қуримайдигандай, ўрмонлар мудом яшилликка бурканиб ётадигандай. Ваҳоланки, ҳар қандай табиий ресурс ҳам кун келиб тугаши ҳеч гап эмас.


**Т**абиатнинг бир бўлаги бўлган инсон бугун техник тараққиёт ва шаҳарлашиш ҳисобига соат сайин асл илдизларидан узоқлашиб бораёпти. Дарёларнинг қуриши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, ўрмонларнинг йўқолиб бориши, осмоннинг лойқаланиши, заминнинг кирланиши эса ҳаммани бирдай ташвишга солаётгани йўқ.



# «ШИРДОҒ» НИМА?

Тўлқин ТОҒАЕВ,  
филология фанлари номзоди

Тилимизда бугунги авлодга анчайин нотаниш бўлган либосни ифода этувчи бир сўз бор – ширдоғ. Бир замонлар адабий тилимизга кўрк бериб турган бу сўз аллақачон историзмга айланиб улгурди. Чунки бу кийим номини турмушда сира ишлатмаймиз. У фақат ҳазрат Навоий асарлари ва уларнинг изоҳли луғатларидагина сақланиб турган эди. Жонли сўзлашувдан ва адабий истеъмолдан чиқиб кетган шу сўзни яқинда ёзувчи Наби Жалолиддиннинг «Оралиқ» («Хайём») романида учратиб, тилимизга ўз сўзимиз қайтаётганидан роса қувондим, бироқ озроқ ажабландим ҳам. Чунки бу сўз романда ўрнига тушмагандай таассурот қолдирди.



Умар Хайёмга бағишланган бу асарда султонга ҳамроҳ бўлган шоирнинг шер ови воқеаларида иштироки шундай тасвирланган:

«Шоирнинг тани қизиб, ўрnidан турди-да, эгнидаги ширдоғини (иссиқдан сақланиш учун кийиладиган кийим) ва Шокир Талх тикиб берган таги ясси ўнғай этигини ечди. Ширдоғини тахлади ва сўл ёнига ёнбошлаб, унга бошини қўйди».

«Хайём унинг (султоннинг – Т. Т.) ширдоғини ечиб, ёз офтобидан қорайиб, озғинлашган юзидаги совуқ терларни артди. – Менга не бўлди, шоир? – сўради у титраркан ([kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/nabi-jaloliddin-xayyom-roman.html](http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/nabi-jaloliddin-xayyom-roman.html), 73-75-бетлар).

Сўз ўрнига тушмабди деганим маънисини шуки, ширдоғ буюк ҳаким замонида ва муҳитида подшоҳлар ҳам киядиган либос, шунингдек, иссиқдан сақланадиган кийим бўлгани даргумон. Чунки ширдоғ жун матодан тайёрланган устки кийим бўлиб, XIV-XV асрлар кўчманчи туркий қавмга хос бўлган. Бу сўзнинг машҳур «Девону луғотит турк»да учрамаслиги ҳам унинг кейинги давр маҳсули эканига ён босади.





Ўйлашимча, тарихий мавзуда асар ёзишга тутинган муаллиф ўтмиш манзарасини, хусусан, ўша вақтдаги нарса-буюмларни, либосларни тасвирлаш, аташ учун луғатларга мурожаат қилган. 1972 йили Тошкентда, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Навоий асарлари луғати»ни очиб қараса, «ширдоғ – иссиқдан сақланиш учун кийиладиган кийим» экан. Луғатда тарихий атама – ширдоғ ҳақида бундан бошқа маълумот бўлмагач, муаллиф нима қилсин: борича китобига киритган-қўйган. Шунинг учун муаллифни тўғри тушунишимиз керак.

Лекин кейинроқ, 1983 йили «Фан» нашриётида чоп этилган тўрт жилдли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да ширдоғ сўзига берилган изоҳда унинг иссиқдан сақловчи деган сифати тушириб қолдирилган ва шунчаки устки кийим деб кўрсатилган. 1993 йилги «Навоий асарлари учун қисқача луғат»да ҳам ширдоғ сўзи қисқа, содда қилиб «1) уст кийим; 2) намад» деб изоҳланган.

Яъни, «Навоий асарлари луғати»ни тузувчилар ширдоғни иссиқдан сақловчи кийим деб таърифлаган бўлса, кейинги луғатларни тузган мутахассислар буни уст кийим деб кўрсатиш билан кифояланишган.

Бу бежиз эмас, албатта. Будапештда 1902 йилда нашр этилган Шайх Сулаймон афандининг «Чиғатойча-усмонлича луғат»ида «ширдоғ» шундай изоҳланган: «širday: bir nevi libas, bejaz kaftan (ширдағ: бир турли либос, оқ кафтан – Т. Т.) (Şeyh



Suleyman Efendi»s Ğagataj-Osmanisches Wörterbuch. Budapest, 1902. 180-бет)».

Асли туркий сўз бўлиб, Маҳмуд Кошғарийдан тортиб, Навоий асарларида ҳам тўн, устки кийим маъноларини англатган кафтан (кафтан, қаптон, хафтон), бизнингча, иссиқдан сақлашдан кўра кўпроқ мўътадил об-ҳавода кийиладиган устки кийимни англатади.

Кўпчилик илм-маърифат, ижод аҳли қуйидаги машҳур байтни ҳазрат Навоий ўзбеклигимизни мадҳ этганига далил сифатида келтиришни хуш кўради:

*Шоҳу тожу хилъатиким, мен томоша қилғали*

*Ўзбегим бошида қалпоқ, эғнида ширдоғи бас.*

Уларнинг ёзганларида ширдоғ – тўн, русча таржималарда эса халат деб изоҳланиши бу сўзнинг маъноси бугунги ўқувчи учун ноаён қолаётганидан далолат беради. Бу ўринда шеърдаги қалпоқ ҳам дўппи (тюбетейка) эмаслигини қайд этиш лозим.

Ширдоғ кўпроқ туркийларнинг бир қавми бўлган ўзбекларга (шайбонийларга), кўчманчи халққа хос кийим экани англашилади. Кейинроқ туркий халқларнинг кўпига оммалашиб кетган бўлса керак.

Ҳазрат Навоий ғазалларидан олинган қуйидаги байтлар ҳам бизнинг ширдоғ тўғрисидаги тушунчаларимизни анча кенгайтиради:



*Гули раънодин этти кисватин сарви  
равон ёхуд*

*Сариғ терлик уза ул шўхму киймиш  
қизил ширдоғ.*

Маъноси: ул хушқомат ёр либоси-ни раъно гулидан қилдими ёки ул шўх маҳбуба сариқ терлик устидан қизил ширдоғ кийиб олдими?

Бундан ширдоғ терлик, яъни ичкўйлак устидан кийиладиган кийим эканлиги, айна ўринда аёлларнинг бу устки либоси асосан қизил тусда бўлиши англашилади.

Қуйидаги мисол ҳам бу фикримизни қувватлайди:

*Меҳрига кўкта шафақ хўб эрмас ан-  
доққим манга,*

*Мовий терлик узра ул ойнинг қизил  
ширдоғи хўб.*

Шоир кўпроқ маъшуқалар васфида сўз айтганидан ширдоғ аёллар либоси сифатида яна бир бор тилга олинганини кўрамиз:

*Сарвиға тортиб қабо, чеккан куёшқа  
соябон,*

*Чобуқим бўйида ширдоғ, бошида  
қалпоғидур.*

Маъноси: сарв қоматидаги ярашиқ кўйлак ва куёшга тутилган соябон ул шўхнинг эгнидаги ширдоғи-ю бошидаги қалпоғидир.

Хуллас, ҳазрат Навоийнинг сўзларидан ширдоғнинг устки кийим экани билиниб турибди. Бу луғатларда ҳам қайд қилинган. Бироқ луғатлардаги ширдоғ сўзининг изоҳлари ушбу кийим ҳақида аниқ тасаввур бермайди, кийимнинг нимадан қилинганлиги, матоси ҳақида умуман маълумот йўқ.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, ўзбек тилига доир этимологик луғатларда ҳам, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-ю, кейинги йилларда чоп этилган «Алишер Навоий: қомусий луғат»да ҳам ширдоғ сўзи ва унинг изоҳи учрамайди. Ваҳоланки, ширдоғ атамаси Навоий асарлари тилида бир неча бор қайд этилган. Машҳур «Муҳокаматул-луғатайн» асарида бир қанча кийим-кечакларнинг туркийча номи келтирилиб, бу қатордан ширдоғ ҳам ўрин олган:

«Ва маъхудий албисадин мисли: дастор ва қалпоқ ва наврўзий ва тўппи ва ширдоғ ва дакла ва ялак ва ёғлиғ ва терлик ва қур йўсунлуғ нималарни борисин турк тили била айтурлар».





Навоий бобомиздан ширдоғ сўзи кийимни англатишини билган бўлсак ҳам, унинг не кийим эканлигини, қай матодан тикилишини дафъатан тушуниб олиш қийин. Вақтлар ўтиб, ўзбекларнинг ўзи бу сўзни тушунмай қолиши мумкинлигини буюк бобомиз қайдан ҳам билсин? Ўйлаймизки, бу кийим ўша пайтлар халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, улуғ шоир уни тушунтиришга эҳтиёж сезмаган.

Тилшунослик илми бирон сўзнинг маъносини чуқурроқ тушуниш учун аввало унинг шевалардаги, кейин қардош тиллардаги муқобилларига мурожаат қилади. Биз ҳам ширдоғ/ширдоқ атамасининг маъносини ойдинлаштириш учун шева луғатлари ҳамда бошқа туркий тиллардаги луғатлар, шунингдек, қадимги туркий тиллар тадқиқотида бағишланган луғатларни кўздан кечирсак, дастлаб бироз ҳайрон қоламиз. Чунки бу луғатларда ширдоғ сўзининг Навоий ишлатган маъноси деярли учрамайди. Уларда ширдоғ сўзи асосан кигиз, намат маъносида қўлланади.

«Ўзбек халқ шевалари луғати»да ширдоғ/ширдоқ атамасига генетик ва семантик жиҳатдан алоқадор бўлган бир сўз бор:

«Шърдәмәл, ширдамол – (Ўш, Жалолобод, Ўзган) тикилган гулдор кигиз “шитый, орнаментированный войлок”: хстилләр бекәрчили:дә шърдәмәл тоқыйды (Ўш). (Ўзбек халқ шевалари луғати, -Т.: 1971. 316-бет)».



Яна бир гап. Тил қонуниятига кўра ҳар қандай тилда аввал иш-ҳаракатни ифодаловчи сўзлар, яъни феъл туркумига оид сўзлар пайдо бўлади. От туркумига тегишли сўзлар эса кўпинча (доим эмас, албатта), кейинчалик феълдан ясаб олинади. Ширдоғ сўзининг пайдо бўлишида ҳам шу қонуният ўз исботини топганини англаш қийин эмас.

«Девону луғотит турк»да қайд этилган «сириди» сўзининг маъноси ҳозирги ўзбек тилида «пишиқ қилиб тикди»ни англатади: «ол кизиз сириди» – «у наматни ...зич қилиб, пишиқлаб тикди» (Девону луғотит турк, 3-том. -Т.: 1963. 278-бет).



Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» аса-ридаги ва ҳозирги қирғиз тилидаги рўзғор буюмлари-ни билдирган айрим сўз-ларнинг ўзаро муносабати этнолингвистик аспектда текширилган бир мақолада «ширдоқ» сўзи шундай изоҳланган: «икки қават қилиб тикилган нақшли кигиз». Тадқиқотчи қирғизча «шири» сўзи ҳозир «бирор нарсани қават қилиб тикиш, қат қилиб қавиш» маънола-рига эгаллигини қайд этади. «Сири/шири» феълидан «ширдоқ» сўзи келиб чиққан деган фикрни билдиради. Қирғиз халқининг ҳозирги моддий маданияти буюмла-ри бўлган кигиз, ола кигиз ва ширдоқ қадим замонлар-дан бери қирғизлар томо-нидан фойдаланиб келин-

ган деб хулоса чиқаради (Усмамбетов Б. Словарь Махмуда Кашгари “Диван лугат ат турк” и кыргызский язык. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов, 2016. №5, 154-156-бетлар).

«Древнетюркский словарь»да «siri – крепко пришивать, стегать» деб берилган (Древнетюркский словарь, 1969. 505-бет]. Кўринадики, siri – пишиқлаб тикмоқ, қавимоқ маънола-рини англатмоқда.

«Девону луғотит турк»нинг Солиҳ Мутали-бов тайёрлаган ўзбекча

нашрида шундай берил-ган: «сiрiшди – тўқишди, босишди. Қиз анасиға кiзiз сiрiшдi – Қиз онасиға кийиз тўқишда, кийиз босишда ёрдам берди. Бу туркман-ларнинг сарой маҳкамалари ва бошқаларнинг ўрови – чодирини тикиш кабидир (сiрiшур сiрiшмақ)» (Девону луғотит турк, 2-том. -Т.: 1963. 103-бет).

Машхур туркологлар Н. А. Баскаков, В. М. Насилов тузган «Уйгурско-русский словарь»да şurdaq (ширдоқ) атамасига қуйидагича изоҳ берилган: «şurdaq دروش قا 1. Орнаментированный войлок» (Уйгурско-русский словарь, 1939. 144-бет). Ўзбек тилида бу – нақшли кигиз, гулдор намат.



Ҳозирги замон уйғур тили изоҳли луғатларига ҳам ширдоқ сўзи киритилган бўлиб, у гулли, нақшли кигиз деб изоҳланган: «Ширдоқ – ўнг юзига қўл билан кашаланган ҳар хил гул нусхалари чочилиниб ишланган пухта, кўркам бир хил кигиз: Улар озода уч эғизлиқ уйда ўлтуридиган, мен покор суписиға икки парча ширдоқ селинғон покиза бир уйга бошландим» (Ҳозирқи замон уйғур тилининг изоҳлиқ луғати, 2011. 687-бет).

Истанбулда 1984 йилда нашр қилинган «Қозоқ туркчаси сўзлиги» ҳам бу сўз ҳақида бизга маълумот беради: «Sırmaq (isim) - Üzeri işlenerek oyularak süslenen halı veya kilim yerine kullanılan keçe parçası» (Kazak türkçesi sözlüğü, 1984. 254-бет). Ўзбекчага буни «юза қисмига нақш солиб безатилган гилам ёки гилам ўрнида ишлатиладиган кигиз парчаси» деб ўгиришимиз мумкин.

Йирик туркийшунос Э. В. Севортянин «Этимологический словарь тюркских языков» асарида ширдоғ ва унинг изоҳи, этимологиясига оид анча батафсил маълумотлар берилган. Чунончи:

Навоий бобомиздан ширдоғ сўзи кийимни англатишини билган бўлсак ҳам, унинг не кийим эканлигини, қай матодан тикилишини дафъатан тушуниб олиш қийин.



«СЫР – тикмоқ (бошқирд диал.); чок қилиб тикмоқ (қирғиз); гул тикиб безамоқ (бошқирд диал.); тикмоқ, тикиб чиқмоқ (олтой); қавимоқ, мас., кўрпа қавиш (татар, бошқирд);

СЫРА, СЫРЫ, СИРИ, ШЫРЫ – 1. чокламоқ, бахяламоқ (озарбайжон); тикмоқ, чокламоқ (турк); зич қилиб тикмоқ (ДЛТ); маҳкам ва зич қилиб тикмоқ (турк диалект.); бигиз билан тикмоқ (чиғатойча); бир неча қават қилиб қўшиб тикмоқ (қўмиқ, қозоқ, қорақалпоқ); нақш солиб тикмоқ (уйғур); тикмоқ (тува); 2. қавимоқ (турк тили ва турк диалект.); қавимоқ + тикмоқ (озарб., қўмиқ, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай, уйғур, хакас, тува, ёқут)».

Олимнинг талқинига кўра, турк тили шеваларида шырдақ – қирғоғи, чеккасида нақши бўлган намат, кигиз; қирғиз тилида шырдақ – икки қават қилиб тикилган нақшли намат (кигиз); чиғатой тилида (эски ўзбек тилида – Т. Т.) шірдағ – 1) эгар остига солинадиган тери тўшамма; 2) кенг уст кийим тури; тува тилида ширтек – намат гиламча, кигиз тўшак; сиртоқ – палто тури; қозоқ шеваларида сырдақ – қавилган намат (кигиз), шырдақ – қавилган адёл (кўрпа). Шу жойда қайд этилишича, шырда сўздан жанубий қирғиз тилидаги шырдамал ва ўзбек диалектларида шърдәмәл – «икки қават қилиб тикилган нақш солинган кигиз» ҳосил бўлган.



Ҳозирги пайтда ширдоғ/ширдоқ қозоқларда, айниқса қирғизларнинг ҳаётида ҳам, тилида ҳам сақланиб қолган. Улар учун ширдоқ энг аввало ерга тўшаладиган ё ўтовнинг усти ва атрофига ёпиладиган кигиздир. Ширдоқ ва олакигизларни тайёрловчи ҳунарманд усталар камайиб бораётгани учун уларнинг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Шу сабабли ширдоқ – кигиз гиламлар тайёрлаш анъанавий қирғиз санъати 2012 йилда UNESCO томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган (<https://dic.academic.ru>).

Бу сўзнинг қардошларимиз тилидаги аввалги ва бугунги маънолари Алишер Навоий бобомиз ишлатган ширдоғ сўзидан анча фарқ қилиши кўриниб турибди. Бироқ юқорида келтирилган мисолларимизга асосланиб, ҳазрат Алишер Навоий ғазалларида ишлатилган ширдоғ сўзи англатган устки кийимнинг матоси жундан бўлганини тасдиқ этишимиз мумкин. Илло, беш юз йил наридаги кўчманчи ўзбек қавмлари жун матодан фақатгина кигиз ё намат эмас, гўзал қизларнинг зебо қаддига янада кўрк берадиган нафис матолар тайёрлашни ҳам уддалаганига шубҳа қилмасак бўлади.

Машҳур «Муҳокаматул-луғатайн» асарида бир қанча кийим-кечакларнинг туркийча номи келтирилиб, бу қатордан ширдоғ ҳам ўрин олган.



Ширдоғ/ширдоқ атамаси тикмоқ, қавимоқ маъноларига эга бўлган сир(и)/шир(и) феълидан келиб чиққани фактига асосланадиган бўлсак, бу атама эски ўзбек тилида (чиғатой туркчасида) юпқа жун матодан тикилган, четларига гул, нақш солинган устки кийимни англатган деган хулосага келамиз.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратишни лозим кўрдик. Гап шундаки, жун матоларнинг тайёрланиш тарзи икки хил бўлади: улар ё жун иплардан тўқилади (тўқима усули – жун рўмол, шол рўмол шундай тайёрланади), ё майин жундан худди кигиз каби босиб тайёрланади (босма усули – боболаримиз кигиз, наMATни босишган, ҳозир мавжуд бўлган нотўқима материаллар ҳам шу усулда тайёрланади). Замонавий қирғизларнинг ширдоғидан тортиб, миллий бошкийим саналган оққалпоғи ва айрим кийимлари жундан босма усулда тайёрланиши эътиборга олинса, ўзбекларнинг аёллар қоматига зеб бериб турган ширдоғ либоси ҳам босма усулда тайёрланганига шубҳа йўқ.

Жундан босма усулда фақатгина қалин кигиз ё намаТ эмас, юпқа мато ҳам тайёрланиши мумкинлигига яна бир далил шуки, яқин эллик-олтмиш йиллар олдин ҳам Сурхондарё томонлардаги чўпонлар жундан босма усулда тайёрланган чепкан отлиғ уст кийимдан фойдаланишар эди. Чепкан кигизга нисбатан юпқа бўлиб, ўзаро киришиб кетган толалари тигизлигидан сув ҳам ўтказмаган. Чепкан матосининг ўта пишиқлигига далил ўлароқ содда бир кишининг «Босма чепкандан ҳам ўқ ўтадимми?» деган гапи халқ орасида машҳур бўлган. Бу маълумотни бизга етказган адабиётшунос Мусулмон Намознинг билдиришича, бу либосдан чўпон боболаримиз ҳарбийларнинг ҳозирги плаш-палаткаси сингари фойдаланишган. Уни тунлари қўшхонада тўшамчи, кундузи чодир ўрнида соябон қилишган; сафарда эса ундан иссиқ ва совуқдан сақловчи кенг устки кийим сифатида фойдаланишган.

Қадимги уста ҳунурманд аждоқларимиз босма усулда жундан ширдоқ каби ўта нафис мато тайёрлаш анъанасига эга бўлган деб айта оламиз.



Baxshi, "Gelan Suite" triptixining markaziy qismi  
Muhammadiyor Toshmurodov  
Canvas, oil (100x100) - 2009 year



# БЕДОВЛАР ЮРОЛМАС ЙЎЛДАН АЙРИЛСА...

**Қ**одир бахши ўзбек бахшичилик санъатини Эргаш Жуманбулбул ва Фозил шоирдан кейин янги босқичга кўтарган шоир. У саксондан ошиқ дoston, бир юз йигирмадан зиёд терма, бир юз олтмишдан ортиқ эртақ ва ривоятни куйлаган. Юздан кўпроқ дўмбира куйларини ижод қилган. У ўзбек халқ оғзаки ижоди хазиналарини ўз қувваи ҳофизасида жамлаган буюк санъаткор эди.

Гарчи бугунги дунё ҳаётида насиҳатнинг умри тугаб бораётгандай туюлса-да, қулоқлар насиҳатга тақа-тақ ёпилиб қолаётгандай кўринса-да, барибир Қодир бахшининг насиҳатларини журналхонларимизга ҳавола қилишни истадик. Зора, уларни ўқиб, ҳали насиҳатларга маънавий муҳтожлик бор эканини англасак. Бу насиҳатлар кўпроқ бахшиларга қарата айtilган бўлса-да, аслида ҳамма соҳа одамларига тегишли.

## Бир қулоч ўтин мўъжизаси

Дўмбира бор-йўғи бир қулоч ёғоч. Агар уни маҳорат билан чала билсанг, булбулдан ўктам сайрайди. Агар чала билмасанг, бир қулоч ўтин нима, дўмбира нима? Шунинг учун бахши бўлсанг дўмбирани ҳаворга тайлама, унинг устидан ҳеч ким ҳаққаб ўтмасин.



### **Билмаганингни айтма**

Достон катта бир денгиз, уни ҳаром қилиб ичма. Билмаган достонингни ҳеч қачон айтма. Достоннинг бош қаҳрамонини заиф қилиб кўрсатма, агар қаҳрамонинг заиф бўлса, эшитувчилар эснай бошлайди.

### **Дўмбира – йўлдошинг, сирдошинг, қувватинг!**

Дўмбирани фоҳишага ушлатма.  
Бахши бўлсанг, ҳаром йўлга юрма.



### **Қадрни сақлаш**

Достон куйлаётганингда ҳеч қачон одамларга ўзингни кўз-кўз қилма.

### **Ҳеч қачон устозинг билан беллашма**

Устозинг олдида ароқ ичма. Устозинг ўтиб кетган бўлса, ҳаққиға Қуръон тиловат қилдириб тур. Кўринганни устоз деб иззатингни қочирма.

Агар сен бир туманга тўйга борсанг, у ерда кекса бахши бор бўлса, сен уни бориб кўргин ёки даврага олиб келтиргин. Бу иш сенинг донолигинг билдиради.

### **Ҳар ким ҳолига яраша**

Худо ҳар кимга ҳар хил қобилият беради. Ана шу ҳар хиллик бир хил касб эгалари орасида низо чиқаради. Бу низони донолик бартараф қилади. Шундай экан, ҳар ким ҳолига яраша, дангана кўр пулига яраша.

### **Томирлар**

Сен бахши бўлсанг, аввало қишлоғингнинг кўнглини топ.

### **Ошингни итга берсанг-да...**

*Итга бер, ёмонга берма ошингни,  
Мушт кўйса, итарма қариндошингни,  
Авлодинг билмайин эгма бошингни,  
Мард деб юрган кишинг номард бўлмасин.*



### **Элдан айрилма**

*Турналар учолмас хилдан айрилса,  
Бедовлар юролмас йўлдан айрилса,  
Тоглар букчаяди белдан айрилса,  
Мард йигитлар йиғлар элдан айрилса.*



### **Оға ва сингил**

*Келмай кетсанг, излагали.  
Душман бўлса, хезлагали,  
Ору номусинг олгали,  
Оға ҳам керак йигитга.  
Ўлчаб тўнингни бичгали,  
Сен учун жондан кечгали,  
Кўриб кучоғин очгали  
Сингил ҳам керак йигитга.*

### **Дунё**

*Бу дунё аввал бошдан қизиб келган,  
Каттароғи майдасини эзиб келган.  
Биттасининг қуриб кетган иморатин,  
Иккинчиси қайта бошдан бузиб келган.*

*Икки яхши кўшилса,  
Фарзанд қолар, зот қолар.  
Икки ёмон кўшилса,  
Ириллаган ит қолар.*


Гулжаҳон НАМОЗОВА

# ОДДИЙЛАРДАН ОДДИЙРОҚ



Дераза ёнида уч киз  
Узоқ тунда уйқусиз,  
Урчуқ йигиришарди  
Ҳам суҳбат қуришарди...

Шундай қуйма сатрлар билан бошланувчи, ҳар жумласи ёд бўлиб кетган «Шоҳ Салтан ҳақида эртақ»ни интиқлик билан кутиб, жон қулоғи билан эшитмаганлар орамизда кам. Болаликнинг орзуларга тўла сеҳрли оламида қувнаб юрганимизда бу эртақни ким ёзгану ўзбек жужуқларига ким таржима қилиб берганини билмаган ҳам бўлсак керак (билмайдиганлар ҳалигача топилади). Лекин мактаб остонасига қадам қўйиб, ҳарф таний бошлаганимизда муаллимимизнинг «Пушкин қаламига мансуб, шоир Миртемир таржимаси» деб эртақни сўзма-сўз ўқитгани ёдимда. Демак, Миртемир шунчалар моҳирона таржима қилган эканки, йиллар ўтса-да эртақдаги сатрлар хотирамиздан ўчмайди. Мақсуд Шайхзода таъриф берганидек, «Ё тавба, шундай зўр таржима бўлибдики, ҳайрон қоласан одам. Пушкин худди ўзбек тилида ёзгандек. Бу иши учун Миртемирга тириклигида ҳайкал қўйилса арзийди» деб ўйлайсиз. Шундай қилиб, Миртемир домланинг ўзи таъкидлаганидай «оддийлардан кўра оддийроқ» умр йўли, улугвор ижоди билан мактаб давридан таниша бошладик. Кейинроқ адабиётшунос олимлар, шоиру ёзувчилардан Миртемирнинг афсонавий ҳаёт йўли ҳақида эшитдик. Аммо бу билганларимиз камдай эди гўё. У кишининг қизи Гулнора опа билан суҳбатда яна қизиқ-қизиқ маълумотларни билиб олдик.



Миртемир қизи Гулнора билан

– Мен отамнинг супрақоқдисиман. Беш фарзанд ҳаётда қолганмиз. Отамнинг олдинги оиласидан ҳам Клара исмли бир қизи бўлган. Кичиклигида касалланиб, нобуд бўлган экан. Энг катта опам мендан йигирма ёш катта. Тугилганимда катта опам Тошкент давлат университетидан илмий экспедицияга кетган экан. Кичик опам эса Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқиган. Хуллас, дунёга келган куним тоққа «сингилли бўлдик, опагон» деган телеграмма борган. Хатни ўқиган опам роса йиғлабди. Экспедиция бошлиғи воқеадан хабар топиб, «нонимни олиб қўяди деб йиғлаяпсанми, йиғлама, синглинг ҳали ҳаммаларингга овунчоқ бўлади» деган экан. Бугун ўша йиғлоқи опам саксон беш ёшда.

Ҳақиқатан уйдагилар мени еру кўкка ишонмасди. Айниқса, отам жуда эркалатган. Кўшнимизнинг ўғли акамни велосипедда айлантриб келаман деб йиқитиб қўйган, акам нобуд бўлган экан. Балки шундандир, отам-онам мени жуда авайларди. Отамнинг тиззасидан ҳеч тушмасдим. Ҳатто баъзи шогирдлари мени домланинг набираси деб ўйлашган




**Гулнора ва Қутлуғбек**

экан. Уйимиз доим отамнинг шогирдлари билан гавжум бўларди. Лекин битта шарт бор – хонадонимизга нимадир кўтариб келиш мумкин эмас. Ким келса, отамдан яширинча мени шоколаду конфетлар билан сийларди. Мен ширинликларни стол тортмасида сақлардим.

Отам битта мени эмас, опаларимни ҳам эркалатарди. Қаттиққўллигига қарамай, қизларига эҳтиёткор муомала қиларди. Лекин онам уй ишларига маҳкам турарди. Хамир таомларнинг ҳаммасини ўргатган. Онам мактабни битирибоқ отамга турмушга чиққан. Фарзандларига ҳам, отамга ҳам жуда яхши қарарди. Айниқса, ошқозони бетоблиғи боис отамнинг овқатланишига алоҳида эътибор берарди...





**А**дабиётшунос олим Наим Каримовнинг Миртемир ҳақида ёзганларида шундай жумлалар бор: «“Эсдаликлар” куйидаги сўзлар билан бошланган:

“1932 йилнинг 7 августи кечаси соат 1 да сиёсий идора томонидан қамоққа олиндим. Уйда онам, синглим, иним, ўртоғим ва қизалоғим қолди. Ўзим ҳеч нарса сезмасдан кетдим”».

Шоир қамоққа олингач, унинг оиласи учун ҳам синовли кунлар бошланади. Яна ўша «Эсдаликлар»да битишича:

«28.IX.33. Ўтган ҳафта онам олдиға бордим. У қаттиқ касал.

Онам олдида, унинг қаршисида жуда уятлиман.

Мен она хизматини қилолмадим!

Бу кун ҳам уйга бордим: Клара касал, у мунгли ва аламли боқадир. Ҳалима Москвада. У ҳою хавас қилиб кетди. Эҳ, сен, шафқатсиз она, кимга ишондинг болани?

27.X.33. Қандай бахтсиз туғилганман: онам оғир хаста, касалхонада шундай оғир аҳволда ётадир. Оҳ, мен қандай чидайман!

Клара 2/X да ўлди.

Онаси йиғлаб...».

Бошига тушган синовли кунлар шоирга янада оғирроқ келди. Фарзанд доғи, кетмакет айрилиқлар... Гулнора опанинг айтишича, отаси қизи Клара ва ўғлининг беҳос ўлимидан юрак олдириб қўйган. Кенжатоё қизи билан бўлган кутилмаган автоҳалокат шоирни шошириб қўяди...

– Ўқишдан пахтага борганимизда кечкурун фалокат бўлиб, мени машина уриб кетган. Ҳушимни йўқотганман. Билмадим қанча ётдим, лекин кўзимни очсам тепамда отам йиғлаб турибди. Отамнинг меҳрининг чегараси йўқ эди. Онам, ака-опаларим ҳам келишган. Отам ўшанда духтирлар билан гаплашиб, мени тезда Тошкентга олиб кетди. Энг кучли духтирларга кўрсатиб оёққа қўйди. Лекин отам даъво қилмади. Ҳатто кичкина акам нобуд бўлганда ҳам даъво қилмаган экан. Орадан йил ўтиб, қувватга кирдим, кейин ўқишимни давом эттирдим. Ўзи аслида араб филологиясига ўқишга топширгандим. Лекин имтиҳондан ўтолмадим. Кейин ўзбек филологиясида ўқидим. Менга у ерда ўқиш ёқиб қолди. Ахир ҳафтасига том-том китоблар ўқирдик. Уйимизда отамнинг каттагина кутубхонаси бор эди. Ўқишга кирганимда отам «қизим, шу ерда ўқийвер, шунча китобни кимга бериб кетаман?» деган.





**М**иртемир домланинг жонкуяр, меҳрибон устоз, донишманд, шу билан бирга содда ва самимий одам бўлганини у кишини таниган-билганлар бот-бот такрорлашади. Ўзига яқин одамлар, шогирдларида бирор муҳтожлик сезса, даров ёрдам беришга шошган экан. Таржимон, ёзувчи Носир Фозиловнинг устоз ҳақидаги хотираларини ўқир экансиз, бунга амин бўласиз:

«Катта йўлга чиққанимизда қандайдир бир машинани тўхтатиб, чиқиб олдик. Машина ишчилар шаҳарчасига қараб зувиллаб борарди. Боя машина эгасига нимадир дегандай бўлудди, мен нима деганини англамадим. Қарасам, машина зувиллаганча Миртемир аканинг уйи олтидан ўтиб кетди. Ҳайрон бўлдим. Қаёққа кетаяпмиз? Бир маҳал машина ҳозирги


“Миконд” заводининг олдига бориб тўхтади. Миртемир ака кира ҳақини тўлади. Иккаламиз бошлашиб, кўчанинг нариги томонига ўтдик. Кичкинагина бир мато дўкончаси олдига борганимизда Миртемир ака “юр” дегандай ишора қилди. Кирдик. Дўкончи билан яхши таниш шекилли, қуюқ сўрашиб кетишди. Пировардида:

– Олиб қўйдингизми, мулла? – деб сўради.

Дўкончи бошини лиқиллатиб, ичкарига кириб кетди-да, қоғозга ўроғлиқ мато олиб чиқиб, пештахта устига қўйди. Шундоққина қоғознинг очиқ жойидан кўриниб турибди: тўқ кўк жун материал, ўзидан чиққан майда йўлли... Афтидан, чет элдан олиб келинган мато бўлса керак. Ялтирарди. Миртемир ака мени дўкончига кўрсатиб бир нима дегандай бўлди. Сал матога ҳушим кетиб қолган шекилли, ўзимга келдим. Дўкончи менга бошдан-оёқ тикилиб:

– Бу болангизга уч метрдан бемалол чиқади, – деди. – Берайми?

– Маъкул, беринг, – деди Миртемир ака, – бу мулла болаям бир костюмли бўлиб қолсин».



– Шогирдларини «киприкларим» дерди. Уйимизга тез-тез келиб турадиган шогирдларининг эслашича, отам кийим дўконига кирса, масалан, ўзига туфли олмоқчи бўлса, икки-уч жуфт оларкан. Эртаси куни муҳтожроқ бирор шогирди ёки дўстига «фалончибой, мана буни сиз кийинг, менга кичик келди» деб қўярда-қўймай совға қилиб юборар экан. Бундан ташқари, отам жуда баракали инсон эди. Ҳар куни эрталабдан онам катта қозонда овқат пиширарди. Ахир шу таомдан насибалилар бор эди-да. Уйимиз отамнинг таниш-билишлари-ю шогирдларидан ташқари, аммам, амаким, хола-ю тоғаларимнинг фарзандлари билан гавжум бўларди.

---

**Гулнора опа бизга адабиёт дарсликларидан таниш суратлардаги Миртемирнинг ўзгинаси. Содда, самимий, хушчақчақ... Худди ўн йиллик қадрдонлардек гаплашади сиз билан. Сухбатлашиш асносида ўзингизни ноўнғай сезмайсиз сира.**

---

– Отам булбул шоир эди. Тўра амаким доим айтарди: «Даштда сўфитўрғай деган куш бўлади. У ҳар баҳорда тўртта тухум қўйиб, бола очади. Полапонлардан бири булбул бўлиб, қолганлари оддий тўрғай бўлади. Ўша булбул – сизнинг отангиз!».

Отам ҳовлида сайр қилиб юрганда, кўп кузатардим. Бир одати бор эди – бирор фикр ҳаёлига келса, дарров ёзиб қўйишга интиларди. Сайр пайти илҳоми келиб қолса, дарров бармоқлари билан ҳавога ёзиб кетарди. Кейин пичирлаб қайтарарди-да, ўша ёзганининг устидан ҳавога чизиб қўярди. Сўнг дарров ижодхонасига кириб ҳаммасини қозозга туширарди. Отам араб ёзувида ёзган. Қўлёмаларини деярли ўқий олмасдик. Кейинчалик устоз Наим Каримовнинг отам ҳақида ёзганларидан ўқиб, билиб олганмиз.

Отам шеърларида яшаган деб ўйлайман. У кишининг муҳаббатиям, изтиробиям, азобу оғриқлари ҳам шеърларида эди. Ҳар гал мактабдаги ўқувчиларимга отамнинг «Онагинам» шеърини ўқиб берар эканман, кўзларим жиққа ёшга тўларди. Йиғламасдан ўқимасдим бу шеърни... Айниқса мана бу сатрларини...

Одам бўлдимми менам?  
Ҳа, одам санашар мени элимда.  
Сенга қилолмаган хизматим,  
Сен деб чеколмаган захматим  
Жиндак зеҳним, жиндак шеърим,  
жиндак газалхонлигим,  
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,  
жиндак яхшилик ва ёмонлигим  
Мени одам санаган элимга бахшида,  
жафодийда онагинам!  
Элга хизматим сенга хизматим эмасми ахир,  
Эл мени фарзандим демасми ахир!  
Рози бўл, одам саналай менам...  
Дунёга қайтиб келурман,  
Лекин бошқа ўғил бўлиб...

Бу шеър иложсизликдан қийналган отамнинг ички фарёди, фарзанд армонининг тимсоли! «Эсдаликлар»ни варақла-сангиз отамнинг ёзмишларини ўқийсиз:  
«5. X.33. Бу кун Онам ўлган... Она!».





«Эсдаликлар»ни яна варақласангиз, Миртемирнинг ёшликдаги ўтли муҳаббати Ҳалима Раҳимова ҳақидаги ёзганларига ҳам кўзингиз тушади. Ушбу муҳаббат тарихи ҳақида Наим Каримов шундай ёзади:

«Ҳалима ўша йилларда эндигина санъат бўсағасига қадам қўйган ёш, истеъдодли, Фарғона сойларидек шўх раққоса эди. Миртемир уни чиндилдан севарди. У ҳали бўйдоқ кезларида Ҳалиманинг рақслари тугар-тугамас унга даста-даста гуллар тутар, унга бағишлаб шеърлар ёзар эди. Рафиқасини шундай ўтли туйғулар билан севган шоир 1935 йил январида азобуқубатлардан қутулиб, меҳрга зор бўлиб қайтганида, унинг бошқа бир кишига турмушга чиқиб кетганини кўради.

“Мен Миртемирнинг кейинги тақдиридан беҳабар эдим. Менга эринг отилиб кетди деб айтишди. Шундан кейин бошқа турмуш қуришга рози бўлдим. Миртемир қайтиб келгач, мен билан қайта турмуш қурмоқчи бўлди. Лекин бунинг иложи йўқ эди. Шундан кейин у “Мени сенинг эринг қаматган” деб менга таъна қилди”, – деб эслаган эди Ҳалима опа».



Гулнора опа ва жияни Гулрух

– Ҳар йили ёзги таътилда Иқонга (Миртемир туғилган қишлоқ – Г. Н.) кетардим. У ёқда менга мазза эди. Амма-ю амакиларимнинг болалари билан ўйнардик. Отам билан тўйларга кўп борардик. У пайтлари тўйлар карнай, сурнай, дутор билан ўтар эди. Бир марта тўйда рақсга тушганимни эслайман. «Гулноз» рақси... Рақсга шу қадар берилиб кетган эканманки, кўзларимни юмиб атрофимда одамлар тўпланганини ҳам кўрмай қолибман. Ҳам жуда кичкина қиз эдим. Кўзимни очсам, қариндошларимиз пул қистиришган, уялиб кетганман. Пулларни обориб артистларга берганман. Отам тўғрида чоллар билан ўтирганди. Шунақанги ёмон қарадики... Кейин онамни чақириб, «нега қизинг рақсга тушди, нега тарбия қилмадинг?» деб роса койиган экан. Шу-шу қайта рақсга тушмадим. Балки отам раққоса бўлишимни истамагандир... Кейинчалик, эсимни таниб отамнинг қалбини тимдалаган жароҳатлар шу билан боғлиқлигини билдим... Ох, отам-а...



**Ш**оирнинг ўгли Мирза Турсунов отаси ҳақидаги хотираларида шундай ёзади: «Отам қирғиз халқининг “Манас” эпосининг биринчи қисмини моҳирона таржима қилган. Таржима жараёнида уч-тўртта қирғизча сўзнинг маъноси ҳечам чиқавермагач, отам ижодий сафарга отланиб, ўша пайтдаги Қирғизистоннинг пойтахти Фрунзе шаҳрига бориб, қардош шоир, ёзувчилар билан учрашган. Ҳалиги сўзларни уларга кўрсатиб, маъносини сўраса, на бирор шоир, на ёзувчи уларни талқин қилиб бера олган. Қирғиз дўстларидан бири “Домла, бу сўзларнинг талқинини билиш учун “Манас”нинг қабрига бориш керак. Ўша ердаги бахшилар сўзларнинг маъносини айтиб бериши мумкин” деб маслаҳат беради. Бу маслаҳатга амал қилиб, отам бир куни эрталаб чиқиб кетиб, эртаси куни кечга яқин қайтиб келади: ўша сўзларнинг тўғри талқинини билиб олганидан беҳад хурсанд. Бу воқеа кўз олдимда содир бўлгани учун ёдимда қолган. Кўп йиллар ўтиб, отамнинг ва-

фотидан кейин, уйимизга Чингиз Айтматов келиб, баъзи фикрларини изҳор этди. Чингиз оға “Миртемирнинг “Манас” таржимаси шунчалик ажойиб чиққанки, у қайтиб қирғизчага таржима қилинса яхши иш бўлар эди” деганди».

---


– Отам сўз зарғари эди. У таржима қилган асарларни ўқисангиз, буни ўзбек тилида ёзишганми деган хаёл ўтарди. Ҳар бир сўз устида кунлаб ишлаганларини ҳам кўрганмиз. Ана шундай заҳматкаш одам эди у киши. Афсус, отам вафот этганида мен ўн саккиз ёшда эдим. Отам билан ўтган кунларимизни ҳануз қўмсайман. Отам берган меҳрни мен бошқалардан туймадим. У кишининг меҳри қуёш тафтидан ҳам иссиқ эди. Отамнинг:

*Мен ерга қуёшни кўргали келдим,  
Бироқ у кулмаган бўлса ўшал кун,  
Куйлағум, куйлағум қуёш ҳақида,  
Тароналар тўқиб, солғим садо – ун...*

деган мисралари бор эди. Ҳақиқатан отам сўнгги нафасигача қуёшга, ёруғликка, эзгуликка талпиниб яшади!



# СОПОЛ ҚУШЛАР ВА «SMS»ЛАР



Хатларнинг ҳаётимизга қачон кирибкелганини ҳеч киманиқ айтолмаса керак. Ҳарқалай, хат ва бунга сабаб бўладиган туйғу одам боласининг ўзи каби қадимий. Фақат мактубларнинг бажарадиган вазифаси, ижтимоий аҳамиятигина давр ёки кишиларнинг ҳаётини талабларига, инсон онгига қараб у ёки бу даражада ўзгариб турган. Масалан, башар ҳаётининг дастлабки даврларида у ҳар хил белгишаклар кўринишида табиат олдидаги кечинмаларни ифодалайди. Кейинроқ маълумот ташишга ўтади – қабила вакиллари унинг ёрдамида бир-бирини хавфдан огоҳлантириб, ахборот алмашади. Кейинчалик катта-катта давлатлар, салтанатлар ўртасида дипломатик қуролга айланиб, мамлакатлар тақдирини ҳал этади. Ундан кейинроқ санъат ва маданият ходимларининг фикр алмашиш воситаси бўлиб хизмат қилади – маънавий-маърифий, илмий масалаларни ҳал этишда ўзига хос рол бажаради. Ундан ҳам кейинроқ эса ўзи бир санъатга айланади...

Тўғри, юқорида хатларнинг босиб ўтган йўли ҳаддан ошиқ катта одимлар билан санаб ўтилди. Шу туфайли унинг кечмишига оид жуда кўп босқичлар қолиб кетди. Чунки хатнинг турли ашёлардан фойдаланиб жўнатиладиган тури, ҳатто ёзув пайдо бўлишидан олдин ҳам бўлгани ҳақида фактлар бор. Масалан, қадимги Мая қабилалари чилвирга тугун тугиш орқали бир-бирига хабар йўллаган. Бунда тугунлар сони ва қандай тугилганига қараб, маълум сўзларни ифодалаган.

Ҳеродотнинг «Тарих» китобида ҳам ашёлар ёрдамида йўлланган хат ҳақида қизиқ маълумотга кўз тушади. Унга кўра скифлар она заминига бостириб кирган форс шоҳи Дорога қуш, сичқон, бақа ва бешта камон ўқи жўнатади. Доронинг вазири Гобринун ҳукмдорига жўнатиладиган буюмлар маъносини шундай тушунтиради: «Скифлар бизга қуш каби кўкка учсангиз ҳам, сичқондай ерни ковлаб кирсангиз ҳам, бақадай ботқоққа қочсангиз ҳам ўткир пайконларимиздан омонлик йўқ демоқчи».




*Дунёдаги энг биринчи ёзма сиёсий мактуб Месопотамия даврига тегишли. У милоддан аввалги XXIV асрда, Лагаш ҳукмдори Энметена томонидан учбурчак сопол парчасига миҳхат ёзуви билан битилган.*

**А**лишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида форс ҳукмдори Доронинг ўзи солиқ тўлашни истамаган Искандарга чавгон, ёғоч тўп ва бир халта кунжут юборганини ўқиймиз. Шунга ўхшаш детал ўзбек эртақларидан бирида ҳам бор. Ўша эртақда шаҳзода маликага уйланиш учун совчи жўнатади. Малика шаҳзодага аввал бирор ҳунарни эгалласин деган талаб қўяди. Сўнг шаҳзода гилам тўқишни ўрганади. Бир кун у қароқчилар қўлига тушиб, зиндонда туриб тўқиган гиламига ўзини қандай топиш мумкинлиги ҳақидаги хабарни тилсимлайди. Тўғри, бу пайтларга келиб ёзув аллақачон кашф этилган бўлиши мумкин. Бироқ қадимда одамларнинг бир-бирига нарса-буюм жўнатгани ва қабул қилувчининг бундан маълум фикрни тушунишининг ўзи мактубнинг ёзув пайдо бўлишидан аввал ҳам бўлганини билдирмайдими?

Интернет манбаларига кўра дунёдаги энг биринчи ёзма сиёсий мактуб Месопотамия даврига тегишли. У милоддан аввалги XXIV асрда, Лагаш ҳукмдори Энметена томонидан учбурчак сопол парчасига миҳхат ёзуви билан битилган. Ушбу хат Лагаш ва Умма давлатларининг чегара низоларини тинч йўл билан ҳал этиш ҳақида бўлиб, инсон тарихидаги энг биринчи дипломатик мактуб дея баҳоланади. Ундан ҳам олдинги мактуб-

лар бўлиши мумкин, лекин бизгача етиб келган энг қадимги мозий қуши шу. Археологик қазишмалар натижасида топишган мазкур тарихий битик бугунги кунда Британия музейида сақланаётир. Уни Дублиндаги Тринити коллежининг тарих ва ҳуманитар фанлар профессори Брид Макград ҳамма даврларнинг энг муҳим мактуби деб эътироф этади. Олимнинг фикрича, бу хат нафақат давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқаларга йўл очган, балки одамларни саводли бўлишга ундагани билан ҳам эътиборга молик. Шунингдек, профессор Насимхон Раҳмоновнинг ёзишича, милоддан аввалги III асрда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган Ботир Тангриқутнинг Хитой маликаси билан ёзишмалари ҳам фанга маълум. Ўша давр туркий тилида улар «билдиргулик» деб аталганини айтади олим.

Дунёнинг қиёфасини ўзгартирган энг муҳим мактублардан яна бирини физик олим Алберт Айнштейн ёзган. У нацизмга тиш-тирноғи билан қаршилиги сабабли Германияни тарк этгач, Америка президенти Франклин Рузвелтга хат жўнатади. Хатда келажакда атом бомбасининг яратилиш эҳтимоли борлиги ва Германия бу борада иш бошлаганини маълум қилади. Айни пайтда президент вазиятни тўғри баҳолаши учун бу қуролнинг қандай ишга тушиши ва оламшумул хавфини қисқа изоҳлайди.



Нобел мукофоти соҳиби, дунёдаги энг етакчи физиклардан бири Айнштайннинг президентга ёзган мактуби катта қизиқиш ва муҳокамаларга сабаб бўлиши табиий эди. Шу тариқа ядровий қурол ғояси илм-фан тасаввуридан жамоатчилик онига олиб ўтилади. Германия урушда бу қуролдан фойдаланолмаган, 1943 йилда мамлакатнинг ядро базаси йўқотилган, аммо энди уни яратиш мумкинлиги ва нималарга қодир эканини кўпчилик биларди. Қарабсизки, бир энлик мактуб дунё тарихида атом даврини бошлаб беради. Нисбийлик назариясининг муаллифи 1947 йили Американинг «Newsweek» журнаliga берган интервьюсида «Ҳитлер атом бомбасини яратишда омади чопмаслигини билганимда, президентга ўша машъум хатни ҳеч қачон ёзмас эдим» деб афсус чеккан. Бу хат ҳозир Франклин Рузвелт номидаги президент музейида турибди.



*Айнштайн «Newsweek» журнаliga берган интервьюсида «Ҳитлер*

*атом бомбасини яратишда омади чопмаслигини билганимда, президентга ўша машъум хатни ҳеч қачон ёзмас эдим» деб афсус чеккан.*

Хат жўнатиш усулларига келсак, уни югурдак ё чопар орқали жўнатиш ҳаммасидан қадимий. Одамлар хатларни олис ма-софаларга дастлаб югурдак орқали пиёда, кейинроқ от ёки туядаги чопар билан юборади ва бу усуллар асрлар давомида та-комиллашади. Маълумотларга қараганда, илк почтахона милоддан олдинги VI асрда аҳмонийлар Эронида пайдо бўлган. Кейин-чалик у қадимги Миср ва Хитой давлатла-рида мукаммаллаштирилган. XIII асрга ке-либ, мўғул армияси энг учқур, чапдаст чо-парларга эга бўлгани ҳақида фактлар бор. Улар туман, вилоят, қўшни давлатга ўтади-ган йўлларда почта бекатларига ўхшаш ём (работ, бекат) ташкил қилишган. Бу ёмлар бир-биридан 20-25 километр узоқликда қурилган ва уларни аскарлар қўриқланган. Лекин почта ташкил қилинди деган ту-шунча бир қадар нисбий бўлиб, шарқда туялар неча минг йиллар давомида хат ташиш билан шуғуллангани, карвонсаройлар почтахона таш-кил қилинишидан олдин ҳам хат-ни жўнатиш-қабул қилиш жойи ҳисобланганини унут-маслик зарур.

Почта тизими ҳақида гап кетган-да, каптарларни эсламай илож йўқ. Чунки эски давр-нинг энг тезкор чопари айнан у эди. Каптарлар орқали хабар йўл-лаш усули бундан уч ярим минг йилча аввал Мисрда пайдо бўлган дейиша-ди. Ўз-ўзидан маълумки, кап-тарлар фақат бугунги «смс»га ўхшаш қисқа хабарлар ташиган.





Мисрликлар ундан Нил дарёсидаги тошқинлардан ўз вақтида бохабар бўлиш ва ҳарбий топшириқлар олишда фойдаланган. Кейинроқ бу усул Месопотамия ва Эронга ҳам ёйилади. Аммо юнон ва римликлар патли почталионлардан янада унумли фойдаланиш йўлини топишди. Улар ҳатто Олимпия ўйинларининг натижаларини ҳам шу жониворлар ёрдамида узоқ шаҳарларга етказишар эди. XIV асрда Франция қироли Ҳенрих IV каптарларнинг илк почтахонасини ташкил қилгани ҳақида маълумот бор. Улар кейинроқ Ҳиндистон ва Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам пайдо бўлган.

Шуниси қизиқки, инсон замонавий даврларда ҳам тезкор почтачи сифатида каптарлардан воз кечмади. 1800 йилда ҳам нью-йорклик журналистлар улардан қисқа хабар ташишда фойдаланган. XX асрга келиб, урушлар даврида – бошқа алоқа усулларини қўллаш имконсиз бир пайтда – у ҳамон ҳарбий соҳанинг яқин дастёри эди. Ҳатто Биринчи жаҳон урушида, яраланганига қарамасдан, британ армиясига душман чизиги бўйлаб муҳим хабарни етказиб келган каптар Чер Ами\* жасорати учун медал ва ҳарбий унвон билан тақдирланади.


Хатнинг асар тусига кира бошлаши эса Юнон-Римга бориб тақалади. Юнон файласуфи Платон ва Рим нотиғи Сисерон биринчи бўлиб мактуб шаклидаги рисо-лалар ёзган. Христианларнинг муқаддас


китоби Инжил ва Ҳомернинг «Илиада» достонида ҳам бутун-бутун мактублар учрайди. XIV асрларга келиб, бу шарқда ҳам оммалашади. Адабиётнинг номачилик деган алоҳида йўналиши шаклландики, бугунги кунда уни эпистоляр жанр деб атаймиз. Жалолiddин Румийнинг «Мактубот», Носир Хисравнинг «Нома ва рисо-лалар», Алишер Навоийнинг «Муншаот» каби асарлари нома жанрининг шарқдаги дастлабки намуналаридир. Аммо уйғониш давридан кейин Европа уни романчиликнинг ҳам алоҳида йўналиши сифатида адабиётга олиб кирди.

Интернетда романчиликнинг бу йўналиши пайдо бўлиши билан боғлиқ қизиқ маълумотга дуч келдим. Маълум бўлишича, 1600-йилларда Англия қироли Чарлз I мамлакат аҳолиси учун почта тизimini жорий қилади. Лекин бу вақтда ўзаро хат ёзишиш фақат қироллик вакиллари ва биров-ярим зодагонларнинг одати эди. Хат-саводли одамларнинг кўпчилиги мактуб ёзиш кўникмасидан бе-хабар эди. Шунда Лондондаги босмахоналарга хат ёзиш қўлланмаси яратиш топшириғи берилади. Ҳуснихат ила битилган мактубларни йиғишга киришиб кетган нашриёт ходимлари кутилмаганда эпистоляр жанрдаги илк романга тартиб берадилар.



\* Азиз дўст (инг.)





The Sorrows of  
Young Werther

Johann Wolfgang von Goethe



Уларни мактуб услубиятидаги ёлғизлик, айти пайтда ўзига бошқа бировнинг нигоҳи билан қараш каби оригинал руҳий манзаралар жалб этган бўлса ажаб эмас.

Адабиётшунослар эпистоляр романининг жанр талабларига мувофиқ илк намуналари сифатида Габриел-Жозеф Гийераг исмли муаллифнинг тўқима образ – роҳиба аёл ишқий хатларидан иборат «Португал мактублари» ва Афра Бен деган ёзувчининг «Дворян ва синглисининг севги мактублари» асарларини айтишади. Бугунги кун китобхони учун ҳам маълум-машҳур эпистоляр романларга эса Гётеннинг «Ёш Вертернинг изтироблари», Достоевскийнинг «Бечора одамлар» асарлари мисол бўла олади. Вертер исмли йигитнинг севгилисига ёзган хатларидан иборат биринчи романда пок, таъсирчан қалб билан яшаш қанчалик машаққатли эканини англасангиз, Макарь билан Варваранинг ёзишмаларидан ташкил топган иккинчи асарда хатлар ўз даврининг ижтимоий муаммоларини, ҳаёт адолатсизликларини очиб берувчи восита бўлиб хизмат қилганини кўрасиз.

Замонавий ўзбек адабиётида эпистоляр жанрдаги биринчи романи 1998 йилда Абдуқаҳҳор Иброҳимов ёзган. Лекин асар ичида бевосита мактубларга муносабат қилиш минг йил нарисидеги халқ оғзаки ижоди намуналаридаёқ учрайди. Шулардан бири «Алпомиш» достонидир. Эсингизда бўлса, достонда алпларнинг қистовида қолган Барчин Ҳакимбекка «Олти ойчилик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди

бўлса Алпомиши келсин, бўлмаса, жавобимни берсин» деб хат битиб юборади. Шунингдек, халқ ижодиётининг бошқа намуналари, жумладан гап бошида эслаб ўтганимиз сингари эртақларимизда ҳам хатнинг халоскор ёки илинж сифатида тасвирланганини кўраимиз.

Бироқ хатнинг халоскорга айланиши фақат халқ ижодиётига хос эмас. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида Отабекнинг ҳаётини отасидан келган хат сақлаб қолади. Умуман, Қодирий асарида хатлардан жуда унумли фойдаланган. Романга жами 16 та хат киритилган бўлиб, ишга, шахсий ҳаётга, давлат бошқарувига оид бу хатлар қаҳрамонларнинг маънавий оламини ёритиб, асарда ўта муҳим функция бажаради. Сир эмаски, яқин-яқинларгача уйига хат жўнатган аскарлар ўз сўзини «Ушбу ёзган хатим тез етиб маълум ва равшан бўлсинким, ул сўлим фалон қишлоқдаги...» деган анъанавий жумлалар билан бошлар эди. «Ўткан кунлар» романида ҳам хатлар бошланма ва якунга эга. Фақат ёзилган даври маданиятидан келиб чиқиб, улар исломий кўринишда. Қолаверса, бошланма ва якуний қисмлар қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан умумлаштирилади. «Дуойи салом билан», «Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим» сингари.



Қодирий асарида хатлардан жуда унумли фойдаланган. Романга жами 16 та хат киритилган бўлиб, ишга, шахсий ҳаётга, давлат бошқарувига оид.

**Х**атларнинг қабул қилиб олувчи ёки жўнатувчининг ўзини харажатга туширадиган турлари ҳам бўлган. «Қорхат» деб номланган улар. Биринчи қор ёғишининг хурсандчилигини ифодалаган бундай хатларда жўнатувчи ўз шартини баён қилган. Хатни олган одам қўлидагининг қорхат эканини кеч тушуниб, берган одамни қувиб етолмаса, ўша шартни бажарган. Етса, ёзилган вазифани бажариш хат эгасининг бўйнида қолган. Шартлар ҳам енгил бўлган: зиёфат уюштириш, қорни кураш, дўппи ё белбоғ олиб бериш сингари. Шундан у қизиқарли ўйин сифатида завқ уйғотган, кўнгилларни яқинлаштирган. Бироқ хатларни фақат муносабатларнинг мустақамланишига хизмат қилган, қайноқ кечинмалар, яхши гаплар ташиган дейишимиз хато. Кези келганда у ўта совуқ хабарлар ҳам келтирган. Кириб борган уйига қора кунларнинг, аниқроғи, ўлим мусибатининг дарагини ҳам етказган. Халқ уларни «қора хат» дея атаган.

Шундай қилиб, инсониятнинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий ҳаётида муҳим ҳодиса саналган, қарийб уч минг йилдан бери гоҳ у, гоҳ бу кўринишда яшаб келаётган мактублар бугун электрон шаклга ҳам кириб улгурди. Энди уни сония ичида дунёнинг у четидан бу чеккасига жўнатиш имкони бор. Аммо хатлар мазмуни анчайин торайиб, ҳажми ихчамлашган. Асосан иш, ижтимоий соҳа кўмакчисига айланиб, шахсий ҳаётдаги ўрнини бўлак замонавий воситаларга бўшатиб бермоқда. Давр шиддатига хос қисқа ва лўнда «смс»лар хатларнинг ҳозир энг оммалашган ана шундай турларидан бири. Улар бугунги кун одамни ҳам ҳиссий, ҳам жисмоний уринишлардан яхшигина озод қилган, қоғоз мактубларга қараганда, харажатни анча камайтган...

Мактублар инсон ҳаётида пайдо бўлганидан бошлаб ўзида маънавий оламимизни, ҳаёт тарзимизни, онг даражамизни ифодалаб келади. Уларнинг

босиб ўтган йўлига қараб инсониятнинг бугунга довур нималарга эришиб, нималарни йўқотганини англаш мумкин. Шунинг учун ҳам хатнинг яна қайтиб бир вақтлар каптар ташиганга ўхшаш қисқа хабарларга айланиши ва улар ўзида фақат маълумот ташиётгани бизни сергакликка чорлаши лозим. Демак, инсон ўзининг руҳий қисмига оид алланарсани бой берди. Нимагадир ишонмай, ниманидир ахтармай қўйди. Бу дунё адабиётининг энг кўп эътироф этилган асарларидаги – «Ёлғизликнинг юз йили», «Қиёмат» каби – цивилизация олдидаги хавотирни, тасаввуф аҳлининг руҳни ўстириш билан боғлиқ қарашларини ёдимга солади. Ахир одамзотни ғорлардан билак кучи эмас, айнан онги етаклаб чиққанди. Шу онг, шу идрок унга аввалроқ табиатнинг, кейинроқ авлодларнинг олдидаги масъулликни бирма-бир англаганди.

Аристотелнинг доно бир ибораси бор. У мантиқнинг тўғри ишлаш техникасини тушунтирар экан, «Ҳамма одамлар ўлимли бўлса ва Зайд одам бўлса, демак Зайд ҳам ўлимлидир» деб ёзади. Олимнинг назарияси бўйича фикр юритадиган бўлсак, токи одам боласини ғордан айнан онг, идрок етаклаб чиққан экан, унинг орқага қайтиши бизни тагин ғорлар сари етаклайди. Тўғри, у қадимги инсон яшаган, яъни тоғ бағрини ўйиб ясаладиган совуқ ғор бўлмаслиги мумкин. Аммо қорни учун яшаётган, имкон қадар кўпроқ егулик захираларини йиғаетган, муносабатларни манфаат устига қуриб, ҳамма нарсани ўзиники, ўзиники ва фақат ўзиники қилишга уринаётган одамларнинг Ер сайёрасидаги яшаш тарзи ўша ибтидоий ҳаётдан мутлақо фарқ қилмай қолади...





**Абдураим ТУРСУНОВ,**  
Термиз давлат университети доценти

**Халқ оғзаки ижоди мавзуларининг бойлиги, серқирралиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Алла қўшиқларини эса унинг сарчашмаси ва ибтидоси десак бўлади. Унинг ранг-баранг турлари бор.**

## ОНА ҚАЛБИНИНГ ОВОЗИ

**Х**усусан, алла айтишнинг алоҳида қоида ёки тартиби йўқ. Ўқув машғулотларида ҳам махсус ўргатилмайди. Алла ҳар бир онанинг юрагидан ўзига хос усулда, баъзан баралла, баъзан сокин, гоҳ мунгли, гоҳ қайғули оҳангларда яралади. Алла шу жиҳати билан алоҳида хусусиятга эга. Унда халқ турмуш тарзи ўз инъикосини топган. Асрлар оша аллага турлича сайқал берилиб, лапарчилар томонидан тўй ва маросимларда, халқ давраларида ҳам анъанавий айтиб келинади. Шу тариқа аллалар дostonларда, термаларда, маталларда ва халқ қўшиқларида намоён бўлиб борган.

Алланинг шаклланиш асослари ва драматургияси қўшиқ маъноси ҳамда она нафасида мужассам бўлади. Чунки алла онанинг фарзандига меҳру муҳаббати, орзу-умидлари, яхши ният, эзгу тилақларини ифодалаш билан бирга, унинг руҳий кечинмалари, изти-





тиш суръатига мос оҳангда ижро этилади. Бунда алланинг матни янгилиниб боради, ижро услуби нисбатан эркин шаклда бўлади.

Бешик тўйида бешикни олиб кираётган аёллар айтадиган қўшиқ ҳам алладан ажралиб чиққан бўлиб, оғзаки ижоднинг бир намунаси дир. Ижро хусусиятлари байрамона, кўтаринки руҳда, маросим кайфиятига мос, усули тантанавор бўлиб, доира жўрлигида куйланади.

Кексаларнинг айтишича, алла эшитган боланинг дунёқараши кенг ва турмуш тарзи ҳам мазмунли бўлади. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан бақувват бўлиб вояга етади. Шу сабабли аллани илмий ўрганишда ҳудудий жиҳатларни, шахснинг шаклланишидаги таъсирини батафсил таҳлил этиш маданият ва санъат соҳасида муҳим мавзулардан бўлиб қолмоқда.

роб ва армонларини ҳам ифодалайди. Шу сабабли аллалар шакл жиҳатдан мураккаб, оҳанги турфа хилдир. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир она юраги аллани алоҳида кашф этади, унга янги руҳ беради.

Сурхон воҳасининг ҳамма қишлоқларида алла қўшиғи кенг тарқалган. Хусусан, Бойсун туманида алла «хуйя», яъни, оталар қўшиғи сифатида талқин қилинади.

Бу қўшиқни асосан отахонлар, кекса кишилар куйлаб, неварасини тиззасига ўтирғизиб, бир маромда ирғаб ўтиради.

*Хуйя-хуйя, хуйялар,  
Бобоси берсин туялар.  
Тоғаси тойни жеталар,  
Бўталогим нор бўлсин-эй,  
Қўшиқларим бор бўлсин-эй,  
Хуйя-хуйя, хуйялар...*

Ўзбек, уйғур ва тожик халқлари орасида болани ухлатишда яққохон усулда айтиладиган қўшиқ алла деб аталади. Одатда оддий куйлар, баъзан бешик ё беланчакни тебра-



*Бешик тўйида бешикни олиб кираётган аёллар айтадиган қўшиқ ҳам алладан ажралиб чиққан бўлиб, оғзаки ижоднинг бир намунаси дир.*





# ТАРОЗИНИНГ

## ИККИ ПАЛЛАСИ

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,  
профессор



Ҳар қандай ғоя оммага содда ва аниқ тушунтирилса, самараси катта бўлади. Шунинг учун ҳам маънавият ва маърифатнинг, таълим-тарбиянинг таъсирчан тарзда етказилиши ўта муҳим масаладир. Бу эса ўз-ўзидан тарғиботчининг нутқий кўникмасига боғлиқ. Лекин кўпчилик минбар, микрофон ва видеокамера орқали аудиторияга юзланса, ҳаяжонга тушади, билганини ҳам айтолмай, фикри пойинтар-сойинтар бўлади. Шу маънода Алишер Навоий ҳазратларининг мазкур мулоҳазаси бежиз эмас: «Одамнинг таъби сўз билан, таомнинг таъми туз билан, сувнинг таъми муз билан». Кези келганда айтиш керакки, ҳиссиз калом айтгандан кўра, тузсиз таом едирган афзалдир.

Кайси соҳада фаолият юритмайлик, маърифат тарғиботчиси нотиқлик санъатини эгаллаган бўлиши мақсадга мувофиқ. Халқимизнинг «Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб кузатарлар» деган нақли бежиз эмас. Инсоннинг икки оғиз сўзидаёқ билим-савияси, маънавияти, дунёқараши, табиати намоён бўлади. Шунинг учун ҳам педагогнинг нутқий ва хулқий маданияти улугвор мақсадларимизни амалга оширишдаги муҳим қуролдир.

Ўтган йили бир тажриба ўтказдик. Тўртта ўқитувчини бир жойга чақириб, уларга беш дақиқалик ижтимоий мазмундаги видеоролик қўйиб берилди. Кейин улардан алоҳида-алоҳида ўша видеороликнинг сюжети ҳамда олган таассуротларини сўзлаб бериши сўралди.

Уларнинг биринчиси шундай гапирдики, худди антеннаси яхши ишламаган телевизор тасвири бижир-бижир бўлиб, нима берилаётганини англаш қийин бўлгандек таассурот уйғонди. Иккинчиси гапирганда оқ-қора рангли телевизорда тасвир кўргандек бўлдик. Учинчиси рангли телевизорда томоша қилгандек таассурот берган бўлса, тўртинчиси 3D, 5D, 7D форматли тасвир кўргандек ҳис-туйғумизга таъсир этди.

Демак, тўртовлон бир жойда бир хил нарсани кўриб, гапирган бўлса-да, уларнинг тахайюл, тасаввур ва тафаккур тарзи ҳамда тилдан фойдаланиш даражаси ҳар хил. Одатда сўзловчиларнинг фарқи учта тушунчани қай даражада қўллашига боғлиқ. Бу сўзлаш, тинглаш ва англашдир. Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш маънавиятдандир. Педагогнинг нутқи ана шуларнинг уйғунлиги ва таъсирчанлиги билан баҳоланади. Машхур юнон нотиғи Горгийннинг фикрича, сўзловчининг энг муҳим вазифаси тингловчини ишонтириш, уни ўзига ром қилишдан иборатдир. Ром этиш, табиийки, нутқнинг таъсирчанлигига боғлиқ.

Ўт ғоя – ёв ғоя. Таъсирчан воситалардан фойдаланиб, омма онгига таъсир қилиш, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни изидан эргаштириб, турли оқимлар таъсирига тушириш жамиятимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам фожиадир. Мулоҳаза ўрнида айтиш жоизки, айрим ёшларнинг бундай таъсирга берилишига фақатгина моддий

манфаатдорликни сабаб қилиб кўрсатиш нотўғри. Улар пулга ўчлик ёки муҳтожликдан шу йўлга тушиб қолган дейиш ўзимизни алдаш бўлади. Илло, уларнинг аксарияти ўзига тўқ оилаларнинг фарзандлари.



*Ўт ғоя – ёв ғоя. Таъсирчан воситалардан фойдаланиб, омма онгига таъсир қилиш, етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни изидан эргаштириб, турли оқимлар таъсирига тушириш жамиятимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам фожиадир.*

Таъсирчанлик ўзига хос қурол эканлигини, у онгга таъсир этувчи, керак бўлса манипуляция қилувчи восита эканлигини асло унутмаслик зарур. Мутасаввуф боболаримиз нотиқликни дудама ханжарга ўхшатишган. Дудама ханжар икки томонлама кесадиган яроғ дегани. Унинг бир томонида эзгулик бўлса, бир томонида ёвузлик, бошқача айтганда бир томонида адолат бўлса, иккинчи томонида адоват бўлади. Ким қайси томони билан кесса, дудама шунга хизмат қилаверади. Нотиқлик, воизлик санъатидан ким усталик билан фойдаланса, унинг қўли доимо баланд.



Шундай тарғиботчилар борки, уларнинг маърузасини тинглаганда уйқу дорисига ҳожат йўқ. Дарслардан бирида шу нарсанинг гувоҳи бўлганман. Зериктирувчи маъруза қилган ўқитувчига бир талаба икки қўлини кўксига қўйиб, «Устоз, сизга минг раҳмат, маза қилдим» деди. Таажжубга тушган ўқитувчи «Ўғлим, салкам қирқ йилдан бери дарс бераман, худди шу сўзни, шу илтифотни кутиб яшадим, кутиб ишладим, нима учун раҳмат деб миннатдорчилик билдирдингиз?» деб сўради. Жавобан талаба шундай деди: «Домлажон, шундай монотон маъруза ўқидингиз, онамнинг алласи ҳам мени бир соат бу даражада мазза қилиб ухлатмаса керак». Кулгили, лекин аслида бу – фожиа.



Алишер Навоий воизлар ҳақида шундай ёзади: «Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсин, тўла кирган одам эса енгил тортиб, холи қайтсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насиҳатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлади. Агар у бошқаларга буюрса-ю, ўзи қилмаса, унинг

сўзлари ҳеч кимга таъсир этмайди ва фойда келтирмайди». Педагог хоҳ илмий, хоҳ публицистик, хоҳ бадиий маъруза бўлсин, уни етказишда ўзининг руҳий ҳолати – гоҳ осойишта, гоҳ жўшқин бўлиши, баён оҳанги ифода этилмоқчи бўлган мазмунга қараб турланиб туриши зарур.

Мен «Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш эса маънавиятдандир» деган иборамни бот-бот такрорлашдан зерикмайман. Бу сезгир ва огоҳ одамда кўз, қулоқ ва миянинг доим ишлаб туриши, сергак юракнинг уриб туришига ишора. Халқ ва ватаннинг ободлиги – инсон ва маконнинг озодлигидан.

«Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор». Бу мақол сўзловчига ҳам дахлдор. Гап сўзни қандай айта олиш ва етказа олишда. Китоб нутқ ва фикр манбаи эканлигини, фикрни эмас, фикрлашни ўрганиш ва ўргатиш муҳимлигини доимо ёдда тутиш зарур. То-

мас Алва Эдисон «Цивилизациянинг энг буюк вазифаси одамларни фикрлашга ўргатишдир» деганида тил ва тафаккурнинг чамбарчас боғлиқлигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Тафаккур қаноти эса – китоб, халқимизни оммавий китобхонликка чорлаш, кўп китоб ўқиган ёшларни мукофотлаш ҳам хайрли амалдир.

«Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ, бугун битта китоб ўқиган бола эртага ўнта телевизор кўрадиган болани бошқаради» деган гап топиб айтилган.

Мен «Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш эса маънавиятдандир» деган иборамни бот-бот такрорлашдан зерикмайман. Бу сезгир ва огоҳ одамда кўз, қулоқ ва миянинг доим ишлаб туриши, сергак юракнинг уриб туришига ишора.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши маънавият соҳасида яна бир янги босқич бўлди десак хато бўлмайди.

Ҳар бир мамлакатнинг икки таянчи бўлади, бу бамисоли тарозининг икки палласига ўхшайди. Бу таянч тарозисининг бир палласи маънавият бўлса, иккинчиси иқтисодиётдир. Бунёдкорлик ва қурилишлардан ҳам кўра халқ онгидаги бурилишлар давлатни юксалтиради. Бугунги халқимиз кечаги халқ эмас, унинг онгу тафаккури ўзгарди дейишларида ҳам улкан ҳақиқат бор. Тафаккур ўзгармаса жамият ўзгармайди. Тўғри, бир пайтлар маънавият деса унга ўнинчи даражали масала деб қарайдиганлар ҳам йўқ эмас эди.

Ҳар бир замон ва маконга хос миллат танламас иллатлар мавжуд. Булар терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятлар, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлардир. Буларга қарши курашиш учун билимдон маънавият тарғиботчилари зарур. Бундай муаммоларни даф этишнинг бирдан-

бир йўли юрт қисматиغا, ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган, фуқаролик бурчини тўла ва тўғри англайдиган ватанпарвар авлодни шакллантиришдир. Ватан туйғуси, оила қайғуси тушунчаларига бефарқлик – мудҳиш иллат.

Лоқайдлик эса барча иллатларнинг дояси. Зеро, ушбу ҳикмат бежиз айтилмаган: «Душманлардан қўрқма – нари борса улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим туришлари туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».



*Ҳар бир замон ва маконга хос миллат танламас иллатлар мавжуд. Булар терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятлар, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлардир.*





**Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ,**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Араб тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

**Илоҳий қонунга кўра инсон фарзанди тарбияга муҳтож, зеро, у табиатан уқувсиз туғилади. Ҳайвон болалари эса ҳаётий уқув билан туғиларкан. Олимлар тажриба ўтказишган: тўққиз ойлик гўдакни ва ўн кунлик хумпар(мушук боласи)ни олишади ва иккаласини қазилган чоҳга йўналтиришади. Чақалоқ ўрмалаб чоҳга тушиб кетади, мушукча эса чоҳ лабидан изига қайтади. Бунинг шартли ва шартсиз рефлексларга бўлиб тадқиқ қилади. Оқни қорадан, ёниб турган оловни қуёш шуъласидан фарқлолмайдиган бир парча эт – одам боласи кун келиб, барча илмлар соҳиби даражасига талпинишининг ўзиёқ катта мўъжиза. Шу боис ҳам тарбиянинг ўзи буюк ҳикматдир.**



# ТАРБИЯ ҲИКМАТДИР

**Ю**ртимизда таълим ҳамيشа тарбия билан бирга олиб борилган, ҳеч қачон шарқда ўқув юртларида таълимдан айри ҳолда «Одобнома» дарси ташкил этилмаган. Ҳар бир мударрис аввало соҳиби ахлоқ бўлиши ва талабага ахлоқ намунаси билан таъсир ўтказиши шарт бўлган. Агар бунинг акси бўлса, бундай устоз даргоҳдан четлаштирилган. Шунинг учун бизда устоз-шогирдлик анъанаси мустаҳкам.

Шарқда одоб-ахлоқ ҳақида рисола ёзиш анъана тусига кирган. Афсуски, кейинги пайтларда таълим, яъни илм бирламчи ҳисобланмоқда. Шарқда ҳам, ғарбда ҳам таълим энг аввал қобил, лаёқатли, устозга бўйсунувчи шогирдга берилган. Акс ҳолда берилган таълим заранг, таги тош ерга қуйилган сув каби беҳуда бўлиши аниқ.

Назаримда, ёш педагоглар аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос қаршисида довдираб, уни истеъмолга кирита олмай, бир қадар анграиб турган ва мероси билан тинмай мақтанадиган маддоҳларга айланаяпти.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамизда қўлзма меросимизни ўрганиш яхшироқ йўлга қўйилди. Бироқ тор доирада тадқиқ ишларининг ўзи камлик қилади десам, хурматли педагоглар мени тўғри тушунишар деб ўйлайман. Мен ҳозирги кунда таълим-тарбиядаги ҳаракатларни эътироф қилган ҳолда тарбия ҳақидаги тарихий китобларимиздан



*Шарқда одоб-ахлоқ ҳақида рисола ёзиш анъана тусига кирган. Афсуски, кейинги пайтларда таълим, яъни илм бирламчи ҳисобланмоқда. Шарқда ҳам, ғарбда ҳам таълим энг аввал қобил, лаёқатли, устозга бўйсунувчи шогирдга берилган.*

беҳабарлик оқибатида баъзи ўринларда хато қилаётганимизнинг гувоҳи бўлаёпман. Айрим педагогларимизнинг «европача методга ўтиш керак» деган гапларининг пайдо бўлгани ҳам сир эмас. Бу таълимда асқотиши мумкин, лекин тарбияда эмас. Ҳар нарса меъёри билан гўзал. Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак, бу авлод тарбияси орқасида аввало ватан туради, уларнинг томирида буюк педагогик мерос – биринчи уйғониш даври ва иккинчи уйғониш даврига асос солган, инсоният тарихида таълим ва тарбия ҳақида биринчилардан бўлиб асарлар ёзган аждодларнинг, дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган боболарнинг қони оқиб турибди.

Шунча фикр ва мулоҳазалардан сўнг далиллаш учун мозийга қайтиб, жаҳон педагогикасига ҳисса қўшган, аммо ўз авлоди беҳабар айрим ватандошларимиз ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдим. Тарихдан маълумки, мўғуллар истилосидан олдинроқ Мовароуннаҳр илм-фанда Бағдоддан қолишмаган юрт бўлган. Зеро, Аллоҳ илмий салоҳиятни бир миллат ё халққа хатлаб бермаган, ўзининг одил сифати билан худди ёмғирли булут сингари бутун инсониятга сочиб ташлаган. Ҳар бир халқ ўзининг тўғрилигига, покизалиги ва ниятига қараб насибадор бўлади. Ҳазрати Румий таъкидлаганидек:

*Ақл-илм юз очса жаҳон кўзгусида,  
Тийра тортгай кун унинг ўтрусида...*

Юртимиз ҳам илоҳий улушдан яхшигина насибадор. Биринчи ренессанс даврининг охирида Мовароуннаҳрда илм юқори чўққисига кўтарилган. Ўша даврда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Насаф, Термиз ва бошқа шаҳарларимизда кўплаб олимлар етишиб чиққан. Шулардан бири «Таълимул муталлим, тариқи тааллум» китобининг муаллифи Имом

Бурҳониддин Зарнужийдир (1154-1214). Ул зот имомлик даражасига етишган, бир неча китоб муаллифи, бизгача фақат шу китоби етиб келган. Имом Зарнужий Фарғонанинг қадимги Зарнуж қишлоғида таваллуд топган. Тўғри, Зарнужийнинг «Таълимул мутааллим, тариқи тааллум» асаридан олдин ҳам турли даврларда ахлоққа оид асарлар ёзилган. Лекин бу китобнинг эътиборли жиҳати шундаки, у биринчи уйғониш даврининг охириги пайтларида ёзилган. Бу ҳам «Ҳидоя» китоби сингари ўз даврининг манзур китобига айланиб, халқ орасида қўлма-қўл бўлиб кетган ва мўғуллар балосидан эсон-омон ўтиб бизгача етиб келган. Яна бир афзаллиги, китоб ўша давр талабалари ёки устозлари қай даражада одоб-ахлоқ соҳиби бўлишганидан дарак бериб турибди. Бу асарга араб олимлари тан бериб, кўплаб шарҳлар ёзган, немис ва инглиз тилларига 1850-йилларда таржима қилиниб, педагогика мутахассислигида тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ҳозирги кунда араб ўлкаларининг кўп жойларида мадраса-ю олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўқитилади.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, дунё янги тамаддун палласига қадам қўймоқда, «Европа таълими», «Осиё таълими» ва «Америкача таълим» деган терминлар педагогик мажлисларда такрор-такрор зикр этилаёпти. Лекин биз – ўзбеклар машъум мустамлака давридан мерос бўлиб қолган зўравонликнинг сиртмоғидан чиқиб, дунёга кўз солишимиз, дунё таълимини ўзимизга, ўзимизни дунё таълимига қиёслаб боришимиз, шу йўсинда ўзимизни ҳам, дунёни ҳам янгича баҳолашимиз зарур. Бошқача айтганда, тарбия билан йўғрилган қадриятларимизни ҳам, орзу-ниятларимизни ҳам бирйўла дунё педагогикаси тарозисига қўйиш пайти аллақачон келган.

# SUMMARY

The first issue of the “Ma’naviy hayot” magazine for 2025 has been published.

The first article featured in this issue is dedicated to the life and work of our great ancestor — the king and poet Zahiriddin Muhammad Babur. Written by Abdusattor Jumanazar, the article offers deep insights into the scholar’s remarkable legacy and creative journey.

Doctor of Pedagogical Sciences and Professor Qozoqboy Yo’ldoshev reflects on the process of individualization within the nation and warns of certain shifts taking place in our spiritual values in his article named “G’urur kibr emas”.

In the column “Tavsiya”, Uzbekistan’s honored journalist, literary scholar and writer Olim Toshboyev, along with famous author Alisher Ibodinov, propose Uzbek alternatives for foreign words increasingly entering the language.

Readers can also explore the article “Navoiy va Cho’lpon: Ko’k-yer konsepti” by Suvon Meli, Doctor of Philological Sciences, illustrated through examples of rubaiyat and quatrains.

This time the column “Buri’ish nuqtasi” features an emotional piece by Doctor of Medical Sciences, Professor Jumanazar Beknazarov, titled “Yurak qarimaydi, to’xtaydi birdan”, where he shares cherished childhood memories.

In the “Nafis majlislar” column, the issue presents an engaging interview with Uzbekistan’s national hero, Ibrohim G’afurov. Through the conversation led by Eshqobil Shukur, readers gain insight into the writer’s creative journey, life lessons, and the challenges of his work.

Moreover, you will get acquainted with the article “Arosatdagi farosat” by Anvar Boboyev, a researcher at the Imam Bukhari International Scientific Research Center. The piece addresses various social issues and offers reflections on them.

Qulman Ochil’s story “Juma kuni” encourages vigilance and eradication of various vices.

Moreover, the magazine’s traditional section, “Otalar va qizlar,” features an interesting interview with the daughter of the great translator and poet Mirtemir.

The first issue of the magazine of “Ma’naviy hayot” in 2025 includes many other significant articles and scientific research.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,  
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ  
№1 (45), 2025

## **Муассис:**

Республика Маънавият  
ва маърифат маркази

## **Бош муҳаррир:**

Эшқобил ШУКУР

## **Ижодий гуруҳ:**

Азим РЎЗИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонқул САЛОМ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мукулмон НАМОЗ

Ҳасан КАРВОНЛИ

Шаҳноза РОФИЕВА

Гулжаҳон НОМОЗОВА

## **Масъул котиб:**

Орзу АЪЗАМ

## **Фотограф:**

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

## **Муқова фотолари муаллифи:**

Зилола Зафар қизи

## **Ички муқова фотоси**

### **муаллифи:**

Зафар Рўзиқулов

## **Манзил:**

Тошкент шаҳри,

Бобур кўчаси, 6-уй.

е-mail: manaviyhayot@inbox.ru

Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);

90 319 11 41 (маркетинг ва

реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси

Матбуот ва ахборот агентлигидан

30.06.2015 йилда 0828-рақам

билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда

манба қайд этилиши шарт.

Босишга 10.04.2025 да рухсат

берилди. Бичими 60x84 1/8.

Оффсет усулида босилди.

Босма табағи 14,0.

Буюртма № 15.

Адади 5844 нусха.

Обуна индекси: 919

ISSN 2181-7766

Журнал "Matrix" МЧЖда чоп

этилди.

Манзил: Тошкент, 100170,

Сайрам 7-тор кўчаси, 52 уй.

# МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

Обуна  
индекси:

919

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг  
кўмакчингиздир.  
Журналга обуна бўлинг!



